

Арно Тайгер

Қувғиндаги кекса қирол



Arno GEIGER

DER ALTE KÖNIG IN SEINEM EXIL

Арно ГАЙГЕР

ҚУВҒИНДАҒИ КЕКСА ҚИРОЛ

Қисса

«Файласуфлар» нашриёти
Тошкент – 2015

821.112.2(436)-31 Австрия ағ. тил

УЎК: 821.112.2-3

КБК: 84(4Авс)

Г15 Гайгер, Арно

Кувгиндаги кекса қирол : қисса / А. Гайгер – Тошкент : «Файласуфлар нашриёти» МЧЖ, 2015. – 128 бет.

УЎК: 821.112.2-3

КБК: 84(4Авс)

Г15


Немис тилидан **Мирзаали АКБАРОВ** таржимаси

Арно Гайгер 1968 йилда Брегенц (Австрия)да тугилган, австриялик истеъдодли замонавий ёзувчилардан бири. Унинг кўплаб ҳикоя, қисса ва романлари чоп этилган бўлиб, турли мукофотлар билан тақдирланган.

2011 йилда нашр этилган “Кувгиндаги кекса қирол” қиссаси адибга нафақат Европа, балки дунё миқёсида ҳам шухрат келтирди. Асар тез орада кўпгина жаҳон тилларига таржима қилиниб, китобхонлар меҳрини қозонди.

Унда муаллиф Алцхаймер касаллигига дучор бўлган кекса отаси ҳақида ҳикоя қилади. Маълумки, Алцхаймер мия хасталиги бўлиб, 1906 йилда немис шифокори Алоиз Алцхаймер томонидан аниқланган. Хотиранинг аста-секин сусайиб, йўқолиб бориши касалликнинг дастлабки асосий белгиси ҳисобланади. Алцхаймер деменция (ақли заифлик)нинг кенг тарқалган шакли бўлиб, кўпроқ кекса ёшдаги кишиларда учрайди.

Ушбу асар юксак ахлоқий-тарбиявий аҳамиятга эга. Қиссада ёзувчи ўз падари бузрукворининг ҳаёти, ижтимоий келиб чиқиши, туриш-турмуши, ўй-кечинмалари, хис-туйғулари ва дарду изтироблари ҳақида бир оз ғамгин, бир оз кувноқ ва бир оз киноя билан ҳикоя қиларкан, одамлар, оила, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни моҳирона очиб беради, оилавий ва ижтимоий масъулият, тил ва хогира, ватан ва ўзлик, эркинлик ва инсон шаъни, кадр-қиммати сингари долзарб мавзуларда баҳс юритади, кишиларни ўзаро меҳроқибатли, инсоф-диёнатли бўлишга чакиради.



ISBN 978-9943-4322-3-9

© «Файласуфлар» нашриёти, 2015

Бобом мени танисмай қолганида, олти ёшли бола эдим. У пастда, бизнинг ёнимиздаги кўшни уйда истиқомат қиларди. Мактабга бораётиб, йўлни кискартириш мақсадида кўпинча бобомнинг боғини тиккалай кесиб ўтар эдим, шунда бобом ортимдан ёғоч ўқталиб қолар, норози оҳангда тўнғиллаб қўярди. Баъзан эса, менга кўзи тушиши билан хурсанд бўлиб кетар, тўғри олдимга келиб, мени Ҳелмут деб атай бошларди. Шунда мен нима дейишни билмай, тек туриб қолардим. Кунларнинг бирида бобом, ниҳоят, бандаликни бажо келтирди. Ушбу воқеалар – хасталик отамда пайдо бўлмагунига қадар – эсимдан чиқиб, унутилиб кетди.

Русларда шундай бир мақол бор: Ҳаётда хатоларимиздан бўлак ҳеч бир нарсa бошқа қайтиб келмас экан. Ва бу ҳодиса айниқса, ёшимиз бир жойга етганда кучайиб бораркан. Отамиз ҳам нафақага чиққандан сўнг, қандайдир ғалати бўлиб қолган эди. Буни биз унинг ён-атрофидагиларга бўлган ҳар қандай қизиқишдан мосуво бўлабошлаган пайтида сезиб қолдик. Ўзини тутиши, юриш-туриши, хулқ, феъл-атвори, муомаласи бизларга ўзига хос, ғалати туюлди. Шу боис ҳарна ўзини қўлга олсин деб, бир неча йил давомида ғиди-биди қилавериb, холи-жонига қўймадик. Бугунга келиб шуларни ўйлаб туриб, беҳуда чиранганимиз алам қилиб кетади; чунки биз касалликни баҳона қилиб, шахс нафсониятига тегиб кетгандик. “Илтимос, унақа қилиб юрмагин!” Бу гапни унга юз марталаб айтгандирмиз, у эса бизга сабр-тоқат билан кулоқ солар, тақдирга тан бериб, ожизлигини бўйнига олса, енгил тортадигандек кўринарди. Бирок у унутишдан буткул халос бўлолмас, эсдалик, хотира қайдларидан умуман фойдаланмасди, ҳатто даструъмолчасига кимдир билдирмай тугун тугиб қўяётгани ҳақида шикоят қилишдан ҳам той-

масди. Бинобарин, отам ўз руҳий тушкунлигига қарши ҳеч қандай кураш олиб бормаган, бу ҳақда лоақал бирор марта бўлсин, гарчи у – бугунги кун нуктаи-назаридан олганда – кечи билан тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида масала жиддий эканини англаб етган бўлса ҳам, гапирганини эслолмаймиз. Агар у болаларидан бирортасига, шунақа-шунақа, миям жойида эмасга ўхшайди, деб қўйганда ҳам, биз барчамиз вазиятга бундан бошқачароқ, яъни яхшироқ ёндашган бўлармидик. Шундай қилиб, ўтган кўп йиллар мобайнида отам сичқон, биз – сичқонлар, касаллик эса мушук бўлиб, бир-биримиз билан сичқон-мушук ўйнаб келганмиз.

Ниҳоятда асабга тегадиган, хавф-хатар, ишончсизлик, шубҳа-гумон ва ноаниқликларга тўла илк давр, мана, ҳарқалай ортда қолди, гарчанд бунини эслаш мен учун ҳамиша ҳам оғир бўлса-да, бироқ бир нарсани, яъни таслим бўлишда ҳам фарқ бўлишини, бунга курашишга ортиқ ҳоҳиш-истак қолмаслиги ё бўлмасам мағлуб бўлганини билишлик сабаб бўлишини энди-энди тушуниб етаяпман. Отам эса, ўз-ўзини мағлуб бўлган деб ҳисобларди. Умрининг муайян бир даврига етиб келгач, руҳий қуввати адо бўлиб, энди у ички бир кайфиятга суяниб қолганди; кучли таъсир қиладиган дори-дармонлар танқис бўлган бир пайтда касалликка қарши курашда оила аъзолари учун бу ҳам ўзига хос қулай, амалий имконият вазифасини ўтарди.

Милан Кундера¹ шундай деб ёзади: *Ҳаёт деб аталмиш мана шу муқаррар мағлубият олдида уни тушунишга уринишдан бошқа иложимиз қолмайди.*

Деменция (ақли заифликдан иборат ҳасталик – тарж.) касаллигини, отам ҳозир унинг ўртача ҳолатида эди, мен тахминан қуйидагича тасаввур қиламан: одам ўзини гўё уйқуси бузилгандек, гаранг ҳис қилади, қаердалигини билолмайди, теварак-атрофидаги нарсалар, ерлар, йиллар, одамлар гир-гир айланаверади. Киши ўзининг

¹ Милан Кундера – замонавий чех ёзувчиси, 1929 й.да Брно (Чехословакия) да туғилган 1975 й.дан буён Францияда яшайди

қаердалигини билиб олишга уринади, бироқ бефойда. Атрофида нарсалар, мархумлар, тириклар, хотиралар гир айланаверади, худди тушдагидек галлюцинациялар¹ со-дир бўлади, узук-юлук гаплар эшитилиб туради, лекин ба-ри беҳуда – мана шунаканги ҳолат бутун кун давомида ҳам ҳеч бир ўзгаришсиз давом этаверади.

Уйда қолган пайтларимда, биз, фарзандлар отамиз-га навбати билан қараб турардик, уни одатда эрталаб тўққизга яқин уйғотардим. У ўринда батамом гаранг ҳолда ётаверарди, бироқ ётоқхонасига ўзи танимаган одамлар-нинг кириб-чиқишига бутунлай кўникиб қолганди.

– Қани, тураколмайсанми энди, – дейман унга сами-мий оҳангда ва кайфиятига бир оз некбинлик бахш этиш умидида кўшиб кўяман:

– Ҳаётимиз қандай ажойиб-а.

Ишонқирамайгина ўрнидан тураркан:

– Балки сен учун шундайдир,– дейди у.

Сўнг пайпоқларини узатаман, у пайпоқларга қошларини кўтарган кўйи бир зум хайрон бўлиб қараб тургач:

– Қани учинчиси? – деб сўрайди.

Унга кийимларини кийишида ёрдамлашаман, у бун-га монелик қилмайди, вақт эса ўтиб боради. Шундан ке-йин уни ошхонага олиб бораман. Нонуштадан сўнг, унга соқолини қиртишлаб олишини таклиф қиламан, у эса мен-га кўзларини қисиб:

– Яхшиси, мен уйда қолақолай, – дейди. – Сени кўриш учун яқин орада келолмасам керак.

Отамга ваннахонага олиб борадиган йўлни кўрсатаман. У бўлса: “Э худо, тавба, тавба” дея вақтдан ютишга инти-лади.

– Соқолингни олволгин, – ялинаман унга, – сени кўрганлар нима дейди.

У ҳардамхаёллик билан айтганларимни қила бош-лайди. “Агарда бундан бирон нима кутаётган бўлсанг...”,

¹ Галлюцинация – қорахаёл, йўқ нарсаларнинг бор бўлиб кўриниши, эшитилиши ёки сезилиши. (Шу ва бошқа барча изоҳлар таржимонники – М. А.).

ғўлдирайди у ва кўзгуга қараб, тикка сочларини иккала қўли билан шунақанги қаттиқ ишқалайдик, натижада сочлар бир текис бўлиб қолади. Яна тагин ойнага қарайди. “Деярли яп-янги”, ўзича жилмайиб, кимгадир самимий миннатдорчилик билдиради.

Яқин орадан бошлаб, у кимгадир тез-тез миннатдорчилик билдирадиган бўлиб қолди. Бундан бир неча кун аввал, сабабини ҳеч англаёлмадим, у менга шундай деди: “Мен сенга олдиндан чин дилдан миннатдорчилик билдираман.”

Бунақанги “янги” гапларга мен ҳам ўз навбатида хушмуомалалик билан: “Арзимайди”, “Марҳамат” ёки “Бажону дил” дея жавоб қайтарадиган бўлдим. Чунки одамни довдиратадиган ёки саросимага соладиган сўрабсуриштиришлардан кўра тасдиқловчи жавоблар маъқулроқ эди, зеро, бундай саволлар, борди-ю агар уларни фахмлаб колгудек бўлса, шахсий камчиликларига бориб такалар, ундай жавоблар эса ҳамма ишлар жойида эканлигини билдириб, отам кўнглини бир озгина тинчлантирарди.

Аввалига бундай “мослашув”лар ҳолдан тойдирадиган даражада оғир ва азобли кечди. Негаки, ҳар қандай бола, фарзанд ўз ота-онасини кучли инсонлар деб ҳисоблайди, уларнинг ҳаёт ноҳақликларига-да сабот билан бардош беришларига ишонади, секин-аста пайдо бўлаётган камчилик, ожизликларидан эса ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ азият чекади. Бироқ шунга қарамасдан, янги ролимга тез орада кўникиб, анча ўрганиб қолдим. Деменцияга дучор бўлган бемор ҳаёти учун янгича тартиб ва мезонлар зарурлигига ишонч ҳосил қилдим. Агар отам миннатдорчилик билдирмоқчи бўлса, марҳамат, ҳеч қандай вазкорсонсиз минатдорчилик билдираверсин, агарда у ҳамма мени ташлаб кетди деб, шикоят қилмоқчи бўлса ҳам, майли, унинг фикри далилларга дош бера оладими-йўқми, бундан қатъи назар, шикоят қилаверсин. Зотан, унинг учун деменциядан бўлак бошқа олам мавжуд эмас, буни тушунишимиз керак. Шунинг учун ҳам оиланинг бир аъзоси сифатида беморнинг чалкаш, чигал ҳолатини ино-

батга олиб, бутун бошли бир қайғу, ғам-ғуссани бир оз бўлса-да, енгиллатишга уриниб кўришгина қўлимдан келарди, холос. Отам менинг оламимга кириб кела олмаётими, демак, мен унинг олдига боришим керак. У ёқларда, унинг аҳволи-руҳияси сарҳадлари оша, мақсадга йўналтирилганлик ва моддийликка асосланган бизнинг жамиятимиздан нариги томонларда у мўътабар зот, гарчи умумий ўлчов-мезонларга кўра, у қадар эсли-хушли бўлмаса ҳам, ҳарҳолда ажойиб одам, ахир.

Бог ичидан мушук юриб ўтди. Отам:

– Илгари менинг ҳам мушукларим бўларди. Ёлғиз ўзимники эмас, албатта, шунчаки шерик сифатида.

Бир куни ундан аҳволлар қалай, деб сўрасам, у шундай жавоб қилди:

– Мўъжизалар бўлмайди, лекин аломат бор нарса.

Ундан кейинги гапига ақл бовар қилмайди, худди тушдаги каби уч-қуйруғи йўқ:

– Ҳаёт муаммоларсиз ҳам осон бўлиб қолмайди.

Бунга нияям дейиш мумкин, Август Гайгернинг шунчаки қочирим, кинояси ва донишмандлиги, холос. Фақат бир нарсага ачинасан, у ҳам бўлса, унинг одамни ҳайратга соладиган мана шундай ҳикматли гаплари тобора камайиб бораёпти. Уларнинг бора-бора йўқолиб бораётгани менга алам қилади. Бу худди шундайки, гўё кўп қон йўқотаётган отамни вақт лупаси орқали кузатиб тургандекман. Ундан ҳаёт, тириклик томиб, томчилаб, сизиб турибди. Шахсдан шахсият томчи-томчи бўлиб сирқимоқда. Бу менинг отам, мени боқиб катта қилган инсон, деган туйғу ҳали завоқ топгани йўқ. Бироқ отамни илгариги қиёфасида кўролмаётгандим, бу айниқса, оқшомлари яққол сезилиб қоларди. Тонгнинг нималар олиб келишини кечанинг ўзидаёқ илк сезинг билан ҳис эта оласан. Чунки қоронғилик тушиши билан қўрқув босиб келади. Шунда отам қувғиндаги кекса қирол янглиғ нима қилишини билмай, у ёқдан бу ёққа бетиним саросар кезиниб, юриб чиқади. Кўзи тушган ҳамма нарса унга қўрқинчли, мўрт, беқарор, лиқиллаган бўлиб туюлади, худди бир лаҳзадаёқ

ёрилиб, бўлиниб, парчаланиб, эриб, йўқ бўлиб кетадигандек. Гўёки уйингдаги ҳеч бир нарса ўз жойида эмасдек.

Мен ошхонада ўтирган кўйим ноутбукимда ёза бошлайман. Кўшни хонадан телевизор овози эшитилади. Отам даҳлиздан оёқ учида юриб ўтиб, унга кулоқ солади ва ўзича минғирлайди:

– Ҳеч нимани тушуниб бўлмайди-я.

Сўнг аста ошхонага кириб келади ва ўзини гўё ёзувими кузатаётганга солади. Бироқ кўз қиримни ташлаб, сезиб турибман, кўнглини кўтаришим керак.

– Бир озгина телевизор кўрмайсанми? – сўрайман ундан.

– Ундан нима фойда?

– Шунчаки эрмак-да.

– Яхшиси, уйга кетмоқчиман.

– Сен ҳозир уйдасан.

– Биз ўзи қаердамиз?

Мен унга кўчанинг номини ва уй рақамини айтаман.

– Шундайку-я, лекин бу ерда ҳеч қачон бўлмагандекман.

– Мана шу уйни ўзинг эллигинчи йиллар охирида кургансан, ўшандан бери шу ерда яшаб келаяпсан.

Унинг афти буришди. Бу маълумотлар уни қониқтирмади шекилли. Энсасини қашиб:

– Мен сенга ишонаман, лекин бир шартим бор. Уйимга бормоқчиман.

Унинг юзига тикилиб қарайман. Хижолат бўлаётгани шундоққина сезилиб турибди, буни яширишга уринаётган эса-да, пешонасидаги терлар ошкор қилаётганди. Салкам ваҳимага тушиб қолаётган бу одамга қараб туриб, аъзойибаданим музлаб кетди.

Ўз уйимда эмасман деб, изтироб чекиш – ушбу касалликнинг намоён бўлишидир. Буни мен шундай тушунаманки, деменция билан оғриган бемор ўзининг ички бузилиши, рухий парокандалиги сабабли хотиржамлик туйғусидан маҳрум бўлиб, шу хавфсизлик, хотиржамлик бор жойни қўмсайверади. Ана шу асабий хаяжон энг якин, кадрдон макон-масканларда ҳам босилавермагач,

хатто ўз уйингдаги тўшак ҳам ортиқ керак бўлмай қолади. Хуллас, Марсел Пруст¹ таъкидлаб ўтганидек, йўқолган жаннат ҳақиқий жаннат ҳисобланаркан. Мазкур ҳолатда яшаш жойингни ўзгартиришдан ҳам ҳеч қандай наф йўқ. Эҳтимол, ашула айтиш билан бир озгина чалғиш мумкин-дир, балки. Деменцияга дучор бўлган кишилар куйлаш-ни ёқтиришади, чунки кўшиқ кўнгилни хушлайди. Куй-кўшиқ, бу – ҳис-ҳаяжон, жўшқинлик, таъбир жоиз бўлса, моддий оламдан ташқаридаги ватандир.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, бундай беморлар худди ёш болага ўхшаб кетади – бамисоли истиоралардан воз кечилган матн; бу эса ачинарли, чунки катта ёшдаги одам ҳеч қачон қайтадан болага айланиб қолмайди, бинобарин, олдга қараб ривожланиш бола табиятигагина хосдир. Болалар қобилиятга эришиб борсалар, деменция билан оғриган беморлар лаёқатини йўқота борадилар. Бундай беморлар билан бўлган суҳбатда йўқотиш сари юз тутсанг, болалар билан мулоқотда тараққиёт сари нигоҳ ташлайсан. Асл ҳақиқат шуки, қарилик ҳеч нимани қайтариб бермайди, у бамисоли яхмалак отишга мўлжалланган қия тепалик, шуниси ҳам борки, кексалик даври чўзилган сийин ташвишлар ҳам ортиб бораверади.

Мен СД-плэйрни қўяман. Синглим Хелга халқ кўшиқларидан иборат тўпламни харид қилиб, олиб келиб қўйган.

Бир замонлар беш ёввойи оққуш –

Сариқ аравада учиб бораркан ...

Баъзан ҳийла-найрангимиз ҳам иш бериб қолади. Ярим соатча шодон минғир-минғир хиргойи қиламиз. Мусиқа “юкди” шекилли, қариянинг авзойи бирданига ўзгаради, буни кўриб кулгим қистайди. Фурсатдан фойдаланиб, унга ўзимча “дирижёрлик” қилган бўлиб, аста ётоқхонасига бошлайман. Мана, энди кайфияти анча яхши, гарчи замон, макон ва воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги тасавури ҳамон ўзгармаган эса-да, бу нарсалар ҳозирча уни безовта қилмайди.

¹ Марсел Пруст – машхур француз ёзувчиси (1871–1922).

Ғолиб бўлмоқ эмас, чидамоқ керак экан, ўйлайман ўзимча. Қарасам, пижамани ечмай тек турибди. Нима қилиш кераклигини айтганимдан кейин, кўрпа орасига аста сирғалиб кираркан, деди:

– Энг муҳими, бу ерда ухлаш учун жой бор экан.

У атрофига аланглаб, кўлини кўтарди ва фақат ўзи учунгина мавжуд бўлган ким биландир саломлашгач, кўшиб кўйди:

– Бу ер ҳам аслида ёмон эмас экан, чидаса бўлади.

Ишонсангиз, ўша кундан бошлаб ўзим ҳам худди падари бузрукворимга ўхшаб, ҳолдан тойиб, қаттиқ чарчаб қоладиган бўлдим.

– *Аҳволлар қалай, дада?*

– *Нима десамикин, ёмон эмас. Шунчаки бир нави, бу ҳақда нима ҳам дея олардим.*

– *Хуш, вақт ўтиши ҳақида нима дейсан?*

– *Вақт ўтиши дейсанми? Унинг тез ёки секин ўтишининг аслида менга ҳеч қандай фарқи йўқ. Мен бу масалаларда даъвогарлик ёки талабчанлик қилолмайман.*

Гарчи орадан бир неча йиллар ўтиб кетган бўлса-да, ушбу хасталикнинг пайдо бўлиш сабаблари хаёлимга хануз кўланка ташлаб, мени таъқиб этиб келади. Деразадан кишки сукунат чўмган бокқа назар ташлаб, бўлиб ўтган воқеаларни эсларканман, йўл кўйилган хатоларнинг оғир юки елкамдан босиб келади.

Отамизнинг хасталиги шундай бир чалкаш-чигаллик билан бошландики, бўлаётган ўзгаришларга ўзимиз ҳам дафъатан тўғри баҳо беролмай қолдик. Улар деҳқонча ривоятдаги қазо мисол юрганда “суяги кирсилласа”-да, лекин ўзи кўринмай аста пусиб кириб келди. Биз шовқинни эшитгандик, аммо эски, кўҳна уйдаги шамолнинг овози бўлса керак, деб ўйлаганмиз.

Касалликнинг дастлабки белгилари тўксонинчи йиллар ўртасида намоён бўлган, бироқ биз бунинг сабабларини ўз вақтида тўғри изоҳлай олмаганмиз. Айвонли уйимизни таъмирлаш чоғида отам аввалги (сув) тиндиргич хоналарнинг бетон копкоқларини жойига қўйиб қўйиш учун уринганини, бироқ бир ўзи ёлғиз кўтара олмай, уларни уриб, синдирганини ҳали-ҳануз аччиқ афсус-надомат билан эслайман. Ўшанда, бу биринчи марта эмасди, мен жўртгага қилаяпти деб ўйлаб, бақириб берганман. Шундан кейинги ишларга ортиқ юрагим бетламай, қарашиш ўрнига мунтазам равишда уйдан чиқиб кетаверганман. Яна бир воқеа – Швейцария радиоси муҳаррири ташриф буюган кун эсимда қолган. 1997 йилнинг кузи, биринчи романим босилиб чиққан кезлар эди. Мен китобдан бир бобни ўқиб беришим, муҳаррир эса матнни магнит тасмасига ёзиб олиши лозим эди, шу боис пешиндан кейин уйда шовқин бўлмасин деб, отамдан илтимос қилдим. Ёзувга энди киришган ҳам эдикки, устахонада бирданига тарақатуруқ бошланиб қолса бўладими... Узлуксиз, бетўхтов тақиллаш то микрофон ўчирилгунга қадар давом этса денг. Шунда ўз отамнинг бундай назар-писандсиз хатти-ҳаракатига ичимда ғазабим қўзиб, гапнинг очиги, ундан нафратланган ҳам эдим. Шу воқеадан кейин бир неча кун мобайнида гаплашиш у ёқда турсин, кўзига кўринмай юрдим. Пароль эса, оддий эди: саботаж.

Акам Петер қачон уйланган эди-я? Ҳа, 1993 йил. Тўй куни отам меъёрдан ортиқ овқат еб қўйган, ўн ё ўн беш бўлак тортни пакқос тушириб, қорни қаттиқ оғриб қолганди. Кеч оқшом уйга аранг судралиб келиб, шу ётгандан икки кун кучли оғриқдан тўлганиб чиққан. Ҳатто ўлиб қоламан деб, ваҳима қилган, бизлар эса ўшанда кўп еган кетга зўр, ажаб бўлсин, дея кулиб қўяқолгандик. Шу тариқа кундалиқ қобилиятидан аста-секин маҳрум бўлиб бораётганини, афсуски, ҳеч ким сезмай қолган. Хасталик ўша пайтда отам узра ўз тўрини секинлик билан, билдирмай ёя бошлаган, у эса тўрга чувалашиб, илиниб бўлган, биз буни пайкамай қолганмиз.

Биз, болалар ўша белги-аломатларни нотўғри, тескари тушуниб юрган пайтларимизда, отамиз бечора ўзида содир бўлаётган ғалати ўзгаришларни сезиб, ўзини аллақандай адоват, ғараз, хусуматга ўхшаш ёқимсиз, жирканч бир нима ўраб-чирмаб олаётганини ҳис қилиб, бундан изтироб чеккан, қаттиқ кўркувга тушган, бироқ ҳимояланишга ожизлик қилган. Бу ҳақда у бизга бир оғиз айтмаган, бу эса унинг дамдузлигига, ҳис-туйғуларини очик изҳор қилишга ҳам халал берган бўлса керак, эҳтимол. Умуман, бу нарса унинг характериға ёт бўлган, у ҳеч қачон бундай қилмаган, энди эса, иш ўтган, бирон чора кўриш учун анча кеч эди. Энг ёмони, бахтга қарши, ана шундай ноқобиллик отадан болаларга ҳам ўтган, шу сабабли улар томонидан ҳеч қандай арзигулик зарба ҳам берилмади. Ҳеч ким юрак ютиб, бунга журъат қилолмади. Биз воқеа-ходисаларни ўз ҳолиға ташлаб қўйдик. Ҳа, отамиз ғалати ҳолатларни бошдан кечираётганди. Бироқ унда бундай ҳолатлар илгаритдан ҳам ҳар доим бўлиб келганмиди? – Йўқ, унинг ўзини тутиши, юриш-туриши жойида эди.

Аслида эса бу барча ғалати воқеалар энг аввало, муайян характерға хос хусусиятларнинг янги вазият билан юзма-юз келиши натижаси бўлиб туюлди. Отам кексайдиган, бироқ энг ёмони, уни ўттиз йил бирга яшаган аёли ташлаб кетган, унда бирон-бир ишға рағбат етишмаслиги, эҳтимол, шундан эди.

Ажралиш унга анча оғир бўлган, у ўзи бунга қатъиян қарши турган, чунки биринчидан, онам билан доим бирга яшашни ҳоҳлаган, бошқа тарафдан эса, икки ўртада мустаҳкам ришталар ҳам мавжуд бўлган. Фақат у маълум бир урф-одат, анъаналарнинг вақт ўтиши билан эскириб, таомилдан чиқишини етарлича англаб етмаган. Бугунги кунга хос пишиқ-пuxта ҳаётий режалар, ният-мақсадлардан кескин фарқли ўларок, бундан бир неча ўн йиллар олдинги аҳду-паймонға маҳкам ёпишиб олиб, ичган онт-қасамини бузишни истамаган. Шунга кўра ҳам у ўзидан ўн беш ёш кичик аёлиға қараганда бутунлай бошқа бир авлодға мансуб бўлган. Аёл киши учун эса обрў ёки

ваъда муҳим бўлмаган, балки қаерда бўлмасин, бахтли ҳаёт кечириш мумкин бўлса, шунга қараб таваккал қилинган. Онам уйни тарк этгач, отамнинг бу кўнгилсизликка ботинан сабот билан чидаб, бардош беришдан бошқа чораси қолмаган.

Онам уйдан кетиб қолгандан сўнг, отам қандайдир ҳаёл сурадиган бўлиб, кундалик ишларга ҳам қўли бормай қолди. Гуё сўнгги имкониятдан ҳам маҳрум бўлгандек эди. Фарзандлари касби-кори бўйича доим иш билан банд эканлигини, шунинг учун уларнинг қўшимча юмушларга вақтлари йўқлигини билишига қарамасдан, ҳаттоки боғдаги ишларни ҳам ташлаб қўйди. Шундай қилиб, отамиз ҳақиқатан ҳам барча нарсадан кўнгли совиб, халос бўлиб олди, унда илгариги ғайрат-шижоат, иштиёқ-интилиш, кунт-хафсаладан асар ҳам қолмади. Ҳаёти давомида етарли даражада меҳнат қилиб қўйганини, энди ишлаш навбати болаларники эканини очиқ-ойдин маълум қилди.

Ушбу баҳоналар ўйлаганимиздан кўра бошқа нарсалар билан боғлиқ бўлса-да, бизларни бир оз ранжитди, чунки бу камчиликларни бекорчиликдан келиб чиққан деб ўйладик. Аслида эса бунинг бутунлай тескариси, бекорчиликнинг бош сабабчиси – камчиликлар эди. Зеро, майда-чуйда ишлар, вазифалар бошидан ошиб-тошиб ётарди, қарасаки, назоратни йўқотиб бораёпти, шунда ҳар қанақанги масъулиятдан воз кечиб қўя қолган.

Кунда қиладиган иши – помидорларни суғориш ўрнига, энди у вақтини уззукун пасьянс¹ ҳамда телевизор кўриш билан ўтказарди. Ўшанда оёққа туриб олиш учун елиб-югуриб юрган пайтларим, бу ёқда эса отамнинг зериктирадиган, жонга тегадиган бир хил қилиқлари, менга улар бориб турган бепарволик, лоқайдликдан бошқа нарсаси эмасдек туюларди. Пасьянс ва телевизор, ахир шуям иш бўлдимми? ўйлардим мен ва ўз эътирозларимни яшириб ҳам ўтиролмасдим. Отамни аврадим, ачитиб гапирдим, керак бўлса, ғиди-биди қилдим, аввалги куч-ғайратини йўқотиб

¹ Пасьянс – қарта билан фол очиш.

кўйганини, ланжлигини юзига солдим, бироқ уни довди-
раш ва маъюс-махзунлик ҳолатидан халос қилиш йўлида
зўр берган барча ҳаракатларим чиппакка чиқди. У жала
ўртасида қолган ёлғиз отдек, турган жойида тек туравер-
ди, миқ ҳам этмади.

Брегенц кўл саҳнидаги овоз ёзиш студиясида бир муд-
дат тирикчилик деб техник бўлиб ишладим. ўшандаям
ёзиб-чизиб юрдим. Башарти шу боис уйда ҳам бир неча ой
бўлишимга тўғри келмагандами агар, билмадим, ота-онам
хонадонидан анча узоқлашиб кетган бўлармидим. Шу
зайлда орадан бир неча кун ўтгач, оиламиз бошига чексиз
ғам-ғусса тушди. Ака-сингиллар бирин-кетин жой топиб,
кўчиб кетишди-ю, дадамиз нафас олаётган ҳаво сийракла-
шиб қолгандек бўлди.

2000 йилдаги бизнинг аҳволи-руҳиямиз тахминан ана
шундай эди.

Хасталик нафақат отамнинг миясини кемириб борар,
балки болалик хотирамда сақланиб қолган қиёфасига ҳам
путур етказаётганди. Бутун болалик даврим мобайнида
унинг ўғли бўлишдан фахрланиб келган бўлсам, энди эса
уни кўпроқ ақли заиф одам деб ҳисоблардим.

Жак Деррида¹ айтган гап тўғрига ўхшайди:

Ёзганда ҳамиша кечирим сўрашга тўғри келади.

Ҳедвиг холамнинг айтишича, бир куни Эмил – отам-
нинг олти ака-укасида энг каттаси билан уни кўргани бо-
ришибди. Эмилнинг қўлида соч оладиган машинка билан
лунги бўлган экан, лекин дадам соч олдирганми-йўқми,
буниси холамнинг эсида йўқ. Вақт пешиндан оққан пайт
экан. Отамнинг хонасидаги кушетка (*юшиоқ узун кур-
си – тарж.*) устида томат қайласи юқи қолган ликобчани
кўриб, Ҳедвиг холам ҳайрон бўлибди. Бир маҳал отамнинг
қўлидан пиёла тушиб кетиб синибди, унинг ҳайрон бўлиб
турганини кўрган холам, синикларни йиғиштириб олай
деб, супурги қаердалигини сўрабди. У эса, ҳеч нима дея
олмай термулиб қараб тураверибди, шу аснода тўсатдан

¹ Жак Деррида – француз файласуфи ва адабиёт назариётчиси (1930–2004)

кўзларида ёш пайдо бўлибди. Шунда холам ҳамма нарсани англаб етган экан.

Бу ҳақда улар ортик гаплашишмаган. Отам унсиз ўзи билан ўзи олишаверган. У ҳеч қандай тушунтиришга ҳам, қочишга ҳам уринмаган – то Лурд¹ зиёратига қадар. 1998 йилда опа-сингилларидан энг каттаси Мария, уни ҳамма Миля деб чақиришарди, укаси Эрих ва унинг хотини Валтрауд билан (отам аёли ва болаларини олиб, ҳеч қачон ҳеч қаёққа бормаган, чунки урушда гўё бутун дунёни кўриб бўлган эмиш) бу гал ҳайратланарли тарзда нисбатан узоқ сафарга отланган. Йўлда улар кечаси ва эрталаб ҳам ибодат қилиб боришган. Миля афтидан кўп юришга кийналган чоғи, ўшанда дадамга ҳазиллашиб:

– Сен мен учун ҳам юравер, мен эса сен учун ҳам фикрлайвераман, – деган экан.

* * *

Энг ёмони, бизнинг вазиятни тушунмаганимиз бўлди. Шунинг учун отамизни наинки хотира заифлиги ва баҳона билан боғлиқ муаммолар, балки бошқа нарсалар кўпроқ қийнаётгани маълум бўлгач, аҳволимиз бир оз яхши томонга ўзгаргандек кўринди. Кундалик ҳаёт ечиб бўлмас муаммоларни кўндаланг кўяркан, паришонхотирлик панд бериши турган гап эди. Отам барвақт туриб, чала-ярим, телба-тескари ёки устма-уст кийиниб олар, туш пайти совитилган пицца(таом)ни идиш-пидиши билан канализация қувурига ташлаб юборар, пайпоқларини эса ... совиткичда сакларди. Даҳшатларнинг бутун кўлами аста-секин англашилаётган бўлса-да, лекин биз учун бир нарса, яъни дадамиз дардга сўз бермаётгани, балки деменциядан азоб чекаётгани равшан эди. Кўп йиллар давомида мана шу фикр хаёлимга ҳам келмаган, энди ўйласам, отам тўғрисидаги тасаввурим ушбу белги-ишора йўлига ғов бўлган экан. Бу қанчалик ғалати туюлмасин, мен бунга сираям ишонмаган бўлардим.

¹ Лурд (Lourdes) – Франциянинг жануби-ғарбида, Гав-де-По дарёси соҳилида жойлашган хушманзара шаҳар.

Ҳақиқий аҳволни англаб етиш барча учун енгиллик бахш этди. Энди ортда қолган йиллардаги чалкашликлар учун биз англай оладиган изоҳ бор эди, фақат алам қиладигани – вақт, мана шу ғалати ҳодисага қарши курашда беҳуда кетган вақтга ичимиз ачирди, чунки бу вақтдан бизлар минг баробар маънилироқ фойдалана олишимиз мумкин ва лозим эди. Агар биз эс-хушлироқ, одатдагидан эътиборлироқ ва қизиқувчанроқ бўлганимизда эди, нафақат отамиз, балки ўзимиз ҳам бунақанги кўп қийинчиликларга дучор бўлмаган, энг муҳими, хушёрроқ бўлиб, хасталик ҳақида кўпроқ қайғуриб, сўраб-суриштирган бўлардик.

Касалликнинг бошланиши ўзи билан буткул муваффақиятсизликлар, улкан йўқотишларга тўла қўрқинчли бир даврни бошлаб келди. Бу дадамизнинг ҳасби-ҳоли ҳамда бутун умри давомида муҳим саналган нарсаларнинг ғойиб бўлишига ҳам тааллуқлидир. Масалан, эллигинчи йилларда чиққан уч тезликда ҳаракатланадиган улов. Дадам мана шу уловда неча йиллар қор-ёмғир демай жамоа идорасига ишга қатнаган – у ерда йигирма олти ёшидан бошлаб котиб лавозимида меҳнат фаолиятини бошлаган. Яна бево-сита урушдан ке-йин тушган белгача олинган сурати – унда вазни қирқ килограммча чиқадиган йигитча акс этган. Падари бузрукворимиз уни онасининг фотосурати билан бирга ҳамёнида салкам олтмиш йил асраб келган. Меҳр, кўнгил қўйган нарсалари мана энди йўқликка маҳкум эди.

Адриан исмли таниш қизга ушбу сурат ҳақида гапириб берган эдим. Дадам ўшанда ўн тўққизга тўлган, русларнинг госпиталидан эндигина озод бўлган пайти. У ерда ичбуруғ бўлиб қолиб, парвариш туфайли эмас, балки кўпроқ тасодиф туфайли ўлим ёқасидан қайтиб, аранг тузалиб чиққан, сочлари калта қирқилган, тим қора чакнаб турган кўзларидаги ифодани сўз билан тасвирлаш қийин.

Волфуртга отланганимда, Адриан ўша суратдан нусха олиб қўйсанг-чи, деб қолди. 2004 йил эди. Берлиндан қайтишим билан, тушдан сўнг уйга келдим. Отам одатдагидек бу пайтда боғда Урсула ва Петер ҳузурида наби-раларининг ўйинини томоша қилиб ўтирарди. Фурсатдан

фойдаланиб, унинг куртка ва шимларининг чўнтакларини кавлаб, ғаладонлар ва жавонларни ҳам, худди болалигимдагидек, тимирскилаб чикдим, бироқ ҳеч нарса тополмадим. Хайрон бўлиб, Хелгага қўнғирок қилсам, ҳамён анча йиллардан буён кўринмай қолган, эхтимол, йўқолган бўлса керак, деди. Шунда ҳафсалам пир бўлиб, аччиғим чикди, ўз вақтида эътибор бермаганимизга наинки ўзимдан, балки барчамиздан ҳам хафа бўлиб кетдим.

Кечкурун отам билан ўтирган эдик, сурат ҳақида сўз очдим. У бўлса кутилмаганда аллақаёқдаги бўлмағур гапларни гапириб, Мисрда ва Грецияда бўлгани, у ёқларда шимларини ўғирлатиб қўйгани ҳақида ҳикоя қила кетди.

– Нима-нима? Қаерда? Қанақасига? – сўроққа тутдим уни қизишиб, бироқ қия тепаликлар оша нафақат фотосурат, балки унга қўшиб, ўзининг бутун ўтмишини ҳам “тушириб қолдиргани” менга шундоғам аён эди.

– Дада, нима, Мисрда бўлдим демокчимисан?

– Албатта, фақат ўз ихтиёрим билан эмас, балки болаларни қишлоққа жўнатиш баҳонасида, билдингми.

– У ёқлар қалай экан, сенга ёқдимми? – сўрайман бўшашиб.

– Зерикарли экан, – дейди у елка қисиб. – У ерда мен ҳеч нарсани кўрмадим, ҳеч нимани сезмадим. Мен у ёқда ҳеч нарса билмайдиган, бекорчи ва оми одам эдим, холос.


Болалигинг қандай ўтган, дада?

Ҳм. Яхши, беозор ўтган. Бизда ҳамма нарса жўн, оддий бўлган, тур, сон ва таъсир жиҳатдан ҳам.

Бу ҳақда тез-тез эслаб турасанми?

Кўп нарсаларни эслай оламан, лекин ҳаммасини ҳам биламан деяолмайман. Балки барчасидан воз кечган бўлсам керак.

Отанг ҳақида нималар дея оласан?



Ҳозирда ҳеч нарсa.

Отанг бўлган-ку ахир, шундайми?

Ҳа, албатта.

У ҳаётингда сен учун ўта муҳим шахс бўлмаганми?

Бўлмаган десам ҳам бўлади. Чунки унда муҳим фикрлар жуда оз бўлган. У жуда кам нарсага бош қотирган.

Онанг-чи?

Онам! Ундан мен аввало камтарликни ўрганганман. Онам камтар, камсуқум, илтифотли ва самимий аёл бўлган. Уни барча яхши кўрарди.

Август исмли болалар ҳозир онда-сонда учрайди. Отамни эса, саксон беш йил мобайнида, демак, бир умр ота-онаси, ака-сингиллари, турмуш ўртоғи, ҳамкасблари шу ном билан, яъни Август деб чақиришган, фақат мактабдошлари унга қисқача *Gusti*¹ деб мурожаат қилишган.

У 1926 йил 4 июлда Форарльбергдаги² Райн водийсида жойлашган Волфурт қишлоғида, майда деҳқон (ворислик ҳуқуқи мавжудлиги туфайли у ерда катта ер эгалари бўлмаган) оиласида ўн фарзанднинг учинчиси бўлиб дунёга келди. Отамнинг ота-онаси учта сигир, мевазор боғ, асалари, экинзор, ўтлоқ, озроқ ўрмондан иборат мол-мулкка ҳамда уч юз литр ароқ ишлаб чиқариш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ кўпболали оила учун бу билан тирикчилик ўтказиш қийин эди. Адолф Гайгер, Daett³, янги ташкил этилган электр энергия саноатида ходим бўлиб ишлар, велосипедда қуйи Райн водийси қишлоқлари бўйлаб ғизиллаб юриб,

¹ Gustl – August (Август) исмининг эркалаб айтилиши.

² Форарльберг – Австриядаги тарихий вилоят, ўлка.

³ Daett – (австр.) сўзлашув тилида "бува", "бобо" дегани.

хонадонлардаги электр ҳисоблагичларнинг қанча ёзганини қайд этиш билан машғул бўлар, шу тариқа катта оилага кўмаклашиб турарди.

Мабодо велосипед камерасига мих-пих кириб, тешилиб қолгудек бўлса, уловни уй олдида қолдирар, болалардан биронтаси, кўпинча Август тешилган жойни тезда ямаб қўярди. Менинг ўзим ҳам деярли шундай қилардим, велосипедим камераси тешилиб қолса, уйимиз олдида олиб борардим, отам уни ямаб, сошлаб қўяр эди. Отам ота-онасига қандай бўйсунган бўлса, буни қарангки, у энди болаларига ҳам худди шундай кулоқ солишга мажбур бўлаётганди. Болалари эса бутунлай бошқа бир олам учун туғилгандек, гўё ишнинг кўзини биладигандек эдилар.

Бобомни ҳисоб-китобга уста, лекин қобилияти ўртамиёна ва у қадар кучли, соғлом ҳам бўлмаган дейишади. Оиланинг қолган барча аъзолари унга қараганда чаққонроқ ва кучлироқ бўлишган чамаси, бобом бечора болалари ва кампири олдида азбаройи уялиб қолмаслик учун ишлашдан кўра кўпроқ буйруқ беришни яхши кўрган экан. Шунинг учун ҳам у бирон-бир ишни қандай бажаришни тушунтириб ўтирмаган, бунинг ўрнига фақат буйруқ бераверган, ўша ишни қандай қилса яхши бўлади, бу ҳақда бировнинг фикрига кулоқ ҳам солмаган.

Шундай қилиб, бобомнинг бутун хатти-ҳаракати, феъл-атвори авторитар (хукмфармо, буйруқ қилишни яхши кўрувчи – тарж.) бўлиб, ақлдан кўра кўпроқ куч ишлатишни маъқул кўрган. Шунга кўра, болаларнинг қочишга, чап беришга, қутулиб қолишга бўлган хатти-ҳаракатларининг ҳам чек-чегараси бўлган. Бироқ Миля билан Паулнинг айтишлари, баъзан бободан ўтиб қолгудек бўлса, унга тап тортмай гап қайтарган пайтлари ҳам бўлган. Ёши катта болалар иложига бориша ундан узоқроқ юриш пайида бўлишган. Мисол учун, якшанба куни бўладиган ибодатга ундан уч дақиқа олдин ёки уч дақиқа кейин боришар, лекин зинҳор у билан бирга боришмаскан. Шунинг учунми, бобом ёш болаларга яхшироқ муносабатда бўлишга ҳаракат қилар, улар билан бирга “тулки-товуқ” ўйнар, уларни сайрларга олиб чиқарди.

Бирок шундай бўлса-да, улар бобомнинг шапалоқларини ҳам бот-бот эслаб туришади. Бир куни, 1937 йил бўлса керак, Шварцах сойидан ўтаётиб, бобом пойафзалини ечишга эринганидан ўн тўрт ёшли Эмилнинг елкасига миниб олган экан.

Бобомни кўп китоб ўқиган дейишади. Бирок унинг бу хусусияти негадир болаларига “юкмаган.” Аксинча, бувимнинг фазилатлари “юқумлироқ” бўлган экан. Отамнинг айтишича, Мам¹ бобомга қараганда ақллироқ, меҳрибон, мулойим, самимий, озғиндан келган, бирок бицепс, яъни елка билан тирсакни ҳаракатлантирадиган мушаги яққол кўриниб турган кучли, чайир аёл бўлган. Отасининг Волфуртда темирчилик устахонаси бўлиб, у каштадўз бўлмасидан аввал, ака-укалари бўлмаганлиги сабабли темирчи отасига ёрдамчилик қилган. Устахона ҳовтепада, кўҳна қаср ортидаги ўрмон ёқасида жойлашган, унда улкан чархпалак ҳам бўлган. Биринчи жаҳон урушидан олдин ва уруш пайтида ҳам юк машинаси Дорнбирндан матерёл олиб келиб ташлар, темирчининг беш нафар кизи мактабдан келгач, узун темирларни тик кўча бўйлаб устахонага ташишарди.

Бувим камгап, кўзга ташланишни ёқтирмайдиган аёл бўлган. Уни болалари чуқур ҳурмат-эҳтиром билан тилга олишади, шу боис бўлса керак, оналари ҳақида кам гапиришади. Терезия Гайгерни ҳамқишлоқлари ўта меҳнаткаш аёл сифатида эшлашади. Устахонада сандон ёнида туриб, лахча чўғ бўлган темирни болғалаб, унга ишлов берарди, бундан ташқари, экин-тикин ишларига қарашар, ундан ортиб, ёш болаларига қарар, уларнинг жикка ҳўл бўлиб кетган йўргакларини ювар, бу ишларни битиргунича ўзи ҳам кора терга тушиб кетарди. Баъзида ниҳоятда чарчаб кетганидан канапе(эски урфдаги оддий, кичкина диван – тарж.)га бир зум чўзилгудек бўлса, мени беш дақиқадан сўнг уйғотиб қўйинглар, деркан. Болалар эса, уйғотишга кўзлари қиймай, онам дам олволсин, дейишаркан.

¹ Мам – (австр.) сузлашув тилида “она, “эна”. “буви” дегани.

Мева теришга борганларида, бувим иш бошлашдан олдин: “Худойим ишимизга барака берсин”, дея дуо қиларкан. Ирене – отамнинг кенжа синглиси далага борганида, ўша даврларни ҳамон эслаб туради. Айтишича, далада ишлаётган пайтларида каттакон мевакутига ёш болани ётқизиб қўйишаркан. Шу тариқа болалар мевакутида атак-чечак бўлишаркан. Ўша мевакутига бобомнинг исмишарифи А. Г. тарзида тамға қилиб ёзиб қўйилган. Бу ишни унинг темирчи қайнотаси бажарган. Бунақа ишлар, яъни ҳарфлар ёки белгиларни куйдириб, тамға босиш унинг ихтисосликларидан бири бўлган. Темирчининг бундай белги-тамғаларини ўша пайтларда Венгрия ёки Парижда ҳам учратиш мумкин бўлган, бироқ шунча меҳнатга қарамадан, Аппенцел, Бодензее қўли оша Линдау, ҳаво очиқ бўлган пайтда ҳатто Фридрихсхафен ҳам кўриниб турадиган тепаликда у қашшоқлигича қолган.

Терезия Гайгер болаларига доим шундай деб тайинларкан: “Бемаҳалда юрманглар, уйга вақтли келинг, башарти кеч қолсаларингиз, мени уйғотиб юбормай, секин кириб ётинглар”.

Оилада кун тартиби доим бир хил бўлиб, унга қатъий риоя қилинган. Болалар барвақт туришга одатланган, шундай бўлса-да, баъзида мактабга кеч қолмаслик учун ғизиллаб чопишларига ҳам тўғри келган. Пойафзаллар бир аҳволда, қишда ёғоч пошналарга қор ёпишиб қолаверганидан уни тез-тез қоқиб туриш керак бўлган. Қор эса сероб, айниқса авлиё Николай куни¹ арафасида гупиллаб ёғиб берар ва то баҳоргача эримай, кўрпа бўлиб ётарди.

Нонуштада болаларга илиқ сут ва нон ботириб ейиш учун рибел (*макка унидан тайёрланадиган таом – тарж.*) берилар, қахвани эса фақат бувим билан бобом ичишарди. Якшанба куни дастурхонга асал барча учун қўйилса, бобомга бошқа кунлари ҳам бериларди.

¹ Авлиё Николай куни – халқ удумлари билан боғлиқ байрам, 6 декабрда нишонланади. Одатда байрам арафасида, 5 декабр оқшомида Қорбобо болаларга совғалар улашади.

Азалдан болаларни қаттиққўллик билан тарбиялаб бўлмайди, улар қаттиққўллик билан сақланади, деган гап бор. Хонадонда сигирлар ҳам ўтлатишга олиб чиқилмас, балки молхонада боқиларди. Молларга қараш болаларнинг вазифаси бўлса, болаларни боқиш — ота-онанинг вазифаси эди.

Бугунги кун билан таққослаганда, болаларнинг овқатланиши ҳам ёмон аҳволда эди. Уларга одатда сабзавот деярли берилмас, озгина гўшт, кўпроқ сут, нон ва ёғ бериларди. Биринчи мева пишишини барча орзиқиб кутарди. Ҳатто болалар тонг пайти уйғонишиб, билдирмай секин ташқарига чиққан, илк ноклар пишиб, тагига тушмаганмикин деб пойлаган, башарти бир нима топволса, топган топалоқ деб, бир-бирларидан қизғанишган пайтлар ҳам бўлган.

Ўша давр шарт-шароитлари нуқтаи-назаридан олганда, болаликнинг ана шундай муҳтожлик ва қийинчиликларининг ҳам чек-чегараси бўлган, албатта. Бирок энг ёмони, болаларга ота-оналар томонидан камроқ эътибор қаратиларди. Болалар сонининг ниҳоятда ошиб кетганлиги боис, талаб таклифдан анча устун турган. Ҳамма нарсани ўзаро бўлишишга ва баҳолиқудрат баҳам кўришга тўғри келарди.

Шунингдек, боланинг кўлидан иш келди дегунча, у рўзғорга ёрдамлашишга мажбур эди. Кичкин-тойлар ўзларидан кичикроқларга қараши лозим эди. Қўшнидан қарзга олинган от эгасиникига ўтиб кетмаслиги учун юган сувлуғини қаттиқроқ тортишга тўғри келарди. Оғилдаги чўчка учун болаларни болут дарахтининг ёнғоғи — чўчкаёнғоқ териб келишга қамишзор ботқоқликка жўнатишарди. Етти ўғилнинг ўртанчаси Йозефни бир куни эман дарахтининг остида беҳуш ётган ҳолда топиб олишади. Маълум бўлишича, у ёнғоқ терман деб, дарахтдан йикилиб тушган экан. Болалар охурдан мол емаган ортикча ўт, поя, нишхўртларни териб олади. Улар аравачада Брегенцга — бозорга олма олиб боришади. Уйга қайтаётиб, отам ва ундан бир ёш кичик Паул тентаклик қилиб, галма-галдан аравачага чиқиб ўтиради, навбатма-навбат “от” бўлиб, аравачани судрайди. Пошна-

сига нағал қоқилган ёғоч пойафзаллар овози тош йўлда тақиллаб эшитилади. Ўшанда кўчалар ҳам буткул болалар ихтиёрида бўларди, дейиш мумкин.

Хуллас, бирон-бир иш билан банд бўлиш деган иборани сўзма-сўз том маънода тушуниш мумкин эди. Ўғил болаларнинг аравагани судраб келаётганини кўрган қизлар уларнинг устидан кулишган:

– Қаранглар, эшаклар турганда отга на ҳожат!

Иш ўғил ва қиз болалар ўртасида тақсимлаб берилган. Ўғил болалар эрталаб молхонага йўл олишса, қиз болалар соат бешда туриб, мактаб вақтигача далада ўтоқ қилишарди.

Бир куни қаттиқ довул туриб, маккажўхоризорни ёппасига ётқизиб кетган. Болалар қўлларига сим ва қозиқларни олиб, бутун кун бўйи ётиб қолган экинни турғизиш билан овора бўлган. Макка дони оилага кундалик рибел пишириш учун жуда зарур эди.

Оилалар деярли ўзини ўзи таъминлар эди. Ун, нондан тортиб, то туз, қандгача ўзларидан чиқарди. Ўта зарур нарсаларнигина сотиб олишарди, холос. Ҳожат қоғози эски газетлардан кафтдек-кафтдек қилиб, қирқиб қўйиларди, бу ишни ҳам болалар бажаришарди. Ўт ёқишда тутантириқ учун ҳам қоғоз керак бўларди. Рўзғорда битта чўчка, битта печка бўлиб, ахлатхонага деярли ҳеч қандай чиқинди чиқмасди.

Отам ўзига қолса, бир умр жон деб мустақил яшаган бўларди, чунки бу унга ўз муҳрини босган деҳқонча яшаш тарзининг бир қисми бўлиб, унда мудом сақланиб қолган, бу эса унинг хотини ҳамда истеъмол ва исрофгарчилик оламида ўсиб, улғайган фарзандларига ёқмасди. Бир нима бузилиб қолса, тузатиб, таъмирлаб, ундан яна фойдаланиш, эҳтиёжларни қондиришни бошқа кунга қолдириш ёки баъзи бир эҳтиёжлардан умуман гап очмаслик – оналардаги бундайин дунёқараш бу ерларда завола топаётган маданиятлар сирасига кирарди.

Райн водийсидаги катта уйнинг ертўласида қозон бўларди. Болалигимда у ерда челақни тўнкарволиб ёки бўлмасам, гўла ё тўнтак устида ўтириб, катталарнинг ароқ тайёрлаш жараёнини кузатардим. Печкада оловнинг

чирсиллаб ёнишини, суюкликнинг катта, қавариқ шишаларга қулқиллаб қуйилишини, унинг қизиб кетган хона бўйлаб тараладиган хушбўй ҳидини, қолаверса, қаттиқ ишлаб, қора терга ботган ишчилардан анқийдиган бадбўй ҳидни ҳам яхши кўрардим. Фақат шугина эмас, балки ташқаридаги ўрада аста совиётган қуйқа-тўпонлардан қишки аёзда дийдираб турган нок дарахтининг ялонғоч шохлари бўйлаб кўкка ўрлаётган буг, тутунларни ҳам.

Отам ва унинг ака-сингиллари учун бу машғулот яна шуниси билан ҳам “фойдали” эдики, бахонада қайноқ сув-гаям эга чиқишарди. Иссиқ сув катта қўшқулоқ орқали дарҳол устахонага етказилади, унинг ортидаги симтўр ичида товуқхона жойлашган. Буёғи энди худди ковбойлар ҳақидаги итальянча фильмдаги воқеаларга ўхшаб кетади: бир ёқда ароқ хидидан маст бўлган товуқларнинг қақағлаши, бошқа томонда эса кип-ялонғоч деҳқон болаларининг илиқ сувда шўх-шодон чўмилишлари... ушбу манзара йилига қарийб ўн мартача такрорланарди. Қолган пайтларда эса барча ошхонада – хонадонда яккаю ягона бўлган тосда совуқ сувга ювинарди.

Отам болаликдан ўрганган ҳаёт тарзига қаттиқ берилган бўлиб, улғайганда ҳам ҳамон ўша эски тосда ювинар, унга икки букилиб олган ҳолда пишқириб, оҳ-оҳлаб, юзига шалоплатиб сув сепарди. Ювиниб бўлгач, артинаётиб сочиқни кўрсаткич бармоғи билан қулоқларига чуқур тикиб, шунақаям кавлардики, кўриб туриб, раҳминг келиб кетарди. Булар – анъанавий тасодиф туфайли эсимда қолган, бамисоли ҳосили йиғиб олинган даладаги яккам-дуккам чўп, гиёҳлар сингари арзимас хотиралардир.

1938 йилда мамлакатда аншлюс¹ бошланди. Оила аъзолари қишлоқнинг ашаддий христиан социал-демократларидан саналар, бобом билан бувим ўз католикликларини фақат якшанба куни черковга бориб, ибодат қилишдангина иборат деб билмасдилар. Бунинг устига, оила янги сиёсий

¹ Аншлюс (*Anschluss*) – 1938–1941 йй.да Австриянинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан Ҳитлер Германиясига қўшиб олинishi.

вазиятдан фойда кўзлайдиган шахсий иктисодий манфатларга ҳам эга эмас, майда қишлоқ хўжалиги ва бобомнинг янада ривожланиб бораётган электр энергия саноати соҳасида доимий ишлаётганлиги туфайли бўлажак инқирозларга қарши хийла мустаҳкам таъмин этилган эди. “Урушиш – шайтоннинг иши”, деркан доим бувим. Бобом эса, кутурган итдек ўзини у ёқ-бу ёққа ташлар, эндиликда нацистларга бюргермайстер бўлиб олган куёвига ноилож сизлаб мурожаат қилишга мажбур бўлган экан.

Оилада сиёсатга аҳамият берилмас, тамадди пайти барчанинг оғзида ош, ортиқча эзилиб ўтиришга вақт ҳам йўқ, қоринга тез-тез еб, ҳамма яна иш-ишига кетарди. Ўшанда катта ўғил Эмилни ҳитлерчи ёшлар ташкилотига киришга таклиф қилишган, бироқ у Қизил Хоч жамиятига аъзман деб, рози бўлмаган. Шунда унга, агар фикрини ўзгартирмаса, мактабдан “учирма” бўлиб кетишини айтиб, дўқ-пўписа қилишган. Пировард натижа шу бўлдики, Эмилга ўрта иктисодий ўқув юртида ўқишига рухсат беришган, лекин оила ўшанда саккиз нафар бола учун бериладиган нафақадан маҳрум этилган. Деярли бошқа қийинчиликлар бўлмаган. Бинобарин, қўшнилар орасида тавқи лаънатга учраганлари ҳам бўлган. Масалан, улардан бирининг эшигига: Бу оила немис халқига қарши, деган ёзув осиб қўйилган. Ўша пайтда Паул ўн бир ё ўн икки ёшларда бўлса керак, ушбу лавҳа олдида бир оз туриб қолган, у энг аввало, оила (Familie) сўзи бош ҳарф ўрнига кичик f билан нотўғри ёзилганига ҳайрон бўлган. Қўшни уйда ёш келин-куёвлар яшаган. 2009 йил кўкламида ўша аёл тўксон тўрт ёшида қариялар уйида вафот этгандан сўнг, отам унинг хонасига бориб жойлашган эди. Қишлоқ жойларда одамларнинг таржимаи ҳоллари бир-бирлари билан ана шу тарзда боғланиб кетаркан.

Уруш бошланган пайтда отам ва унинг мактаб ёшидаги ака-сингиллари саккиз йиллик халқ мактабида ҳамда гимназияда ўқишган. Уларнинг келгусида умумтаълим мактабларида ҳам ўқишларига сабаб, биринчидан, ота-оналарининг нари борса, болалардан атиги биттасининг тирик-

чилигига ярайдиган майда қишлоқ хўжалигига муқобил равишда таълим олишларига ортиқ даражада ҳурмат-эътибор билан қараганликлари бўлса, бошқа тарафдан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдод, қобилиятларини кўриб, бундан қувонишгани ҳам рост. Бундан ташқари, фарзандлар ўқимишли, билимли бўлса, оилага ҳам фойдаси тегади, деган фикрни кўзда тутишган, чоғи. Учинчи ўғил Робертдан ташқари, ҳеч ким ўқимайман деб тихирлик қилмаган. Фақат угина, ўқиб руҳоний бўламанми дея, гимназияни ташлаб кетган.

* * *

1944 йилнинг феввалида дадам фронтга кетиш муносабати билан ўқишни муддатидан олдин “тугаллаб”, ҳарбий хизматга чақирилди. У ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган оддий деҳқон боласи, ўн етти ёшли гимназия ўқувчиси – Андрей Белий¹ ёзганидек – *на бола ва на катта ёшли, на ҳарбий ва на фуқаро эди.*

Меҳнат мажбуриятини ўтагандан сўнг, 1944 йилнинг ўрталарида уни вермахт кўшинлари сафига юборишди. Ундан уч ёш катта Эмил ва бир ёш кичик Паулнинг ҳам аҳволи худди шундай кечди. Уйдагилар энди сиёсий воқеаларни ноилож бир оз қизиқиш билан кузата бошладилар, негаки, ҳарбийдагиларнинг ҳоли не кечдийкин, деган савол уларни мудом ташвишга соларди.

Эмилнинг омади бор экан. Тез орада у Африкада америкаликларга асир тушиб қолди ва урушнинг қолган қисмини Монтанада, кўшилмада тилмочлик қилиб ўтказди. Орадан бир оз вақт ўтиб, ундан хат келди, эсон-омон юргани маълум бўлди. Паул 1945 йилда Италияда янги зеландияликлар томонидан асир олинди. Бари деган жой яқинидаги лагерда юрган пайтида тўсиқ, ғовларнинг симидан игна ясаб, свитер (тик ёқали иссиқ тўр кўйлак – тарж.)ларнинг сўкилиб, йиртилиб кетган енгларидан шериклари – ҳарбий

¹ Андрей Белий – асл исм-шарифи Борис Николаевич Бугаев, рус шоири (1880–1934).

асирларга куёш жазирамасидан сакланиш учун шапкалар тукиб берган. Ўзининг шунақа шапкасини урушдан кейин ҳам узоқ йиллар кийиб юрган.

Паул 1945 йилнинг ёзида уйга кириб келганида, эндигина ўн еттига тулган эди. Келиши ҳақида ҳеч кимга ҳабар бермаган; келиб, аввал учта сигир турган молхонага бош суккан, сўнг амакиваччаси Рудолф ароқ тайёрлаб ўтирган хонага аста кириб борган. Рудолф орқа зина билан ундан олдин ошхонага чиқиб борса, у ерда бувим фарзанд доғида куйиб, куймаланиб юрган экан. Бир неча кун аввал ўнинчи фарзанд – ўғил бола туғилгач, киндиги бўйнига ўралиб қолиб, nobуд бўлган. Рудолф унга:

– Менга қара, Терез, бир аскар келиб, қўноқ бўлмоқчи, майлими? – дебди.

Бувим бир зум тараддудланиб қолган, чунки уч ўғил йўқ бўлса-да, уй одамга тўла бўлган. Шунда эшик панасидан Паул чиқиб келади, кўз ёшларини тутолмай, ўзини онаси бағрига отади.

Дадамизнинг аҳволи ҳам бошида деярли яхши бўлган. Дастлабки ҳарбий таълим даврида ўнг билагидан юкумли инфекция билан касалланиб, икки марта шифохонага тушиб чиқади. Яраси тузалар-тузалмас, рождество байрамига ароқ опкеламан деб, уйга жўнаворади ва икки адвент (рождество байрами олдидан келадиган – *тарж.*) ҳафтасини Волфуртда ўтказади. 1945 йилнинг февралда, гарчи ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаса-да, тўсатдан шаркий фронтга шофёр сифатида жўнатилади. Юқори Силезияда кутилмаганда бахтсиз ходисага учрайди. Музлаган тош йўлда бораётган отарава унга ҳадеганда йўл беравермайди, сигнал чалай деса, бузук, ишламайди, бунинг устига йўл сирпанчик, тормоздан ҳам умид йўқ, шу аснода рулни туйкусдан пастга – тўғон томон буриб юборади, натижада машина қулаб, бир неча марта ағдарилиб кетади... Раҳбар ишингни ҳарбий судга ошираман дейди, у эса совуққонлик билан ҳайдовчилик гувоҳномаси йўклигини, рулга ўтиришга ҳеч қандай ҳақ-ҳукуки бўлмагани ҳолда мажбур қилишганини маълум қилади.

Ниҳоят, ҳаммаёқ алғов-далғов, аралаш-куралаш бўлиб кетгач, бир гуруҳ австриялик юртдошлари билан биргаликда жанг майдонини ташлаб, америкаликлар томонга қочишади. Бироқ мўлжалдан адашиб, ғарб қолиб жанубга – Чехияга бориб қолишади ва у ерда руслар қўлига тушишади. Шу тариқа Австрия худуди – Кампталда бир муддат бўлишларига тўғри келади.

Урушда дунёни кўриб бўлганман деганида, отам урушнинг ўзини эмас, балки унда кечган вақтни назарда тутган. Асирликда у ҳарбий ўлжаларни ортиш-тушириш билан машғул бўлган. Бир кун азбаройи оч қолганидан шўрвадаги айниган суякни ғажиб қўйиб, дизентерия (қон аралаш ичкетиш – *тарж.*)га дучор бўлади, қиска вақт ичида қарийб қирқ килога озиб кетади. Шундан сўнг Братиславада, шаҳар чеккасидаги муваққат госпиталда ўтган тўрт ҳафта тўғрисида у менга лом-мим демаган. Отамнинг ҳикоялари кўпинча уни советлар (“ортиқ ҳеч нимага ярамаганим учун”) қўйиб юборишган кундан бошланарди.

Бошқа ҳамюртлари билан бирга уни қизил аскар Хайнбург яқинидаги Словакия-Австрия чегарасига олиб келиб: “Хайр, омон бўлинг, австрияликлар!” дея хайр-хўшлашган экан. Ушбу сўзларни отам бугунги кунда ҳам баъзан, хаёлга чўмган пайтларида ғўлдираб қўярди.

Уйга – Форарльбергга қайтиш учун яна уч ҳафта вақт кетган. Бунинг тинкани куриладиган “тўсиқлар оша ҳалпиллаш” деса ҳам бўлади. Ушанда отамда на пул бўлган, на совет зонасидан америкаликлар худудига ўтиш учун зарур ҳужжат. Гувоҳнома олиш учун эса суратга тушишни хоҳламаган, чунки уни чиқаришга ўн тўрт кун кетаркан. Юрт соғинчидан қалби ўртаниб, ниҳоят, чегарадан нолегал, яширинча ўтиш учун қулай фурсат пойлай бошлайди.

У бит босиб кетганидан тоза ўринларда ётмас, гоҳ меҳмонхоналарнинг ертўласида, гоҳ деҳқонларнинг пичан ғарамлари орасида ётиб юрарди. Урфар деган жойда олти кун қолиб кетгач, иттифоқо форарльбергликлар учраб қолиб, унга Қизил Хоч машинасининг ўриндиғи ости-

га яшириниб, Дунай орқали Линцга етиб олишига ёрдам беришади. У ерда америкаликлар кўмагида битдан халос бўлади. Линцда фотосуратни тез чиқарадиган сураткашга бориб, расмга тушади. Ана шу фотосуратни отам то йўқотиб қўймагунига қадар, салкам олтмиш йил ҳамёнида асраб-авайлаб, сақлаб келган.

Иннсбрукдан ўтгач, поездда биринчи марта волфуртликларни учратиб қолиб, улардан бир бурда нон сўрайди. Лаутерахда поезддан тушиб, холаваччасига дуч келади. Бироқ сочлари калта қилиб олингани, бунинг устига озиб-тўзиб кетганидан холаваччаси аввалига уни танимайди. Ўзини танитгач, унга ҳамроҳ бўлиб, уйга бирга боришади.

Отамнинг узоқ айрилиқдан сўнгги ҳис-туйғуларини тасаввур қила оламан. Ўзим ҳам Венадан қайтаётиб, Арльберг туннелидан ўтгач, темирийўл бекатларидаги лавҳаларни худди шеър каби ўқирканман, қалбим кувончга тўлади: *Ланген, Валд, Далаас, Брац, Бингс, Блуденц* ва ҳоказо.

Падаримиз сенябр ойининг иккинчи ҳафтасида, 9-санасида уйга кириб келди. Теварак-атроф сарғимтир тусга кирган, нок, олма теримидан олдинги, пичан-хашакнинг учинчи ўримига тушишга тайёргарлик кўрилаётган пайт эди. Октябр ойида эса, ҳеч нарса бўлмагандек, у яна мактаб партасида ўтирар, савдо академияси курсига киришга тайёрланарди.

Яна нималар қолдийкин-а, ҳеч нарса эсимдан чиқмадимикан?

Ўшанда ҳеч ким билмаган гап: ўн тўққиз ёшли бу йигитча энди дунёга ҳеч қачон қалбини очмасликка қарор қилган, унинг учун энди ҳаммаси бир умрга тамом бўлган эди. У ҳарбий шифохонада ётган пайтида, агар эсон-омон етиб борсам, бир умр уйдан ташқарига чиқмайман деб, қасам ичган. Узоқ йўл босиб, ватанига қайтгандан сўнг, электротехникага ўқийман, деган режаси ҳам барбод бўлган. Воқелик туйғуларни ўзгартирган.

Яна бир нарса эсимда қолган. Болалик пайтларимда қачонки оиламизда таътил мавзуида сўз очилгудек бўлса,

дадам нукул бир гапни, яъни унга Волфуртнинг гўзаллиги етиб-ортишини, бошқа ҳеч қайқа чикишни хоҳламаслигини юз марталаб такрорлашдан чарчамасди. Тўғриси, ўшанда бундайин гаплар гашимни келтирар, улар менга ланжликни очиқ-ойдин пардалаш каби сохта, қолаверса, қисман қуруқ баҳонадан бошқа нарса эмасдек туюларди. Бироқ кейинчалик отамнинг бундай бош тортиш, бўйин товлашлари замирида кишибилмас жароҳатлар ётишини, улар ҳали-ҳамон тугамаслигини ҳамда унинг феъл-атвори, юриш-туриши, қиёфаси табиатан қандай бўлса, ўшандай намоён бўлганини, буларнинг барчаси гўё ўзини ортиқ хавф-хатарларга қўймаслик йўлидаги ўзига хос чора-тадбирлар эканини тушуниб етдим. Хуллас, у Ватан дийдорига зор бўлишдек оғир дардга иккинчи бор мубтало бўлишни сира-сира истамасди.

Тақдирнинг ғалати ҳазилини қарангки, орадан кўп йиллар ўтиб, яна тагин шундай вазиятга тушиб ўтирибди — ўз уйида эканини унутиб қўйганлиги сабабли у деярли ҳар куни уйимга кетаман дейишини қўймайди.

Дада, қара, анови богдаги деворчани кўряпсанми, уни ўз қўлларинг билан қургансан.

Тўғри, уни уйга олиб кетаман.

Йўқ, деворчани олиб кетолмайсан!

Бундан осони борми.

Ахир, бунақа бўлмайди-да, дада!

Мен сенга ҳозир буни кўрсатаман.

Лекин дада! Ҳой, менга қара! Бунақаси кетмайди! Ундан кўра, менга тушунтириб берсанг-чи, ўзинг уйда бўлатуриб, яна қандай қилиб уйга кетмоқчисан?

Тушунмадим.

Мана қара, сен ўзинг уйдасан ва яна уйга бормоқчиман дейсан. Одам агар уйда бўлса, унда ҳеч қандай уйга кетолмайди.

Гапинг моҳиятан тўғри.

Хуш?

Биласанми, бу нарсаларнинг сенга қизиғи бўлса бордир, аммо менга мутлақо қизиғи йўқ.

Ниҳоят, аввалги умумий лаёқатсизлик, ёқимсиз хотиралар ортида қолди, чунки энди отамиз билан эҳтиётроқ бўлиб муомала қилабошлагандик, бундан ташқари кундалик ҳаёт бизни янгидан-янги, кутилмаган воқеа, ҳодисалар билан ўз измида ушлаб турарди. Биз энди орқага эмас, кўпроқ олдинга қарашга интилардик, негаки касаллик олдимизга ҳар доим янги талаблар қўярди. Бу борада ҳали янги, ёш ва тажрибасиз бўлсак ҳам, бунинг устига билим ва омилкорлик етишмаса-да, барибир ўз мавқеимизни сақлаб қолишга ҳаракат қилардик.

Отам энди кўпроқ пиёда сайрга чиқар, кўпинча бизга бурчакма-бурчак рўпарада турадиган акам Петерларникига (унинг уч қизи бор эди) борарди. Бора-бора бу сайрлар одатдагидан бошқачароқ мазмун касб эта бошлади; у баъзан ярим тунда чала-чулпа кийиниб, уйдан чиқиб кетарди. Гоҳида эса уни топиб бўлмас, чунки болалар хонасига кириб, ётиб олар, жавонларни тимирскилаб, бир нималарни излар, Вернернинг шими ўзига лойиқ келмаганидан таажжубга тушарди. Ахийри, унинг хонаси эшигига Август деб ёзиб, бошқа хоналарни маҳкамлаб бекитиб қўйишимизга тўғри келди.

Кўпинча уйга боши қонаган ё бўлмасам, тиззалари бир нимага урилиб, қўқарган ҳолда кириб келарди. Кейин билсак, туғилиб ўсган қадрдон уйига бораётиб, ўт босиб ётган тик тепаликдан йиқилиб тушган бўларди. Бир куни қизик бўлган. Ўша эски уйга бостириб борган-да, тўғри келин-

нинг олдига кириб, укаси Эрихни сўраган. Болалик пайтларимдан биламан, лўкидонни тирқишча орқали кўрсаткич бармоқ билан аста суриб, эшикни осонгина очиш мумкин бўларди. Афтидан, отам ҳам шундай уннаб кўрган, қараса, механизм “ишламаган.” Бу ҳолат унда қандайдир шубҳа уйғотган бўлса керакки, эшикни бузиб кирган.

Синглимнинг айтишича, телефон жирингласа, отам гўшакни кўтариб гаплашар, бироқ орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, кимнинг нима деганини унутиб қўяркан. Уйда бирон нима йўқолгудек бўлса, доим *бошқалар* айбдор бўларди. Бу ҳақда гап очилса, у ҳеч нимани билмас ёки аччиғи чиқарди. Биз қидириб хуноб бўлган электр устара-си кутилмаганда микротўлқинли печь ичида пайдо бўлиб қолди. Эшик калитини ҳадеб йўқотавергач, ойим энди уни аввалгидек шимиға боғлаб ўтирмади, бу гал ўша ерга маҳкамлаб тикиб қўйди. Бу унга ёқмади шекилли, калитни силтаб-силтаб қўядиган бўлди.

Энг ёмони, битта фикрга ёпишиб оладиган, ўша фикр мудом мясидан чиқмайдиган бўлиб қолди. Уйимиз олдида қаттиқ шамолда қийшайиб қолган улкан қайин дарахти ўсарди. Осмонда қора булут кўринди дегунча, қайин навбатдаги довулга дош берадими ёки уй устига қулаб тушадими, деган савол кўндаланг туради. Мазкур “муҳим” масала отамиз томонидан кунига беш-ўн марталаб ўртага ташланарди. Унинг мясини доим банд қилиб турадиган яна бир нарсa – электр ҳисоблагич шчитти бўлиб, унга савдойиларча ҳадеб қарайверарди. Магнитли кулфнинг очилиб, ёпилгандаги лаҳзалик шовкини ҳамон кулоғимда қолган. Мабодо қишда уй сахардан бирданига музлаб кетса, билардикки, отам электр токини улайдиган ё узадиган асбобми, пультми, шу каби нарсаларни “ўйнаган” бўларди. Яна ким айбдор? Албатта, *бошқалар*.

Бобом электр бўйича инкассатор бўлиб ишлагани учунми, электр токидан ҳар доим тежаб-тергаб фойдаланишга интилган. Нонушта қилиб ўтирган пайтимизда ёруғ тушиб қолган бўлса, бобом чироқни шартта ўчириб, дерди: “Оғизларингни топволсаларинг керак”.

Ана шунақа гаплар.

Бобом хоналарга кўпроқ ёруғлик тушсин деб, деразаларнинг дарпардаларини ҳам бир томонга суриб қўярди. У жуда тежамкор одам бўлган, бу – болаларига ҳам тула-тўкис ўтган ягона хусусияти эди.

Мана, энди отам ҳам электр токидан фойдаланиш “масаласи” билан шуғулланар, ҳозир унинг мияси ҳар куни бир хил нағма чаладиган шарманкага ўхшаб кетарди.

Аммо кунларнинг бирида уни бундай бемаъни фикрлар батамом тарк этди. Бу ҳодиса сирли эди, отам кийёфаси кутилмаганда “ижодий” тус ола бошлаганди.

Узоқ вақт фаромушхотирлик ва лаёқатсизлик билан ишимиз бўлган бўлса, энди хасталикнинг ўзи янги “қобилият”ларни келтириб чиқара бошлади. Ҳамиша ҳалол, тўғри одам бўлган отам баҳона топишда унча-мунча истеъдодни ортда қолдириб кетадиган бўлди. Баҳонани шунақа тез топардики, ҳатто сичкон ҳам ўз инини бунчалик тез тополмасди. Унинг гапириш услуби ўзгариб, бирданига, ўз-ўзидан орасталик, зеболик касб этди, буни мен ҳеч қачон пайқамаган эдим. Ниҳоят, унда яна шундай бир хайратланарли даражада шахсий уйғунлик, мантикийлик содир бўлдики, буни кўриб, кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билолмай қолдик.

– Ҳаво қандай ажойиб! – дедим мен, уй олдида турганимизда, Гебхард тоғларига ва Брегенц сойи ортида кўздан гойиб бўладиган минораларга назар ташлаб.

Отам теварак-атрофга бир қараб олди-да, сўз қотди:

– Уйдан туриб, об-ҳавонинг қандай бўлишини ҳеч адашмасдан айтиб беролардим, бу ердан эса йўқ. Уйда эмаслигим сабабли бунинг иложи бўлмай қолди шекилли.

– Вазият у ёқда қандай бўлса, бу ерда ҳам худди шундай, – дедим мен “хайрон бўлиб”, чунки уйимиз у туғилиб ўсган уй ёнида, тепаликда жойлашган, ораси атиги эллик кадам эди.

– Ҳа, албатта. Ана кўрдингми, фарқини!

У бир зум уйланиб турди-да, сўнг қўшиб қўйди:

– Бунинг устига доим кайфиятимни бузасизлар, ана шунинг ҳам таъсири билиняпти.

Унинг истеъдодининг янги “қирралари” айникса, уйга кетаман деб хархаша қилган пайтлари янаям яққол намоён бўларди. 2004 йил бўлса керак, у тўсатдан ўз уйини танитай қолди. Бу шунақанги тез бўлдики, ўзимиз ҳам англаёлмай қолдик. Йўғ-е, отамиз шундай жўн, оддий нарсани, яъни ўз уйини ҳам унутиб қўядими, дея ҳайрон бўлиб, узоқ вақт тан олмай юрдик.

Бир куни у уйга кетаман деявериб, ҳол-жонимизга қўймай, безор қилиб юборди. Шунда синглим Ҳелга уни кўчага олиб чиқди-да, деди:

– Мана, сенинг уйинг!

– Йўқ, бу менинг уйим эмас, – жавоб қилди у.

– Ундай бўлса, қани айт-чи, сен ўзи қаерда турасан?

Отам кўча номини ва уй рақамини айтди.

Ҳелга унга кўча эшик ёнидаги уй рақами ёзилган лавҳани кўрсатиб, тантанавор деди:

– Хўш, унда манови нима?

Отам манзилни қайтадан ўқиди. Ҳелга:

– Энди нима дейсан?

– Кимдир лавҳачани ўғирлаб келиб, бу ерга бураб, маҳкамлаб қўйган бўлса керак, – деди отам куруққина қилиб. Бу изоҳ қанчалик ғаройиб бўлиб туюлмасин, у ҳар қандай ишончлилик даражасидан холи эди.

– Нега энди кимдир бизнинг уй рақамимиз ёзилган лавҳачани ўғирлаб келиб, ўз уйига ўрнатиши керак экан? – сўради Ҳелга жаҳли чиқиб.

– Буни мен ҳам билолмадим. Одамлар ҳозир шунақанда, – деди у афсус билан, айти пайтда ўз далилининг эҳтимолдан узоқлигига заррача ҳам шубҳа қолдирмай.

Бошқа бир гал, наҳотки ўз мебелингни ҳам танийёлмасанг? деган саволимга шундай жавоб берди:

– Йўқ, йўқ, нега энди, танийман!

– Мен ҳам шуни айтмоқчиман-да, – дедим унга бир оз юқоридан қараб. Шунда ҳафсаласи пир бўлгандай деди:

– Менга қара, бу сен ўйлаганчалик осон иш эмас. Чунки бошқаларда ҳам шунақа мебель бор. Ҳеч қачон аниқ билиб бўлмайди.

Ушбу жавоб ҳаддан ташқари мантиқий ва ўзига хос тарзда ишонарли эди, бундан чинакамига аччиғим чиқди. Бунақа бўлиши мумкин эмас ахир! Ҳамонки у шундай дейишга қодир экан, нима ҳам қилардим у билан баҳслашиб? Бундай нозик фарқ, тафовутларга ақли етадиган кимса ўз уйини ҳам бемалол таний олади, дейишга ҳаққим бор эди.

Бироқ адашган эдим!

Бошқа вазиятларда у унчалик ақлли, мулоҳазали бўлиб туюлмас, барча тафсилотларга бошдан оёқ шубҳаомуз пухталики билан сарасоф солса-да, пировардида хона уни шунчаки лақиллатиш учун атайлаб шундай жиҳозланган, деган хулосага келарди. Бу ҳолат Жеймс Гарнер ва Эва-Мария Сен ижросидаги *36 Hours (36 soat)* номли триллерни ёдга солади. Ўша машҳур фильмда Жеймс Гарнер иттифоқчиларнинг ҳужум қилиши тўғрисидаги муҳим маълумотларга эга бўлган америка махфий хизмат зобити ролини ўйнаган. Нацистлар уни тузоққа тушириб, гиёҳванд моддалар билан “ишлов” беради. Эртасига уйғонгач, унга уруш анча йиллар муқаддам ғалаба билан тугаганлигини, у шу вақт ичида амнезия (хотирайўқолиши – *тарж.*)дан азоб чекканини, ҳозир эса америка ҳарбий шифохонасида ётиб даволанаётганини маълум қилишади. Алдов шу қадар пухта, усталик билан амалга оширилгандики, зобит бир неча кун олдин нацистлар билан бўлган тўқнашувда яралангани ҳам ҳисобга олинган, бироқ жароҳат орадан шунча йиллар ўтганига қарамасдан – ҳамон “тузалмаган” эди.

Бундай кўнгилсизликлар отамни ҳам йиллар оша таъқиб этиб келганга ўхшайди. Зотан, у ўз оила аъзоларининг ишонарли ва тушунарли гап-сўзларига нисбатан ҳам доимий шубҳа-гумонли муносабат билан яшаб келди. Ҳа: “Уйда ҳам худди шу ердагидек, фақат бир озгина бошқача...”

У хонада кўпинча ўзи ёлғиз ўтирар, гоҳ-гоҳ хўрсиниб кўярди. Ҳар гал кўзим тушганида, у худди кимдандир дили оғригандек кўринар, унинг қаровсиз, кимсасизлигидан даҳшатга тушардим. У ўзгарган эди, унинг маъюслик, ғамгинлик, руҳсизлик акс этган юз ифодаси эндиликда фаромушхотирликдан тушқунликка тушиш тўғрисида эмас, балки бутун олам юз ўгирган ёлғиз, кимсасиз, беватан, ғариб бир инсоннинг теран ҳис-туйғулари ҳақида сўйларди. Шунчаки жойни ўзгартириш балки бу дардга малҳам бўлар, деган ишонч билан уйғунликда эса шундай бир вазият юзага келдики, уни пат (дуранг) ҳолат деб аташ мумкин эди, ундан отам баъзан бир неча кун давомида ҳам халос бўлолмасди.

У уйга кетаман деганида, нияти аслида у тарк этмоқчи бўлган жойга эмас, балки у ўзини бегона ва бахтсиз ҳис қилаётган вазиятга қарши қаратилган бўларди. Демак, гап жой, макон тўғрисида эмас, балки ҳасталик, касаллик ҳақида борарди ва у бу ҳасталикни ўзи билан бирга ҳамма жойга, туғилиб ўсган уйига ҳам олиб борарди. Қадрдон уйи эса йироқ эмас, бир одим нарида, бироқ шунга қарамасдан, ҳамон етиб бўлмас маконлигича қолаверар, аслида эса вазият ундай эмас эди, чунки отам у ерга етиб боролмаган эмас, балки туғилиб ўсган қадрдон уйида бўлолмаганди, холос. Ўзини хавфсиз, хотиржам ҳис қилишнинг имконсизлиги ҳасталик билан бирга унинг товон-товонигача етиб борган эди. Ҳасталиги шу қадар эдики, касалликнинг жойни ҳис қилишга, идрок этишга таъсирини англашга ҳам қодир эмасди. Оиласи эса ватан соғинчи нима эканини шунчаки кузатиб туришдан бошқага ярамасди.

Албатта, унга барчамиз ич-ичимиздан ачинардик. Қани энди, ўз уйимдаман, деган ҳис-туйғуга қайтадан эга бўлса, дердик, шунга эришишини чин дилдан тилардик. Лекин бу маълум маънода касаллик уни тарк эта-

ди, чекинади деган гап эди – саратон хасталигида шундай бўлиши мумкин, бироқ афсуски, Алцхаймерда¹ эмас.

Орадан икки йил ўтгач, муайян енгиллик эпкини эсиб, ёмон ҳаво яхши бўлади, деган гапнинг нақадар тўғри эканлиги маълум бўлди. Уйга бораман деган истак замирида қанчалар теран инсонийлик туйғуси мужассам эканини шунда тушуниб етдим. Отам инсоният қилган иш-ни қилганди: англаб бўлмас жумбоқли, кўрқинчли ҳаётга қарши шифо, даво сифатида шундай бир жойни танлаган эдики, агар у ерга етиб борса, хавфсизлик, хотиржамликка эришган бўларди. Тасалли, таскин, қувонч бахш этгувчи бу гўша отам учун уй бўлса, диндор уни жаннат деб атайди.

Уйда бир-бирига яқин инсонлар яшайди ва бир-бири билан тушунарли тилда гаплашишади. Рум шоири Овид сургунда юрган пайтида *қаердаки сенинг тилингни тушунишса, ўша ер ватандир*, деб ёзган экан. Ушбу ҳикмат отам учун ҳам бирмунча ҳаётий маъно-мазмун касб этган бўлса ажаб эмас. Чунки одамларнинг юз ифодаларини англаш, уларнинг суҳбат, гурунгларига қўшилишга бўлган зўр истак, уринишлари ҳадеб чиппакка чиқавергач, у ўзини худди қувғиндагидек ҳис қила бошлаган. Барча гапираётганлар, ҳаттоки туғишган ака-сингиллари ва болалари ҳам унга ёт, бегона эдилар, негаки, уларнинг гап-сўзлари ваҳимали туюлар, дилига ғулғула соларди. Ва бу ер уй, бошпана, макон бўлолмаслиги ҳақидаги хулоса ўз-ўзидан равшан эди. Шундай бўлгач, отамнинг ўз уйи томон интилиши, у ерда ҳаёти илгаригидек яна изга тушиб кетишига ишониши мантиқан буткул тўғри эди.

– Мен манави ерда қўл ювдим, – деб қолди у бир куни.
– Мумкинмиди ишқилиб?

– Ҳа, бу ер ўз уйинг, манови қўлювгич ҳам сеники.

¹ Алцхаймер (Alzheimer) – мия хасталиги, 1906 йилда немис шифокори Алоиз Алцхаймер томонидан аниқланган. Хотиранинг аста-секин сусайиб, йўқолиб бориши касаллиқнинг дастлабки асосий белгиси ҳисобланади. Алцхаймер деменция(ақли заифлик)нинг кенг тарқалган шакли бўлиб, кўпроқ кекса кишиларда учрайди.

У менга ажабланиб каради, сўнг хижолатомуз жилмайиб, деди:

– Ё тавба! Энди бу ҳарқалай эсимдан чиқмаса керак.

Бу – деменция эди. Янаям тўғрироғи: ҳаёт – ҳаёт яралган материя эди.

Алцхаймерга келсак, бу касалликда инсонларга хос бўлган хусусиятлар ҳамда ижтимоий ҳолат ва ҳодисалар худди лупадагидек ўз аксини топади. Барчамиз учун дунё, олам бир қарашда чалкаш ва чигал туюлади, бироқ агар унга синчковлик билан сарасоф соладиган бўлсак, соғ билан касал ўртасидаги фарқ энг аввало, ана шу чигаллик, чалкашликни сирт, юзада нечоғли ниқоблай олиш лаёқатидан иборат эканлигини кўрамиз. Ботинда эса боши-кеги йўқ тартибсизлик ҳукм суради. Хаёлий тартибот ўртамиёна соғлом киши учун ҳам шунчаки ақл-идрок уйдирмасидир, холос.

Алцхаймер хасталиги биз, соғлом одамларга кундалик ҳаётга бас келиб, уни енгиб ўтиш учун қанчалик мураккаб қобилият эгаси бўлмоғимиз зарурлигини эслатиб туради. Шу билан бирга, Алцхаймер жамиятимиздаги мавжуд ҳолатнинг рамзи ҳамдир. Келажагимиз мавҳум, бор билимни эса ўлчаб, билиб бўлмайди, шундай экан, бетиним рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар, янгича расм-русум, тартиботлар уларни билиш, тушуниш, ўрганиш, уларга мослашиш ва кўникиш асносида талайгина муаммолар келтириб чиқариши, бинобарин, эртанги кунга ишонч эмас, хавотир уйғотиши табиий. Зотан, Алцхаймер – аср хасталигидир. Отам ҳаёти тасодиф туфайли мана шу ўзгаришдан дарак берадиган ҳодисага айлангани сир эмас. Унинг ҳаёти кўплаб мустаҳкам устунлар (оила, ватан, дин, сиёсий тузилмалар, мафкуралар, авлодларнинг жамиятда тутган ўрни ва ҳоказо) мавжуд бўлган бир даврда бошланиб, ғарб жамияти ана шундай таянч устунларнинг харобаларига ботган бир пайтда мана шу касалликка дучор бўлган. Онг-шууримга етиб бораёзган мазкур ҳулосага таяниб, ўзимни отам билан деярли бирдам, биржон-биртан ҳис эта бошладим.

Бироқ дастлаб бошқача фикрда эдим. Ўзи асли секин фикрлайдиган одамман. Отамнинг воқеликка бўлган алоқа-муносабатини сақлаб қолишга уриниб, хийла нокулай аҳволга тушиб қолдим.

Бир куни у онаси кутаётганини айтиб қолди. Ундан безоргина қилиб сўрадим:

- Онанг неча ёшда?
- Ҳм, тахминан саксон бўлса керак.
- Хўш, сен ўзинг неччига кирдинг?
- 1926 йилда туғилганман, демак –
- Унда сен ҳам тахминан саксон ёшдасан.
- Ҳм, биламан, биламан –
- Онанг ўлиб кетган, – дейман афсусланиб.

У лабларини бир-бирига маҳкам босиб, бошини сарак-сарак қилди, сўнг чуқур ўйга ботиб деди:

- Мен бўлсам, кўриб ўтирибман.

Инсондаги соғлом ақлни асраб қолиш учун шу йўсинда яна бир муддат курашдим. Бироқ бундай уринишларнинг бефойда эканини етарли даражада бошдан кечириб кўрганимдан сўнг, курашни бас қилдим. Буни қарангки, бас қилган ҳам ютқазмас экан, бу тез орада маълум бўлди. Ўликми ё тирик? Бунинг фарқи йўқ эди. Отам марҳумларни бир қадар “тирилтириб”, шу тариқа ўз-ўзини ҳам ўлимга бирмунча яқинлаштирганига икром бўлиб, унинг азоб-изтиробларини янада чуқурроқ тушуна бошладим.

Энди барчамиз бошқача ҳаёт сари юз тутган ва бу ҳаёт ўзимни ва ака-сингилларимни қанчалик ишончсизлик, шубҳа-гумон, хавф-хатарга солмасин, отамиз тақдирига тобора қизиқиш ҳамда муайян ҳамдардлик билан қарай бошлагандик. У пасьянс ва телевизор билан андармон бўлиб юрган пайтлардан буён ўтган вақт ичида деярли ҳеч нарсага қизиқиш билдирмай келган бўлсам-да, мени энди янгича бир қизиқувчанлик қамраб олганди, бунга сабаб шу эдики, ўз-ўзим ҳақимда ҳам ниманидир билиб олмоқчи бўлардим – бироқ у нима эди, буни ўзим ҳам билмасдим.

Отам билан кундалик мулоқот энди мени ортик ҳолдан тойдирмас, балки аксинча, менга илҳом ва рух

бағишларди. Зиммамдаги руҳий юк ҳамон оғир бўлишига қарамасдан, отамга нисбатан ҳис-туйғуларим ўзгариб борарди. Унинг шахсияти ҳам кўз ўнгимда қад ростлаб борар, у қария, фақат бир озгина ўзгарган қария эди, холос. Ажабо, ўзим ҳам ўзгара бошлагандим. Гўё хасталик барчамизга бир нима қилганга ўхшарди.

Дада, энг яхши кўрган жойинг қаер?

Бу ҳақда бир нима дейиш қийин. Энг яхши кўрган жойим, бу – кўча.

Кўчада нима қиласан?

Сайр қиламан, бир оз айланаман. Бироқ илгаригидек тобимдамасман-да. Бундан ташқари, пойафзални ҳам тўғри кияолмайман.

Демак, сен учун энг яхши жой – кўча, гарчи у ерда секин тузалсанг ҳам, шундайми?

Ҳа. Ўзинг биласан-ку, бу ердан кўра...

Нима, бу ер сенга ёқмайдими?

Бу ерда нимаям қилардим? Биламан, кўча ҳар доим ҳам тўғри бўлмайди, аммо қуп-қуруқ бўлса борми, ундан ёқимли жой йўқ. У ерда у ёқ-бу ёқни томоша қилишим мумкин, бунинг ҳеч кимга оғири тушмайди.

Касаллик жуда секинлик билан бўлса-да, кучайиб борарди. Отам энди хавф-хатарни бир ўзи енголмас, бошқалар кўмагига муҳтож, бусиз аҳволи чаток эди.

Оиласи, болалари Оберфельддаги хонадондан кўчиб кетишган, шунинг учун энди унга овқатни уйга опкеб беришарди. Кўп ўтмай, бошқа қобилиятлари ҳам йўқолгач, отамга “тез ёрдам” келиб, соатлаб қарайдиган бўлди. Бу

дегани, эрталаб кимдир келиб, унга ўрнидан туришга ёрдамлашар, кечкурун яна кимдир келиб, ўрнига ётқизиб кетарди. Шукрки, у уйқуни яхши кўрар, кўп ухларди, лекин битта нарса, яъни у ўн икки соат давомида қаттиқ ухлармиди ёки – ёшлигида қишларда совуқ хонада ётиб юрган деҳқон боласи эмасми, иссиқ ўринда шунчаки чўзилиб ётармиди, бу аниқ эмасди. Одатда “тез ёрдам” ёки уйдаги касалга қараш хизмати ходимлари ёки Петернинг хотини Урсула эрталаб тўққизга яқин унинг ётоқхонасига киришар, у эса, оқшом тўққизда чироқ ўчирилганига қарамасдан ҳамон ўринда кўрпага ўралиб ётган бўлар ва аёлларнинг ҳадик, кўрқув аралаш овоз билан қилган муурожаатларига истар-истамас жавоб қайтарарди.

Отам деярли кун бўйи Петер билан Урсула олдида боғда бўлар ва қиз набиралари билан овунарни. Бирок бу билан муаммо ҳал бўлмасди, шунинг учун пешиндан кейин отамга қўшнимиз Лилиана қараб турадиган бўлди. Лилиана у билан бирга сайр қилар, икков *Mensch aergere dich nicht*¹ уйнашарди. Урсула ҳафтада бир ёки икки марта отамни қариялар уйига олиб бориб келарди. Хуллас, вақт шу зайлда ўтиб борар, бундан барча деярли мамнун эди.

Ҳафта охирида Хелга мажбуриятни ўз зиммасига олар, Вернер эса уй ва боғдаги ишлар билан машғул бўларди. Ойим икковимиз галма-гал Венадан келиб, бир неча кун ёки ҳафта давомида уйда бўлардик, бошқалар эса дам оларди. Ҳар биримиз янги вазиятга ўз куч ва имкониятларимиздан келиб чиқиб ёндашардик – албатта, бошқа юмушларимиз ҳам етиб, ортарди. Бошида анча қийин бўлганига қарамасдан, оилада бирдамлик, аҳиллик ҳис-туйғуси мустаҳкамланиб борди. Отамнинг хасталиги оиламизни парокандаликдан сақлаб қолди. Кемага тушганнинг жони бир деганларидек, қайғу, ғам барчамизни жипслаштирди.

Худди шу даврда ёзувчи сифатида ишларим юришиб кетди. Омад ўз-ўзидан, худди осмондан тушгандек,

¹ Mensch... – шахмат-шашка сингари стол (тахта) устида ўйналадиган оммавий уйин тури.

келаколди. Албатта, мени шу пайтгача ҳам адиб сифатида танишарди, нукул мақташарди-ю, бироқ ёзганларимни деярли ҳеч ким ўқимасди. Энди эса эътибор қозонган эдим, менга бутун дунё мамлакатларидан таклифномалар келар, бунинг фойдаси билан бирга зарари ҳам бор эди – бунга энг аввало, вақт ажратишимга тўғри келарди. Илгари машхурликни бунақа вақт олади деб, тасаввур қилмаган эдим, энди эса бундан қочиб қутулолмасдим. *Агар об-ҳаво яхши бўлса, ничан ўриш керак*, отам балки шундай деган бўларди. – Бироқ ҳозир унинг мен билан неча пуллик иши бор. машхур бўлдим нима-ю, бўлмадим нима, унга қизиғи йўқ эди.

Ўқишни тугатганимдан сўнг, отамга ёзувчи бўлмоқчиман, дея ниятимни айтгандим, у менга қараб илжайиб, шундай деган эди:

– Бурунни ковлаб ўтириб ҳам шеър ёзса бўлади.

Аниқ эсимда бор, ўша куни унинг устахонасида, лок ва бўёқлар тахланган тоқча олдида тургандик. Бунақанги гапларни айтишнинг ўзига хос ҳадисини олганиданми, ундан хафа бўлиб ўтирмадим. Кўзларини қисиб, билганингни қил, дуо қилавераман, аммо ишингга бир нима дея олмайман, деганди ўшанда.

2006 йил баҳорида муттасил ижодий сафарда бўлдим. Волфуртга ҳафта охирларидагина келолдим, холос. Гоҳида ўзимни ишқий муҳаббат, оила ва касб-кор ўртасида омонат ҳис қилар, баъзан униси ё буниси ортиқча туюлиб кетарди. Мен на кўчманчиларча ҳаёт тарзига ва на вақтни изчил ташкил этишга кўниккандим. Масъулиятни зиммага олишга-ку, куч-қувватим етмасди, мен ўзимни ҳамиша тусмоллаб иш қиладиган паришонхотир одам деб ҳисоблаб келардим. Буёғи қандоқ бўлди. *Биз ўз ҳаётимизни бир қолип(шакл)га солганимиз сайин, ҳаёт бу қолипни бузиб ташлайверади.*

Ниҳоят, 2006 йил ёз бошларига келиб, ўз касбий мажбуриятларимни деярли бажариб бўлдим. Велосипедимни қисмларга ажратдим-да, юкларимни ойимнинг машинасига ордтим. Мюнхен орқали Волфуртга олти соат деганда

етиб келдим. Йўлда бошим бир оз оғриб қолди. Отамнинг саксон йиллик юбилеи арафаси эди.

Анчадан буён одам яшамаган уй ҳиди ўтириб қолган ишчи кийимимни эғнимга илдим-да, деразадан сакраб тушиб, уйимиз яқинидаги тепаликдан ўрмонда ўсадиган майда кулупнай ва хўжағат (малина) териб келдим. Олча уздим, хоналарни кўздан кечириб, нарсаларни жойладим. Кечкурун отам мени кўриб:

– Эҳ-а, кебсан-да мени кўргани, ҳалиям тирикми-йўқми деб.

У ташқи кўринишдан ҳали ҳам туппа-тузук одам эди. Кўчада юрса борми, ҳеч ким уни “анақа” деб ўйламасди. Дуч келган одамга очилиб-сочилиб муомала қилар, киска гап-сўз орасида ҳазил-пичингни ҳам қанда қилмас, буни кўрган одамлар, э, ҳалиям ўша-ўша муттаҳамлиги қолмабди-да, деб қўйишарди. Гап маълум бир масалага бориб тақалгач, кўпроқ паст-баланд тафсилотлар талаб этилган пайтлардагина унинг ожизлиги билиниб қоларди.

Мана, ҳозир у уй олдидаги девор устига рўмолчасини ёзиб олиб ўтирган кўйи, сокин кўчага разм солиб, бирон-бир “воқеа” рўй беришини сабр-тоқат билан кутарди. Йўқ, йўқ, у унчалик катта нарса талаб қилмасди. Бор-йўғи кўчадан машина-пашина ўтиб қолса, қўл силкиб қўяр, ба-шарти бирорта аёл велосипед миниб кетаётган бўлса, унга қараб:

– Салом, гўзал хоним, – деб қўярди, холос.

Шундай, бу гаплар мутлақо шубҳадан холи эди.

Шу яқин-атрофда жойлашган қишлоқ черковининг кўнғироқлари бонг чалди. Онам яқин келиб, отам шимининг чап чўнтагидан бир нечта Grissini¹ топиб олди. Яхши эмас, бунақада шиминг чўнтаги увовқа тўлиб кетади, деди. Отам бўлса:

– Улар соқол олишимда керак бўлади.

– Улар билан соқол олиб бўлмайди, Август.

¹ Grissini (итал.) – ундан тайёрланидиган ингичка, қуруқ, қаламдан сал узунроқ, кирсиллаб ейиладиган анъанавий маҳсулот (палочки).

Бир оз ўйланиб туриб, деди:

– Ундай бўлса, уларни боққа олиб бориб, ерга суқиб қўяман. Қўкариб, ажойиб бир нима ўсиб чиқса ажабмас.

Бу гаплар энди шубҳали эди.

У ўрнидан турди, жиддий бир киёфада виқор билан рўмолчасини олиб, буклади-да, уй ортига – айвонга қараб йўл олди. Кетидан бордим. Биз кунботар томонга, Бодензее тарафга жимгина қараб турдик, кўл узра ботаётган куёшнинг заррин нурлари жилваланар, гўё бугун сира кеч бўлмаётандек туюларди. Ҳув юкорида, тоғ томонда, Гебхард черкови устида пардек енгил булутлар сузиб юрар, осмон кўм-кўк эди. Олисдан А 14 – Райн водийсидаги автобан шовқини эшитилиб турар, қайин япроқлари майин шабадада оҳиста шитирларди.

Биз турган жойдан отам туғилиб ўсган уй орқасидаги ям-яшил дарахтларга бурканган мевазор боғ кўзга ташланар, гўё дарахтлар-у асалари уяси ҳам худди отам икковимизнинг болалик давримиздагидек – деярли ўзгармаганди.

– Эртага саксон ёшга тўласан, – дедим унга беҳосдан.

– Менми? – сўради у ишонқирамай.

– Ҳа, сен. Саксонга кирасан, дада.

– Мен эмас, сен бўлсанг керак, – деди у кулги аралаш жаҳл билан.

– Мен ўттиз саккизга кираман, дада, сен эса саксонга.

– Мен эмас, – такрорлади у мазахомуз оҳангда, – ҳойнаҳой сен бўлсанг керак.

Шу тариқа бир оз тортишдик. Сўнг ундан, одам саксон ёшда ўзини қандай ҳис қилади? деб сўрадим. У эса:

– Нима десамикин, жа унчаликмас.

Орадан икки соат ўтди. Яна ҳўжағат териб келдим, сўнг отамни жойига ётқиздим. Ўзим ҳам узоқ йўл юриб, қаттиқ чарчаган эканман, донг қотиб ухлаб қолибман.

Эрталаб барвақт туриб, отамни таваллуд айёми билан қутладим. У табригимни бажонидил қабул қилиб, миннатдорчилик билдирди. Каравот четида иштончанг ўтираркан, унга отаси шу ёшга етмай ўтиб кетганини эс-

латдим, шунда у менга ҳайрон бўлиб қаради, сўнг синик жилмайди. Бироқ нимага жилмайди, бунинг маъносини англаёлмадим. Юбилейни қавмлар черковида нишонлашимизни айтгандим, у қайси черковдалигини сўради.

– Ўзимизнинг Волфуртдаги черковда, – дедим. У эса тўлқинланиб:

– Волфуртда қачон бўлган бўлсам, ҳар доим маза қилганман ва бу ерда мен таниган одам борки, барчаси билан яхши муносабатдаман.

* * *

Кун жуда тинч ўтди, сешанба эди. Туғилган кунни нишонлаш жума кунига белгиланди. Эсимда, онам мевали пирог пиширган, кўшни аёл эса йўл-йўлакай чипта олиб келган, Оберфельдгассе бугун Августнинг табассумисиз хира тортиб қолади-ёв, дея ҳазиллашган эди. Бундан хурсанд бўлиб кетдим, негаки, отам характерининг умуман бус-бутунлигига ишончим комил эмас, касаллик унинг шахсиятига ҳам аллақачон даҳл қилган, деб ўйлардим.

Кечкурун Ҳелга билан Вернер келишди. Пирог тановул қилиб, вино ичдик. Сўнг Вернер иккаламиз футбол бўйича жаҳон чемпионатининг ярим финал ўйинларини томоша қилдик. Отам ҳам биз билан бирга ўтирар, лекин – Германия билан Италия ўртасидаги – тактик жиҳатдан кескин, бироқ яққол ўзгаришлар сезилмаётган ўйин уни мутлақо қизиқтирмаётгандек эди, бунинг устига ора-сира:

– Ўзи ким билан ким ўйнапти? Волфуртнинг рақиби ким? – дея тинмай сўрар, мен унга:

– Кеннелбах, – деявериб чарчадим. Отам эса, буни гўё ўзи ҳам биладигандек, ранжиган оҳангда:

– Ўйинни ҳам шунақа ўйнайдими? – деб кўярди.

Фабио Гроссо биринчи голни уриб, ҳисобни очгач, отам:

– Шошма, шошма, ахир бу волфуртлик эмас-ку, – дея ҳайрон бўлиб.

Бунга Вернер икковимиз қотиб-қотиб кулгандик. Ҳақиқатан ҳам ўша лаҳзалар ўйиннинг авж нуқталари эди. Бошқаси эса аллақачон ёдимиздан кўтарилиб кетган.

* * *

Отамнинг элликка кирган куни ҳам яхши эсимда қолган. Ўшанда мен саккиз ёшда эдим. Вернер иккаламиз деразадан пастда – айвонда уймалашиб юрган меҳмонларни қизиқиб кузатганмиз. Ўша кун отам деярли ўттиз йилдан сўнг чекишни ташлаган кун сифатида ҳам ёдимизда қолган эди.

Брегенц осмони узра кетма-кет пиротехник ракеталар отилганди – 1976 йилнинг 4 июлида Америка мустақиллигининг 200 йиллик байрами ҳам нишонланаётган эди. Теварак-атрофда яшаётган америкаликлар қўшимча ракеталар отишиб, байрамга файз киритган. Биз болалар тасаввуримизда эса буларнинг барчаси гўё отамиз шарафига бўлаётгандек эди. Унинг ёш касбдошлари ўшанда бирин-кетин деразадан бассейнга қараб сакрашган.

* * *

Ўзининг саксон йиллик юбилейи тантанасида отам турнақатор бўлиб турган қутловчиларнинг қўлларини иккала қўли билан бир-бир маҳкам қисиб, уларнинг ҳар бирига “омон бўлинг, соғ бўлинг” дея эзгу тилаклар тилаб, миннатдорчилик билдирганди. У бу томошадан гоят лаззатланган, йиғилганларда бахт-омаднинг фақат бурч қисмигагина дахлдор одамдек эмас, балки ҳалиям тетик ва хушёр киши сифатида таассурот қолдирганди. Отам раҳбарлик фаолиятининг сўнгги йилида бургомистрга ўзи иш ўргатган эди. Ҳозир у бургомистрдан камрок гапиришини, яхшиси, бирон-бир қўшиқни куйлаб беришини сўраганида, кўпчилик кулиб юборди.

Ака-сингилларим отам ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи “кўргазмали тақдимот” тайёрлашган эди, экранда ана шу лавҳалар намоиш этила бошланди. Лаҳзалик фотосуратлар ҳозир унинг ўзида қандай таассурот қолдираётганикин, буни билолмадим. Меҳмонларнинг “эх”, “ох!” дейишлари, дам-бадам кулишлари унга ҳам таъсир қилган кўринади. Бир маҳал экранда темирчи бобоси чарм пешбанд таккан

ва елкасида оғир болга кўтариб олган ҳолда кўринди, шунда ўзининг ожизлиги эсига тушиб кетдими:

– Мен бўлсам ортиқ ҳеч нимага ярамайман, – деб юборди. – Э худо, ана бўлмаса – барибир – хайрон қоладиган жойи йўқ, – қўшиб қўйди у.

Оппок девор саҳнида эллигинчи йилларнинг бошларида олинган оилавий фотосуратлар пайдо бўлди, ана, Адолф ва Терезия Гайгер оиладаги тўққиз нафар болалар қуршовида туришибди, улардан бири – Эмма орадан кўп ўтмай, кўричаги ёрилиб кетиб, нобуд бўлганди. Қизик, бобо ва бувиларимиз зоҳиран ўша пайтлардаёқ қарилик остонасига қадам қўйган кўринишади, ундай десам, бувим яна қирк йил умр кўрган, ташки кўриниши ҳам деярли ўзгармаган, сочлари кулранг, юзини чуқур ажинлар босган, ишлайвериб, ҳолдан тойган, кичкинагина аёл эди.

Хуллас, бутун оила аъзолари – ўтмиш давр одамлари-ю бир пайтлар грифел (тошқалам, тоштахтага ёзадиган қалам – *тарж.*)ни ертўла бўсағасида – чунки бўсаға қумтошдан бўлиб, унда тошқалам осон чархланарди – ўтирволиб учкирлаган дехқон болалари, хаёлий фантазиядан кўра кўпроқ амалиётга мойил, ўта ихтирочи ва ўта яшовчан, яшашга қобил, уддабуро қон-қариндошлар, барчаси жамулжам эди. – Фақат биргина Йозеф йўқ, у оилавий магнетизмдан мосуво бўлиб, жаҳонгашталиқни ихтиёр қилган, эллигинчи йилларнинг охирида АҚШга кўчиб бориб, у ерда электр токи билан ишлайдиган консерва очқич ихтиро қилган ва шу тариқа ўз орзусига эришган эди.

Мен отамнинг ака-укаларидан, опа-сингилларидан мабодо бирортангизда унинг ҳарбий асирликдан озод бўлгандан сўнг тушган суратининг нусхаси йўқми, деб сўрадим. Гап қайси расм ҳақида кетаётганини дарҳол фахмлаб, барчаси оппоқ сочли бошларини сарак-сарак қилишди. Саксон ёшдан ошиб кетган Миля айтдики, у замонлар бошқа эди, у даврларда суратдан ҳозиргидек хоҳлаганча нусха олишнинг имкони бўлмаган.

Паул ўзининг урушдан қайтиб келгани ва ўша пайтдаги аҳвол ҳақида сўзлаб берди. Ҳаммаёқ вайрон, аралаш-

куралаш, мевали боғларни жала урган, далаларда дарахтлар айқаш-уйқаш бўлиб ётар, ишга яроқли эркакларнинг аксарияти фронтда, рўзгор ташвиши-ю мол-хол, барчаси аёллар зиммасида бўлган. Уруш тугаганда Роберт тўққиз яшар бола экан, айтишича, бир куни далада ишлаб турганларида тўсатдан ҳаво айнаиб, шунақанги кучли шамол келибдики, аранг битта дарахтга ёпишволишга улгурган, сўнг оёқлари устига каттик дўл ёғиб берибди. Ўшанда акаопалари уйга олиб кетишаётган пичан ортилган араванинг ағдарилиб кетишига сал қолган экан. Меваларни дўл уриб кетганидан ўша йили баъзи бир дарахтлар куздаёқ гуллай бошлаган.

Отам буларнинг барчасини унутган, ортиқ эслаёлмайди. Хотиралар энди характериға кўчган, биргина характери қолган, холос. Тажрибалар эса ҳамон таъсир кўрсатишда давом этарди.

* * *

Бу йил, аввалги ёз фаслларида бўлганидек, ёзнинг бир неча ҳафтасини туғилиб ўсган уйимда ўтказдим. Шунда отам билан орамиздаги масофа тобора қисқариб бораётганини, касаллик сабабли анчадан бери қутилган алоқамуносабатларнинг йўқолиш хавфи ҳам барҳам топганини сездим. Бунинг ўрнига биз бир-биримиз билан шундайин табиий, холисона ва беғараз бир тарзда дўстлашиб олдик, бунинг учун биз хасталик ва хотира йўқотишдан – шахсан ўзим фаромушхотирликдан – миннатдор бўлмоғимиз керак эди. Ўртамиздаги барча келишмовчиликлар ортда қолди. Энди бундай фурсат ҳеч қачон қайтиб келмайди, деб ўйлардим.

Ўшанда Иннсбрукда яшаётган турмуш ўртоғим Катарина ҳам Волфуртда бир неча кун бўлди. Бир куни биз отамни бирга сайр қилишга кўндирдик, у истар-истамас бизга ҳамроҳлик қилди. Йўлда бораётиб, гарчи ҳали Оберфельддан бир қадам ҳам ташқарига чиқмаган бўлсак-да, унинг ҳадеб орқага қайтамиз деявериши бир оз асабимга тегди, чунки ҳаво ажойиб, гўзал оқшом, у би-

лан жон деб дарё соҳилигача пиёда сайр қилмоқчи бўлиб турувдик.

Яна Оберфельдга қараб бурилгандик, кўз ўнгимизда қишлоқ намоён бўлди. Отам енгил тин олди, хурсанд бўлиб, қишлоқ манзарасини мактай кетди.

– Бу ерга сайр қилгани олдин ҳам келиб турармидинг? – сўради у мендан. – Кўпчилик бу ерларга қишлоқ манзарасини томоша қилиш учунгина келади.

Бу гап менга ғалати туюлди.

– Мен бу ерга, – дедим отамга қараб, – манзара учун келмайман, чунки бу ерда катта бўлганман.

Уни хайрон қолдирдим шекилли, афтини бужмайтириб:

– Эҳ-а, шундайми, – деяолди, холос.

Шунда ундан сўрадим:

– Дада, биласанми, мен ўзи кимман?

Бу саволдан бир оз довдираб, Катаринага ўгирилдида, мен томонга қўли билан ишора қиларкан, ўзича ҳазиллашган бўлди:

– Қара, бунинг нимаси қизиқ экан.

Дада, ҳаётингдаги энг бахтли дам қачон бўлган?

Болалар ёш бўлган пайт.

Ўзинг ва ака-сингилларингни айтяпсанми?

Йўқ, ўз болаларим демоқчиман.

Нацизм олиб борган сиёсат оқибатида диний ва фуқаролик урф-одат, анъаналарининг кадрсизланиши урушдан сўнг ана шу қадриятларнинг билвосита сохталашувига олиб келди. Паулнинг айтишича, ўша даврда такводорлик, сохта соддадиллик, панд-насихат ва меҳнатдан бўлак ҳеч нима бўлмаган. Бундай вазият айниқса ёшлар учун даҳшат ва ҳалокатдан бошқа нарсасиз эмасди.

Отам ўзининг аниқ ният ва мақсадларига эга бўлгани учун ҳам мушкул вазиятдан чиқиб кета олган, унинг учун энг муҳими, қайғу-аламлардан қочиб, қувонч-шодлик сари интилиш бўлган. Волфуртга қайтиб келгач, ҳақиқий ҳаёт тўғрисидаги ўз тасаввурига таяниб, иш юритди, айни чоғда хавфсизлик, хотиржамлик ва барқарорлик ҳис-туйғуларидан қалби мунаввар бўлди. Албатта, уни тасодифий хушxabарлар, янгиликлар кутиб олмаган, имкониятлар ҳам деярли бўлмаган. Чунки имкониятларга эга чиқиш учун энг аввало, ишонч керак бўларди, отамда агар урушдан олдин ишонч бўлган бўлса, энди у йўқ эди. Айтишади-ку: *Erfahrung bildet Narbengewebe*.¹

Тинч, сокин ва дахлсиз ҳаётга бўлган эҳтиёж уни хотиржам хизматдаги турмуш ва турли хил қишлоқ уюшмалари сари етаклади. У қишлоқ футбол клубининг таъсис этувчи аъзоларидан бири бўлиб, ўзи жамоада ўнг ярим ҳимоячи эди. Боз устига театрда гуруҳга бошчилик қилар, у ерда Нестройнинг² *“Дайди”*сини саҳналаштиришганди. Бундан ташқари, аксарият хотин-қизлардан ташкил топган черков хориға ҳам қатнар, қўшиқ айтарди. Аслида у хотин зотига қизиқмас, унинг учун у экзотик феномен эди, холос. Аёл деганда у энг аввало, онани, ўз онасини кўз олдига келтирар, унинг номини муқаддас биларди.

Эҳтимол, у ўз эркаклигини исботлашга эҳтиёж сезмагандир, ким билади. Балки у ўзининг мустақиллигига кўпроқ аҳамият бергандир. Ўша даврларда қиз боланинг бўса, ўпич бериши бугунгидек оддий ҳол бўлмаган.

Отам Форарльберг ўлка ҳукумати идорасида бензин тақсимооти бўйича масъул мутахассис вазифасида бир неча йил ишлагач, 1952 йилдан Волфурт қишлоқ жамоасида мирза сифатида фаолият юрита бошлаган. Жамоа идорасида олтмишинчи йилларнинг ўрталарига қадар ҳам котиба лавозими бўлмаган. Отамнинг ишхонаси қишлоқ мак-

¹ Erfahrung bildet Narbengewebe – сўзма-сўз таржимаси: *Тажриба чандиқлардан иборат.*

² Нестрой, Йоханн – австриялик драматург (1801–1862).

табининг биринчи каватидаги синф хонасида жойлашганди. Хона ниҳоятда кенг бўлиб, қадимий мебеллар билан жиҳозланган, деразалари эса пардасиз эди.

Ёз ойларида у чарм шим кийволиб, ўзи *Kneiper* деб атайдиган шиппакда, ёзув машинкасини иккала қўли билан чиқиллатиб ёзиб ўтирар, машинканинг “чик-чик”и кенг, деярли бўм-бўш хонада жаранглаб чиқар, агар дераза очик бўлса, овоз то кўчага қадар эшитилиб турар, кўчадан ўтган-кетганлар: “Август ёзяпти”, деб қўйишарди.

Бургенланд (Австриядаги тарихий ўлка, вилоят – *тарж.*)дан Форарльбергга келиб қолган бир муаллима қиз бўларди. Уни *Теруш* деб чақиришаркан. Шу қиз дадамга ёкиб қолган. Бироқ Теруш никоҳсиз туғилган бола бўлгани боис, бобом бунга қарши бўлган, отам эса тақдирга тан берган. – Афсуски, бу тугал ҳикоя эмас, отамнинг ака-укалари, опа-сингиллари бу ҳақда деярли ҳеч нима билишмайди, ўзим ҳам тортиниб ундан сўролмаганман. Шунинг учун билганимча айтиб ўтяпман.

Аммо отамнинг худди шу даврда, яъни эллигинчи йилларнинг охирида ота-онасининг мевазор боғи юқорисидаги тепаликда уй кура бошлагани аниқ. Иморат қуриш учун жой бобом томонидан берилган, “чунки у ерда гиёҳ ҳам ўсмаган”. Шу пайтдан бошлаб, отам қўли бўшади дегунча, қурилишга қараб чопган. У ерга черков яқин бўлган, кўнғироқ садолари доим эшитилиб турган.

Шотландиялик актёр, продюсер Роберт Харрисон ўзининг “*Ўлим салтанати*” номли китобида ғарб фалсафасидаги тафаккурга оид қадимий бир анъана ҳақида ёзади. Унга кўра, нарсалар тўғрисидаги билим маълум бир ишни бажаришнинг дастлабки муҳим шарти ҳисобланаркан. Худди шунга ўхшаб, кимки уй қурмоқчи бўлса, уни қуришдан олдин уйнинг нима эканини билиши керак. – Отам ҳам уйни шунчаки тахминан, умумий тарзда билган, ҳамма нарсанинг режасини ўзи тузган, ичи ғовак гиштни ҳам ўзи қуйган, электр монтаж ишларини ўзи бажарган, ўзи сувоқ қилган. Сувоқ ишларини яхши кўрардим, деган-

ди у. Бунақа нарсалардан яхши хабардор бўлган, бу соҳада ўзини худди *уйдагидек* ҳис қилган.

Ниҳоят, тез орада боғ узра янги иморат қад ростлаган. Бу ердан ўнг томонда Швейцария тоғлари, ярим ўнг тарафда Аппенцелл, тўғрида эса қишлоқ ва Брегенц, чапда Гебхард тоғи ҳамда кўк бағрига санчилган мезана ва миноралар кўзга ташланарди. Хуллас, теварак-атроф манзараси бу жойга ўзгача жозиба бағишлаган. Орадан кўп йиллар ўтиб, менинг “уйни нега бундай солгансиз?” деган саволимга отам, уй куёшга эмас, балки Гебхард тоғига қаратиб қурилган, дея жавоб берганди.

* * *

1963 йилда, ўттиз етти ёшида отам ниҳоят, уйланишга қарор қилиб, Санкт Пётленлик ўша ёш муаллими билан никоҳдан ўтган. Қизнинг отаси темирйўлда ўтёқар бўлиб ишлаган, урушда ҳалок бўлган. Онаси эса Ўббсдаги болалар уйида тарбиячи бўлган, у ер-бу ерда тикувчилик ҳам қилган. Онаси қайтадан яна турмушга чиққач, қиз Форарльбергга – бобосиникига келади, шу ерда муаллимликка ўқийди. Биринчи иш жойи: Волфуртдаги саккиз йиллик фолксшуле – эски мактаб эди.

Шу тариқа онам қишлоқдан яна олис бир қишлоққа келган ва ўзининг фикрича, хатога йўл қўйган. *Оила қураётганда ақл калталиқ қилдимиз, энди бошга тушганни кўз кўради.* Бундай амалий никоҳшунослик илмидан ота-онам анча узоқ эди. Уларнинг аввало, уйда ўрناق бўладиган, ўргатадиган ҳеч кими бўлмаган, қолаверса, турмуш тўғрисидаги тасаввурлари ўтакетган соддалик, буткул беҳабарлик асосига қурилган бўлиб, юзага келадиган арзимас қўшимча ҳолат, вазиятларни, масалан дейлик, эр хотинни ёки хотин эрни “ўзгартиришга” қодир эмаслигини ҳисобга олишмаган. Шундай, *характер иродага қараганда ҳам кучлироқдир.*

Шунга кўра, улар катта хатога йўл қўйишган. Лев Толстойнинг “*Анна Каренина*” асарида шундай ҳолат билан боғлиқ ажойиб бир фикр келтирилади: умр йўлдош тан-

лаш масаласини ёшларнинг ўзига ҳавола қилиш ўқлоғлик тўппончани беш яшар болаларга мос ўйинчок, дейишдек гап. Бу кекса князь хотиннинг фикри эди.

Бахт тўғрисидаги икки хил тасаввур бир-бири билан тўкнаш келса, нима бўлади, бу ҳақда ўйлаб кўриш тўйдан олдин ота-онамнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Албатта, бўлиши мумкин бўлган бахтни яратишга икковлон ҳам ўзига яраша ҳисса қўшган. Бироқ пировард натижада ана шу улушлар бахтнинг турлича, қарама-қарши кўринишларига мансуб эканлиги маълум бўлади. Охир-оқибат ҳар иккиси ҳам ўзича бахтсиз бўлиб қолаверди.

Уларнинг бир-биридан кутган орзу, умидлари саробга айланди, ваҳоланки, бири-бирига ўзаро ишонч билдиришнинг ўзига хос йўллари ҳам тубдан бошқача эди. Аввало, туғилган йиллари ва оилавий келиб чиқишлари ўртасида енгиб бўлмас маданий узилиш бор эди. Отам катта деҳқон оиласидан бўлса, онам ташландиқ пролетар хонадонидан эди, униси урушдан олдинги даврда, буниси эса урушдан кейинги йилларда социаллашган, отам уруш ҳамда асирлик азобини тортган бўлса, онам қашшоқлик ва “жонажон ватан бўйлаб” хроникал фильм романтикасини кўрган, хуллас, турлича қадриятлар, турли хил орзу, умидлар, турлича ҳиссий оламлар... отам оддийлик ва пишиқ-пухталикни ёқтирса, онам ҳиссиёт ва самимийлик, меҳрибонликни яхши кўрган, унисига дилқашлик, одамохунлик манзур бўлса, буниси таълимни маъқул кўрган. — Отам маданий ҳаётга яроқсиз эканлигини ошкор қилиб қўяверган. Унинг ҳақида баъзан шундай гапларни ҳам эшитиш мумкин эди: “Август кеча (театрда) биринчи пардадаёқ пинакка кетган”.

Бу — ҳаётий орзулардан тортиб, то уйланиш ва болалар туғилишига оид тилаклар ўртасидаги ҳақиқий диссонанс (ҳамоҳанг эмаслик — *тарж.*) эди. Бошқа пайтда эса биргаликдаги ушбу ҳаёт, турмуш кун сайин ўзгача тус ола бошлади, бу бамисоли Бобил минорасида туриб, зўр бериб бир-бирини ишонтиришга уринаётган, ҳар бири ўз тили-

да гапириб: сен мени тушунмаяпсан! деяётган икки кишининг ҳолатини эслатарди.

Мен отамдан онамга уйланишининг сабабини сўраганимда, у ойимни ниҳоятда яхши кўрганини ва унга бошпана бермоқчи бўлганини айтганди. Шу ўринда яна унинг ўша машҳур мавзуси кун тартибига чиқади: уй, макон, бошпана, хавфсизлик ва хотиржамлик. Мазкур тушунчалар унинг кўз ўнгидида фавқулудда аҳамиятга эга эди. Ишқ-муҳаббат яхши, бироқ ўз жойини топа билиш ундан ҳам яхши, деб ўйлаган бўлса керак-да, боёкиш.

Онам эса хавфсизлик ва хотиржамлик эмас, балки рағбат излаган. Унинг калби ҳамиша дунёга очик, ўзи янгиликка ўч бўлган. Пуллари йўқлигидан бечоралар тўй саёҳатига ҳам боришолмаган. Отам тўй саёҳатинигина эмас, бунинг ўрнига шунчаки сайрга чиқишни ҳам рад этгач, онам ундан қаттиқ хафа бўлган. Отамга қолса, Волфуртдан кенгроқ ва гўзалроқ гўша йўқ эди оламда.

“Хаттоки ўрмонга оддий сайрга бормаганмиз-а!”, ёзғирарди ойим ўша кунларни эслаб. Ҳақиқатан ҳам ушбу рад этиш шонли саҳифа бўлолмасди. Отам хатто бир кунгина бўлса ҳам ўз одатларига қарши боришни истамас, кундалик чоп-чопдан иборат ҳаётига ҳалақит берадиган нимаики нарса бўлса, хоҳ шанба кунги кичкинагина сайр бўлсин, хоҳ бошқа, ҳаммасидан воз кечарди. Унинг ҳаётий режаси: эгри-бугри эмас, балки тўппа-тўғри чизикдан иборат эди.

Барбод бўлган никоҳ ҳақида ёзиш... эски гапни кўзгашдек туюлади. Маълум муддат улар бир-бири билан мурса қилиб, дил хотиржамлигига эришгандек бўлишди. Албатта, улар ҳеч қачон жанжаллашиб, соч юлишмаган, бинобарин, болалар дунёга келгач, мавжуд барча кескинликларга қарамасдан ўзаро муносабатда бир қадар мувозанат юзага келган. Оилада бирин-кетин фарзандлар туғилиб, онам ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этган, отам ҳам ўз оталик ролини муваффақият билан бажаришга, пировардида яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилган. Ҳақиқатан ҳам болалар ота-онанинг бахти эди. Бироқ ои-

ла, никоҳ ишқий муносабатлар бобида ортиқ умид қилиб бўлмайдиган ҳолатда эди. Табиатан турлича бўлган ҳис-туйғулар эр-хотинга ҳам бирин-кетин панд берган бўлса керакки, улар бир-бирига нисбатан ўзаро муомалада бора-бора ўта қайсар, ўжар бўлиб қолишган. Аҳвол шундай бўлгач, ортиқ тортишиб ўтиришга ёки бири бошқасига ён беришга-да ҳожат қолмаган.

Тепалик устидаги ана шу катта уйда ҳаёт аввалига бир маромда кечган; биз бинойидек оила сифатида баралла ҳаракат қилганмиз. Кунига бир неча соат мусиқа билан шуғулланар, тушки овқатдан сўнг ярим соат Canasta¹ ўйнардик. Тушлик олдидан болалар черков майдони ёнига чопиб боришар, у ерда ишхонадан уйга – тушликка келаётган дадамизни кутиб олишарди. Шунда бутун қишлоқ қандайдир ёқимли, самимий ва меҳрибон бўлиб кўринар, боғлар ва кўчалар бўйлаб таомнинг ёқимли ҳиди анқирди, чунки соат ўн иккида деярли барча хонадонлар тушлик қилишарди. Отам болалардан бирини багажник(велосипеднинг орқа томонидаги юк қўядиган жойи – тарж.)ка, бошқасини олдига ўтказар, қолган болалар эса улов ортидан зир югуришарди. Шанба кунлари пешиндан кейин отам бизни футбол майдонига олиб борар, якшанбада сайрга олиб чиқарди. Брегенцдаги етимхонадан Тони деган бола ҳар гал келиб, бутун таътилни биз билан бирга ўтказарди. Сабзавот, полиз экинлари ва қулупнай экиладиган томорқамиз бўлиб, уларга отамнинг ўзи қарар, лимоньялпиз ва қорағатдан қиёмлар қиларди. Бир куни ойим кўлга чўмилишга борганда тўрт нафар болага кўз-қулоқ бўлиш бир ўзимга қийин бўляпти, деб ке-йинги гал дадамини ҳам бирга боришга қистаган эди, у шартта уйимизга бассейн қуриб берди. Бассейнни гараж томига ўрнатиб, уни осма кўприк ёрдамида балкон билан туташтиришдек таваккал режага қўл урганининг ўзиёқ катта гап эди.

Отам ёшим улуғ деб, оилада ҳеч қачон ўзини бошлиқ ёки хўжайин қилиб кўрсатмас, аксинча уни безовта

¹ Canasta – Жанубий Америкадан келиб чиққан қарта ўйинининг бир тури.

қилмасалар, шунга хурсанд бўларди. Унинг табиатида қаттиққўлликдан асар ҳам йўқ эди. Онам яна ишлай бошлаганига қарамасдан, уй-рўзғор ишларида ёрдам бермагани чатоқ эди, холос. Ҳақ ва ҳақиқат ҳаққи, оилада эр қиладиган иш бор, хотин қиладиган иш бор, дерди у. Унинг фикрича, супур-сидир, йиғиштириш аёлларнинг иши. Боғ бундан мустасно, шницель¹ тўқмоқлаш эмас, болғалаш эр-какларнинг юмуши эди.

Уйимиз ҳар хил қурилишлар сабабли улкан бунёдкорлик майдонида айланганди. Отам боғ ёки уйдаги шароитларни янада яхшилаш йўлида тинмай бош котиради. Қўшимча хоналар керакми? Қани энди, зиён қилмасди. — Марҳамат.

Онам дунёга талпингани боис, ёзда асосан Бодензее билан Брегенцвалд ўртасида жойлашишни маъқул кўрган германиялик ва нидерландиялик дам олувчиларга хоналарни ижарага бера бошлади. Отам чордокни ҳам қуриб битиргач, йиллик ижара турувчилар, ойимнинг муаллим ҳамкасабалари, ёш-яланглар кириб келди.

1977 йилда онам учун дунё юз очди. Германиядан Пех² деган исми жисмига монанд, қоп-қора сочли, доим қора кийиниб юрадиган ижарачи келиб, бизникида яшай бошлади. Асли касби нима, ҳеч ким билмайди, лекин ўзи самимий, ажойиб йигит эди. Биз болалар кўпинча унинг Ovomaltine³сини билдирмай еб қўярдик. Диний сабоқларга эски суратли журналларни олиб боришимиз лозим бўлган пайтларда бошқалар телекўрсатувлар дастури чоп этилган ҳамда *Stadt Gottes* каби нашрларни кўтариб борса, мен *Stern* ёки *Spiegel* сингари расмий журналларни оборардим, чунки уларни ёш ижарачимиз ўқиб чиқиб, зинапоя остига ташлаб юборарди. Бир куни Пех чордоқдан тушиб келиб, тезда кетишим керак, аммо ижарага тўлагани пулим йўқ,

¹ Шницель — япроқ-япроқ қилиб кесиб, ёғоч тўқмоқча билан тўқмоқлаб пишириладиган котлет.

² Пех (Pech) — смола, сакич, қора мум, катрон, шунингдек, муваффақиятсизлик, омадсизлик маъноларини ҳам билдиради (нем.).

³ Ovomaltine — минни-форматда тайёрланадиган шоколад тури

радио билан ошхона плитаси сизларга, деб қолди. Отам рози бўлди. Ижарачи кетди. Орадан бир-икки кун ўтгач, полициядан одам келиб, уни сўради. Нимаймиш, RAF¹ аъзоси сифатида шубҳа остига олинган эмиш. Биз билмаймиз, у йўқ, кетган дедик.

Худди шу пайтда 2 июн ҳаракати (1970 йилларда Берлинда фаол иш олиб борган террорчи ташкилот – *тарж.*) аъзолари томонидан пайпоқ ишлаб чиқарувчи фабрикант Палмерс ўғирлаб кетилган – телефонда гаплашган шахснинг форарльберглик эканини акцентидан пайқаб қолишган. Овоз эгасини аниқлаш мақсадида маълум телефон рақами газетада берилди. Мен тўққиз ёшда эдим, қизиқиб ўша рақамни яширинча бир неча марта териб кўрдим. ҳар гал терганимда пароль менга сирли ва кулгили туюлаверди, канча уринмай, гап нимадалигини тушунолмадим. Кейинчалик телефон қилган абонентнинг волфуртлик ёш йигит эканлиги маълум бўлди, ана кўринг томошани. Ойим уни мактабда ўқитган экан, жуда яхши болайди, деди.

Ижарачимиз Пехнинг бир неча йил дом-дарағи чикмай кетди. Биз болалар барча қидираётган террорчи уйимизда яшаганидан ва унинг шоколадини билдирмай еб юрганимиздан ўзимизда йўқ хурсанд эдик, Волфурт RAFнинг махфий маркази бўлса керак, деб ўйлардик. Кунлардан бир кун кутилмаганда уйимизга Пехнинг ўзи кириб келди, уни кўриб бир оз хижолат бўлдик. Отам уни полиция суриштирганини айтганди, у бепарво қўл силтади. Айтишича, уни тезда топиб олишган ва тез қўйворишган, бу 1977 йилги жазавалардан бири эди. Отам буни эшитиб, енгил тин олди, менинг эса бир оз ҳафсалам пир бўлди.

Болалигим ҳам аста-секин ўз ниҳоясига етиб борарди. Дадам шу пайтгача – ташаббус кўрсатиши лозим бўлган давргача яхши ва бахтли ота эди. Энди эса вояга етаётган болалари билан иши йўқ, ахир у ўсиб келаётган фарзандларини бир нимага қизиқтириши, руҳлантириши керак

¹ RAF (Royal Air Force) – Буюк Британия Ҳарбий-Ҳаво кучлари (ингл.).

эди-ку. Бирок бошқаларни ўйлаш унинг табиатига ёт эди. Яхшиси, ортга чекиниб, кишлоқдаги одатий тирикчилик ташвишларига кўмилиб юраверарди.

Эшитганим бор, грек тилида “ватан” ва “одат” сўзлари маъно жиҳатидан бир-бирига яқин экан.

Телефон жирингласа ҳам, отам қимир этмасди. Биров ундан бир нима сўрашини тасаввур ҳам қилолмасди. “Бу аниқ менга эмас”, дерди у. Почтальонни ҳам кутмасди. Нега кутади? Ахир уни қизиқтирадиган ҳеч нима олиб келмаса.

Бора-бора отам билан ўртамизда бир-биримизни боғлайдиган ҳеч нарса қолмаганини ҳис эта бошладим. Бирок ёшлик гурури билан ота ихтиёрига қарши боришнинг имкони бўлмагач (у ҳеч қачон бировга хўжайинлик қилишни истамаган), бунинг ўрнини босаоладиган йўл топдим – отамнинг жоҳиллигига, нодонлигига қарши исён кўтардим; одатда ота-она назоратида ё бир нима етишмайди ё бир нима кўпайиб кетиб, ортикчалик қилиб қолади. Мен унинг лоқайдлигини юзига солдим. У бу “айблов”га қўшилмади, бундан жаҳлим чикди, мен уни тушунолмадим ва шунинг учун ҳам мурса қилишга кучим етмади. Ниҳоят, овора бўлиб ўтириш бефойда дедим-да, уни “рўйхат”дан ўчирдим. Чунки ўзимнинг муаммоларим ҳам етиб ортарди. Бу тўғрику-я, аммо айни чоғда баҳонаям эди, негаки энди ёшимга мос равишда қизиқишларим ҳам ўзгариб қолганди. Не тонг, ўшанда отам билан орамиздаги келишмовчиликлар келгусида бир қадар қисқариб қолар, деб умид ҳам қилолмасдим. Зеро, отам энди мен учун унчалик муҳим бўлмай қолган, менга энди барибир эди.

Мен фақат бир нарсани – ундаги ўзим ёшлигимдан гувоҳ бўлган кенг фикрлиликини, унинг бошқалар тўғрисида енгилтаклик ёки ичиқоралик билан сўз юритмаслигини тобора катталашиб бораётган масофадан туриб бўлса-да, кадрлар эдим.

Отам энди кўп вақтини ертўлада – ўз устахонасида ўтказарди. У ерда у бир нималарни ўйлаб топар ёки бўлмасам кун бўйи паришон бир алпозда чексиз ўй-

хаёлларга берилиб ўтирарди. Бошқача қилиб айтганда, у ерда у ўз ҳаётини ташки воқеа, ҳодисалардан “сақлай” оларди. Устахона унинг учун том маънода бошпана ва табиий ватанга айланганди. У ердаги ишлардан эса ҳали-ҳануз ҳайратга тушаман. Етмишинчи йилларда у ертўланинг пастаккина шифтига каттакон, кенг тахтани ёғоч мих билан маҳкамлаб, тахтага ёш болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат сақланадиган шиша банка қопқокларини пастдан банка тушадиган қилиб чиройли, батартиб бир тарзда бураб ўрнатган. Рўзғорда керак бўладиган нимаики майда-чуйда нарса бўлса, ҳаммасини саралаб, тур-турига ажратиб, ўнлаб банкаларга жойлаган-да, уларни шипга якқол кўзга ташланадиган қилиб “осиб” чиққан. Ана энди кимга нима керак бўлса, етўлага тушиб, излаган нарсасини қийналмай дарров топиб оладиган бўлган.

Оиламизда гоҳида шундай савол-жавоблар ҳам бўлиб турарди:

- Дадам қаерда, кўрмадингми?
- Устахонасида бўлса керак.
- У ерда нима қилаётганикин?
- Яна тагин бўлмагур нарсаларни ўйлаб топаётгандирда.

Ўша пайтларни эсласам, шунга ўхшаш гап-сўзлар тез-тез бўлиб турарди. Биз, уйдагилар отамнинг паришонхотирлиги боис ўз “устачилик”лари билан (ертўлада пармалаш дастгоҳи ишга тушса, телевизор экрани хиралашар ёки доимий тарақ-туруқ болаларнинг дарс тайёрлашига, ўқиш-ёзишига ҳалақит берарди) оиламиз ҳаётига раҳна солмаса дердик. Ўзим ҳам отамнинг касаллик сабабли фаромушхотирликка берилишига ва бунинг оқибатида ҳаётимга путур етказишини хоҳламасдим. Очиғини айтганда, у хасталик бошланган пайтда ҳам Робинзон Крузога ўхшаб автоном ҳаёт кечиришда давом этарди – оила унинг учун (сахна ортидаги) денгиз, шамол, ўрмон ва эчкилар ҳамда *my man Friday* (содик хизматкор) эди.

Робинзон Крузо отам ўз ҳаётида ўқиб чиққан бирданбир, ягона роман эди. Жаҳон адабиётининг у қадар

машҳур бўлмаган ушбу романида муҳаббат эмас, балки ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш ғояси асосий мотив қилиб олингани учун ҳам уни қайта-қайта ўқиб чиққан. Ўзининг биринчи автомобили – 1934 йилда чиққан, томи кўтариб, қайтариб қўйиладиган Sabrio енгил машинасини отам Робинзон дея эъзозларди. Уни 1955 йилда, уйланмасдан анча илгари сотиб олган, ўша йили шу машинада дўстлари билан икки ёки уч кунга жанубий Тирол (Австриядаги тарихий ўлка, вилоят – *тарж.*)га бориб келган эди.

* * *

Саксонинчи йиллар шитоб билан илгарилаб борарди. Ота-онам ҳали ҳам оилавий тотувлик даражасига етиб боришмаган, аксинча, ўтган вақт ичида улар орасидаги тафовут янада чуқурлашиб кетган, уйда оғир кайфият ҳукм сурур, болаларнинг балоғатга етиши натижасида оилавий парокандалик баттар авж олаётганди. Оилада якдиллик, ҳамжиҳатлик устувор бўлмагач, унинг ҳар бир аъзоси ўзини худди бегонадек ёлғиз ҳис қилиб, ҳадемай ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди.

Йозеф амаким бир вақтлар шундай деганди:

“Бизнинг уйда ҳам ғалати вазият ҳукм сурурди. Агар мактабда бирон муаммо бўлса, уни ҳатто ака-укага ҳам айтилмас эди. Мабодо кимдир хурсанд бўлса ҳам, ҳеч кимга билдирмай, хонасига чиқиб, у ерда ўзича сакраб, ирғишларди”.

Мен ҳам уйимиздаги ҳозирги вазиятни худди шунга ўхшаш деб ҳисоблардим. Ўзим ҳам фақат намоишкорона чекланишгагина мослаша олардим, холос. Охир-оқибат ҳамма бир-бирининг жонига тегди, ҳарҳолда мен шундай деб ўйлардим.

Гимназияни битирган пайтимда оилавий келишмовчилик оиламиз аъзоларининг руҳий ҳолатига ҳам сезиларли даражада салбий таъсир кўрсата бошлаган эди. Шукурки, бу жараён бошқа такрорланмади, орадан йиллар ўтиб, вазият ўнгангач, ўзимиз бунинг гувоҳи бўлдик.

Отамнинг хотирасидан-ку, бу воқеалар батамом “ўчиб” кетган, менинг кўз ўнгимда эса ҳамон элас-элас акс этиб туради. Ота-онам мактабда ўкиб юрган пайтларимда мени деб оз-моз тортишиб қолар, бундан ойим изтироб чекар, рухий босим остида қийналарди. Нега ойимнинг кўпинча кайфияти ёмон бўлиб юришини энди-энди тушунгандекман. Гимназияни битириш тантанаси арафасида ҳам уйда жанжал бўлиб ўтган ва тантанада ҳамма ўқувчиларнинг ичида ёлғиз мен кўйлақда эмаслигимдан ойимнинг жаҳли чиққан эди. Шунда дадам мени бир четга чақириб, ўзига хос вазмин оҳангда мен билан вазиятни муҳокама қилиб, кельнер(ресторан хизматчиси – *тарж.*)дан кўйлақ сотиб олиб берсам, нима дейсан, ўйлаб кўр, деди. Кителининг ички чўнтагидан ҳамёнини (унда ўша фотосурат ҳам бор эди) чиқариб, пули борлигини кўрсатган бўлди. Одатда ҳар бир кельнернинг ҳар эҳтимолга қарши жавонда эҳтиётдан олиб кўйилган кўшимча кўйлаги бўларди, чунки мижозларга хизмат кўрсатаётганда ёки таом ташиётганда у-бу тўкилиб кетиши ҳам мумкин эди. Дадамга гўё у ойдан тушгандек тикилиб қолдим, келиб-келиб кельнер кўйлагини кияманми, деб таклифини рад этдим. Ҳозир ўша кунларни эсларканман, дадамнинг таклифи ойимга нисбатан муроса юзасидан бўлганини эътироф этгим келади. Орадан бир неча кун ўтгач, олий ўқув юртида ўқиш учун Волфуртдан жўнаб кетганман.

Сен учун ҳаётда энг муҳим нарса нима, дада?

Билмадим. Кўп нарсаларни бошдан кечирдим. Лекин муҳими нима экан?

Бирон нима эсингга келмаяптими?

Муҳими, атрофингдагилар самимий бўлишсин. Шунда кўп нарсалар олга силжийди.

Нимани унчалик ёқтирмайсан?

*Бировнинг кетидан эргашишини. Агар мени гижгиж-
лашса, ёмон кўраман.*

Сени ҳозир биров гижгижлаяптими?

Ҳозирми, йўқ.

Етмишинчи йилларнинг охири. Совук ёки серёмғир кунларда биз, болалар ошхонадаги стол атрофида ўтир-волиб, ҳаёт ўйинини ўйнардик. Бу – иқтисодий муваффақиятга йўналтирилган, стол (тахта) устида ўйналадиган беозор ўйин бўлиб, уни болалар ўн ёшдан бошлаб ўйнашарди. Стол устига инсон ёши ва умр боскичларига тааллуқли турли-туман расмлар чизилган, толе, омад ғилдираги юргизилса бас, у ҳар хил йўл ва йўналишлар бўйича гир айлана бошлайди: ўқиш, саёҳатлар, уйланиш, ютуқ, муваффақият, кониқарсиз муваффақият, қурилиб, ёниб битган уй-жойлар, касбий муваффақиятсизликлар, нефть кони, самарасиз мавҳум фикр юритишлар, кумуш тўй, пенсияга чиқиш ва ҳоказо. Биз ўшанда ўйин, бу – олдимизда турган ҳаёт йўли эканлигини билмаганмиз, йиқилиб қолиш ёки олға бориш ҳақиқатан ҳам кўпинча омадга боғлиқ эканини тасаввур ҳам қилолмаганмиз. Кимдир бахтсиз ҳодисага дучор бўлса ёки касал бўлиб, ётиб қолса, унга шунчаки ичиқоралик билан кулиб кўяколганмиз.

Отамнинг йўл топиб юриш, ўзининг қаердалигини билиш лаёқати кун сайин сустлашиб борарди. Баъзан кечалари ўрнидан туриб, пижамада чиқиб кетган кўйи бемахалда кезиниб юрар, кўни-қўшнилари ҳам бевақт безовта қиларди. Шу боис бирон қор-қол бўлмасин деган хавотирда суткалик назорат ташкил қилиб, зинапоёга олиб чиқадиغان эшикни тамбалаб қўядиган бўлдик.

Уйимизга келган словакиялик аёллар отамнинг кун тартибига ойдинлик киритишди. Шу пайтгача эрталаблари ётоқхонасига кириб-чиқиб юрган ҳар турли одамлар уни довдиратиб қўйишганди, чамаси. Энди эса унинг кайфияти, руҳий ҳолати анча яхшиланди, кўнгли кўтарилиб,

кўз ўнгимизда яшнаб, очилиб кетди. Касаллик давом этиб борган сайин муътадиллашиб, отам учун энди деменциянинг олтин асри бошланганди.

Шуниси қизиқки, деменция билан оғриган беморларнинг ҳеч қайсиси бир-бирига ўхшамайди, умумлашмалар ўта мавҳум, ҳар бир касал моҳиятан сирли, ғалати бўлиб, хасталик ҳам ўзига хос тарзда кечади. Отамга келсак, жараён секинлик билан борар, дард унга қанчалик кам билинса, кайфиятига таъсири ҳам шунчалик суस्ताшиб қоларди. Касалликни эмин-эркин ҳис қилгани учун энди ундан унчалик қўркмас, тақдирга тан бергани туфайли унда ижобий нуқтаи-назар шаклланган эди.

Уй ичида довдираб кезишлари ҳам камайди. Албатта, ҳалиям уйга кетаман дейишини қўймасди, бироқ бу ис-так илгаригидек ваҳима аралаш эмас, балки ҳаёт ҳамиша ғурбатдан иборат, шунинг-чун ғам чекишга арзимамайди, деб фикрлайдиган одамнинг овозига хос оҳангда янграрди.

– Ҳозир мен уйга кетаман, – деб қолди у бир куни. Афтидан, бирга борадиган ҳамроҳини кутавериб чарчаганди. – Мен билан бирга борасанми ё шу ерда қоласанми?

– Мен шу ерда қолмоқчиман.

– Яхши, унда ўзим ёлғиз кетавераман. Бу ерда кутиб ўтиргандан нима фойда, ким билади, ҳали ноябрда кетишнинг ўзи бўладими. Балким яна бир нима тўлашга тўғри келар. Ягона имконият – ҳозироқ кетиш.

– Ҳа, борақол.

– Кетсам бўладими?

– Кетаман десанг, марҳамат, рухсат.

– Яна бир гап – оила аъзоларимни ҳам олиб кетсам майлими?

– Албатта, обкетақол.

– Яхши, раҳмат. – У яна нималарни олиб кетсамикин, деган ҳаёлда ён-верига қаради, сўнг мамнун ҳолда деди:

– Менга қарашли ҳеч вақо қолмабди-ку.

Ниҳоят, у менга яқин келди, юз ифодасидан вазият унга бир оз ноқулай эканлиги сезилиб турар, нимагадир иккиланар, охири муаммони яширмай айта қолди.

– Менга манзилни бермайсанми? Ё бошқа гапинг борми? Айтмоқчиманки, юкори кўча бўйлаб тўғри юрсанг, уйга кўзинг тушади, демайсанми.

Шу топда унинг ёрдам сўраб мурожаат қилишини кўриб туриб, кўнглим бузилди.

– Шошма, – дедим унга, – фикрим ўзгарди, мен ҳам бораман. Ярим соатгина кутиб тур, ёзув-чизувимни тугатиб олай, сўнг бирга борамиз.

– Қаёққа? – сўради у.

– Уйга-да. Менинг ҳам уйга боргим келяпти.

– Ростданми?

– Ҳа-да. Бироқ сен аввал озгина дам олиб, куч йиғволишинг керак.

– Шунақа узоқми?

– Ҳа, узоқ. Лекин биз бирпасда етамиз.

– Чинданам бирга борасанми?

– Албатта.

– Аниқми?

Унинг қўлини олиб, маҳкам қисдим.

– Бўлмасам-чи.

Бу унинг кўнглига мос жавоб эди. Шу заҳоти юз-кўзи яшнаб, қўлимни тутди:

– Раҳмат!

Шундан сўнг ёнимга, стол атрофига ўтирди. Окшомимиз хайрли ўтди. Дадамни вақтида ўрнига ётқиздик.

Ажабо, у мени кўпинча укаси Паулга ўхшатарди. Барибир эмасми, у ҳам бегонамас, дердим ўзимча. Эрталаблари мен билан худди хиргойи қилгандай чўзиб саломлашарди:

– Салом, ўзимнинг ажойиб у-ка-ги-на-а-ам...

Баъзан укаси Паулни “ўрмон назоратчиси” деб тасаввур қилар, гап орасида кўшиб қўярди:

– У шоир ва мутафаккир ҳам.

Энди илгаригидек ўзича тез юролмас, шунинг учунми, кўпинча уй ёнидаги девор устига чиқиб ўтирар ё бўлмасам айвонга бориб, қишлоқни томоша қиларди. Шунда унинг мен томонга ўгирилиб, йўл-йўлакай суҳбат бошлашини кутардим. Очиғини айтганда, орамизда ўзи ҳалигача тасо-

дифий гурунглардан бошқа нарса бўлган эмас. У мени ҳеч қачон *ибодатга* ўзи билан бирга олиб бормаган, менга ҳеч қачон маслаҳатлар бермаган. Мен унинг педагогик муҳим мавзуда бирон-бир ваъз-насихат қилганини эслолмайман. Унинг афзал кўрган “машғулот” атиги об-ҳаво тафсилотлари ҳамда ландшафт ўзгаришлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалардан иборат бўларди, холос. Агар у дарахтларнинг ола кўланкасида турган бўлса, ҳамма ишлар жойида деб ўйлаш мумкин эди.

Гоҳида менга орада қолган вақт ниҳоятда қисқа бўлиб кўринарди. Биз келаси йили ва ундан кейинги йилда қаерларда бўларкинмиз? ўйлардим ўзимча. Икки ёки уч йил – битта роман устида тахминан шунча вақт ишлашим мумкин эди. Уч йил, ана шу вақт ичида отам мен учун *ганимат* туюларди. Шунинг учун Форарльбергга имкони борица тез-тез келиб турдим. Унга қараб турган аёлларга тушдан кейин жавоб бериб, дадам билан ёлғиз қолиб вақт ўтказдим.

Баъзи кунлар ниҳоятда тинч, хотиржам ўтарди. Сукунатга кўникмаганим учунми, қулоғимга бир бало бўлдимикин, деб ўйлаб ҳам кўярдим. Ёзаётган пайтимда отам рўпарамда соатлаб ўтирарди. Қўлларини стол узра юргизаркан, дам тез, дам бир маромда нафас олар, гоҳида газета тахламлари кўйилган жойда куймаланар, умуман олганда ўзини вазмин ва хотиржам тутарди. Гоҳ у савол бериб, суҳбатлашиб қолардик. Баъзан ён томонимда турган кўйи ноутбукка назар ташлаб, ёзганларимни ўқий бошларди. Дарвоқе, ёзаётган нарсаларим уни қизиқтирармикин? Бу ҳақдаги саволимга шундай деб жавоб берганди:

– Ҳа, кўп эмас, оз-моз қизиқтиради.

Сўнг яна ўз жойига ўтиради. Юз ифодаси ўзгаради, энди гўё хаёл сураётгандай туюлади. Шу паришон ҳолатида у менга мўйсафид бўлиб кўринади. Гўё бундан бошқа зарур иши йўқдай бармоқларини ўйнатаркан, мабодо ёрдам-пордам керак бўлса, тортинмай айтавер, дейишни ҳам унутмади.

– Афсуски, – давом этди у, – энди илгаригидек яхши натижаларга эришмоқ қўлимдан келмайди, куч-қувват ҳам қолмади ҳисоб. Сенга кўпам ёрдам беролмасам керак.

– Йўқ, сен менга ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ ёрдам берасан.

– Ундай дема! – деди у.

– Йўқ, сен менга жуда кўп ёрдам бера оласан.

– Шу деганингга ҳам раҳмат, барака топ.

– Тўғри-да.

У бир зум ўйланиб қолди, сўнг:

– Ундай бўлса, маълумот учун қабул қилдим.

Хонада ўзи ёлғиз ўтирган пайтларда, у кўпинча кўшик айтарди. Шу кетиши бўлса, тўксонга кирса ҳам ажабмас, деб ўйлардим. Ахир унинг яшаши соғлом турмуш тарзининг худди ўзи эди-да. Ҳар куни батартиб овқатланар, кўшик айтар, сайрга чиқар ва узоқ ухларди. Жума куни гўшт беришмасди; унга қарайдиган словакиялик назоратчилар бунақанги нарсаларга жуда эътибор беришарди. Агар Петер билан оиласи бир кун олдин бориб келган бўлса, якшанбада отамни черковга олиб боришарди.

Куйлаётганда у ҳазиллашибми, матнларни ўзгартириб юборарди. Гапираётганда-ку кўяверасиз, топқирлиги хаддан зиёд ошиб кетар, гўё ўсиб, қалин бўлиб кетган боғ ягана қилингандан сўнг очилиб кетгандай, илгариги қувлиги, муғомбирлиги яна қайтадан намоён бўла бошларди.

– Бунақа нарсалар билан ҳам қисман шуғулланганмизда, – дерди у. – Қисман, бу жуда кўп эмас, балки ниҳоятда кам деганим.

Унинг ифода усулидан мутаассир бўлиб, шу топда ўзимни сўзларнинг сеҳрли куч-қудратига дахлдор ҳис қилдим. Жеймс Жойс ҳам ўзида ҳеч қандай фантазия йўқлигини, шунчаки тилнинг имкониятларига ишонишини айтиб ўтган экан. Отам ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин эди. Масалан, *келажак* сўзини у *лакежак* деб ўзгартирар, мен ифодалаган *лотин охири* иборасини бутунлай “ағдариб”, *лотин охири* эмас, балки ум-

рининг охири яқинлашганини англатмоққа уринарди. Шу аснода сўзларга шундай урғу берардики, уларнинг фонетик яқинлиги ҳаммага бирдек тушунарли бўларди. Мисол учун, *pressant* (шошилинич) ва *pressiert* (ошиғич) сўзларини давай ҳамда *бистро* билан бир-бирига қиёсан қўлларди. Мен ҳали эшитмаган бир талай эски иборалар ҳам эътиборидан четда қолмасди:

Чойшабни ҳар қанча тортганинг билан, у каттариб қолмайди.

Доим қоқиниб юрадиган одам йиқилмайди.

Ошингга паиша тушдими дейман, анқаясан.

Мабодо бирон-бир сўз эсига келавермаса:

– Унга (сўзга) нима деб от қўйсамикин, – деб қўярди.

Оғзидан сўзлар осон, енгил, лак-лак кўчарди. Сира ҳам зўриқмас, хаёлига нима келса, шуни гапираверарди. Хаёлига келган нарсалар эса наинки ажойиб, ўзига хос, балки теран маъно ҳам касб этарди. Буни кўриб: *Нега шунақа нарсалар менинг эсимга келмайди!* дердим ва ундаги аниқ ифода, оҳанг уйғунлиги ва сўзларни моҳирона танлай олишидан таажжубга тушардим. Бир куни:

– Менга қара, сен билан икков биргаликда ҳаётимизни иложи борица ёқимли, кўнгилли қилаоламиз, башарти бу қўлимиздан келмаса, унда биримиз бурун тортиб, қуруқ қолишимизга тўғри келади.

Мана шундай лаҳзаларда у касаллик кулбасидан чиқиб келиб, тоза ҳаводан нафас олаётгандай, бир зумда ўзига келиб қолгандай туюларди. Бундай бахтиёр дамлардан завқланиб кетардик, чунки улар хасталикдан “юлиб” олинган бўлар, ажойиблиги ҳам ана шунда эди.

– Фикри ожизимча, аҳволим яхши, – дерди у шунақа пайтларда. – Мен энди қариб қолдим, энди ўзимга ёққан ишни қилишим керак, кўрайлик-чи, нима бўларкин.

– Хўш, нима иш қилмоқчисан, дада?

– Ҳеч нима. Биласанми, у жуда ажойиб иш. Қўлдан келса бўлди.

У ўз дардини ё яхши англамасди ёки ўзига унча оғир олмасди. Кўп қон йўқотиши оқибатида сийдик чиқиши на-

тижасида қовукда шиш борлиги маълум бўлгач, бир оз саросимага тушди. Кейин яна ҳаммаси яхши бўлиб кетди, бунга ўзи ҳам ҳайрон қоларди. Фақат операциядан кейин наркоз таъсирида ҳамда теварак-атрофдаги нотаниш жойларни кўриб, озгина гангиган, холос. Кўп ўтмай, шифокорлар уйга жавоб берганидан ҳамма хурсанд бўлган. Уйга келганини ҳатто ўзи ҳам билган, бу албатта, яхшилик аломати эди.

Касалхонадалик пайтида унга Даниела қараб турган. Оғрик пайдо бўлганда, Даниелага юзланган, у эса ёрдам беролмаслигини, лекин ҳар доим ёнида бўлишини айтган. Шунда у:

– Ёнимда бўлсанг бўлди, шунинг ўзи катта ёрдам, – деган.

Кексаларга хос бўлган диабет (кўп сийиш) касали ҳам ташҳис пайтида аниқланган. Отам ҳар куни ғалати қиликлар қилиб, атрофдагиларни ҳайрон қолдирган. Ҳар қандай катта ҳақдорини ҳам суюқликсиз, афтини бужмайтириб ютаверган, ютиб бўлгандан кейингина оғиз чайкаган.

Орадан маълум муддат ўтгач, у телевизорни бошқа бир воқелик сифатида идрок қилолмай қолган. Кўзига дам нотаниш хоналар кўринса, дам у ерга автомобиль кириб келган.

– Бу ерга мошин қандай келиб қолди?

Рождество байрами арафасида уйда кекс еб ўтириб, ўрнидан турган-да, телевизор олдида бориб, янгиликларни ўқиётган суҳандонга “кексдан олинг” дея манзират қилган. Суҳандон эътибор бермагач, энди гусарча кулча нонни олган, суҳандоннинг кимирлаётган оғзига яқин обориб, татиб кўришга ундаган. Суҳандон бу гал ҳам лом-мим демаган. Унинг “қўполлиги”дан отамнинг бир озгина жаҳли чиққан, холос. Мазкур воқеа умуман қулгили бўлса-да, лекин бизни хийла хавотирга солиб қўйди.

Ҳақиқатан ҳам касаллик отамизни энди ҳар турли ғалати ҳолатларга соларди. Бундай дамлар кўпинча қисқа бўлса ҳам, лекин бемор ўзини яхши ҳис қилмаётганидан

далолат берарди. Унга доим кўз-қулок бўлиб турганликларига қарамасдан тез ўзгарди-қўйди.

Назоратчи аёлларнинг баъзи бирлари билан у бир жон-бир тан эди, айримлари эса уни ишончли қўлларда эканига ишонтиролмасдилар. Шунда у довдираб, ўз-ўзидан ваҳимага тушар, қўрқувдан ўзини кўярга жой тополмай қоларди.

– Ўқ отишяпти, пана жойга ўтишимиз керак! – кичкирарди у. – Швейцарияликлар яна бизга қараб ўқ отишяпти!..

* * *

Катта ҳовлидан кулранг-кўнғир тус тутун кўкка ўрлайди – Роберт амаким ароқ тайёрлаш билан банд. Эрих амаким тушдан олдин челақ билан белкуракчани олиб, дала-қирдаги эман ниҳолларига белги қўйиб келди. Ёзув столим оша камин(ўчоқсимон печь)га назар ташлайман. Унинг ортидаги ёнғоқ дарахти дам тутаб, дам лангиллаб ёнаётган оловда жимиллаб кўринади. Кун салқин, осмонда ҳарир булутлар сузади. Бир тўда кизилтўш(сайроқи қуш)лар ҳовлидаги хўжағат (малина) бутаси орасида тимирскиланиб, емиш қидиради.

Бир соатдан буён *Ҳаммаси Зали ҳақида* номли асарим устида ишлаб ўтирибман. Чети учган пиёлада қахва ичиб тургандим, қўл телефоним жиринглаб қолди. Отамга қараб турадиган аёллардан бири – Мария экан. Айтишича, унга душга кириб, ювиниб ол, деган, сўнг нима иш биландир ташқарига чиққан, қайтиб келса, ювиниш ўрнига, ваннахонани ичидан бекитволиб, чиқмай ўтирганмиш. Ўзим бориб, илтимос қилганимдан сўнг, эшикни очди. У эғнида узун шим, енгсиз оқ ички қўйлак, ванна курсисида бадани шалпайиб ўтирарди. Жаҳл устида бўйнига иккита сочиқни устма-уст ўраб, бир қўлида узун дастали чўтка, бошқасида эса тирноқ оладиган қайчи-қискични эгови очик ҳолда ушлаб олган. Салтанат ҳассаси ва қилич – унинг ҳозирги кўриниши ҳеч қайси қиролдан қолишмасди. Фақат юз-кўзларида телбалик муҳри зухур эди.

– Мен билан бирга телевизор кўрмайсанми? – сўрадим ундан.

У мен томонга қарамади ҳам, қовоғини солиб, гўё бугун нима бўлсам бўлди дегандай, хезланиб тураверди. Афтидан, кўзига йўқ нарсалар кўринар, эшитилар, тез-тез душ тарафга қараб қўяр, шу аснода худди *бошқаларнинг* адабини бериб қўймоққа қасд қилгандек эди.

Қўлидаги катта чўтка билан эговни ҳадеб силкийвергач, гапнинг рости, нима қилишни билмай қолдим. Уни кўркув ҳиссидан халос қилиш ўрнига адашиб кетиб, сени ўзим ҳимоя қиламан, *бошқаларни* эса ҳайдайман, дея чалғитмоқчи бўлдим. Бефойда. У ҳамон таҳликада, бошини ичига тортиб, дам чапга, дам ўнгга олазарак боқарди. Қўлидан чўткани олмоқчи бўлгандим, уни менга қараб ўқталди. Кўрқиб кетиб, унга қараб бақирдим:

– Нима бало, жинни бўлдингми! Кимсан, ҳамма танийдиган жамоа котиби бўлсанг, уят эмасми?! Бунақа қилиқни сенга ким ўргатди?! Ҳарқалай, онанг ўргатмаган бўлса керак! Бизларга – ўз болаларингга ҳам бунақа бемаъниликни ўргатмагандинг, тўғрими?!

Унга қараб устма-уст ёғдирган “панд-насихатларим” қор қилди шекилли, менга хижолатомуз қараб қўйди-да, қўлидаги чўткани ерга қўйди ва эговни олишимга монелик қилмади. Энг ёмони ортда қолди. Кўйлакни кийгазиб, уни телевизор олдига бошладим. У энди жаҳлдан тушган, кўринишдан қувноқ, ҳазил-ҳузулга мойил эди. – Бу пайтда Мария ўз хонасида йиғлаб ўтирарди. У нақ бир соат овора бўлиб, гапига киргизолмаган, бунинг устига, қўлидаги узун дастали чўткани кўриб, кўрқиб кетган бўлса ҳам эҳтимол.

Ҳелгага қўнғирок қилдим, у бунақа мушкул вазиятларда нима қилишни яхши биларди. Келиб, Мариянинг ҳолидан хабар ол, дедим. Ўзим эса оқшомни отам билан бирга ўтказдим. Унинг биринчи марта шундай тажовузкор бўлиши эди. Кейин эса, гўё мени ташвишга қўйганини сезгандай, буни унутиш учун бўлса керак, бутунлай ўзгариб,

кувноқ ва самимий бўлиб қолди. Бу гал бизни дўзах олови салгина куйдириб ўтганди, холос.

Аммо бундан кейин аҳволимиз не кечади, бунини ҳозир билолмасдим. Бундай хатти-ҳаракатларга отам энди кўпам йўл қўймаса керак, деб ўйлардим. Унга қараб турган аёллар ҳам энди анча хушёр бўлиб қолишган, ҳаттоки у менинг ўзимни ҳам қўрқитган, кўзимга зўравон руҳий касал киёфасида кўриниб кетганди.

Менимча, ундаги субъектив сезги шундай кечган бўлса керак: Бу хотин ўзи мендан нима истайди? Душга тушишимни? Йўқ, ҳийла-найрангдан бошқа нарса эмас бу! Бегона шахс команда қилишига тек қараб туролмайман. Тагин немисчани бузиб гапирса, бу ҳам етмагандек, менга буйруқ бериб, туртгани-чи. Йўқ, бу шубҳали, бу ерда бир гап бор.

У Братислава яқинидаги ўша омборхонани, у ердаги совет ҳамшираларини нафрат билан эсларди, чунки парвариш қилиш ўрнига нукул буйруқ беришаркан. Эҳтимол, шу нарса кутилмаганда эсига тушиб, сўнг юзага қалқиб чиққандир. Билмадим. Ҳарҳолда, унга қараётган назоратчи аёллар Словакиядан, яна айнан Братиславадан Волфуртга келганликлари ғаройиб тасодифнинг ўзи эди.

Ўша окшом *Ҳазилни тушунасизми?* деган кўрсатувни бирга томоша қилдик. Отам ҳам азбаройи қизиқиб қолганидан гоҳо *бўлмагур гап* дея кулиб луқма ташлар, мен эса бўлаётган воқеаларни ноутбукка ёзиб ўтирардим. Марияга дам олсин, деб жавоб бервордим. Уйини соғинганми, кўп ўтмай, ишдан бўшаб кетди.

Худди ўша кўрсатувдамиди, ҳозир аниқ эсимда йўқ, катта бир меҳмонхонада лифт ишламай қолади. Лифт чироғи тўсатдан ўчиб, бир неча сониядан сўнг, ёнади. Қарашса, бир ёш йигит йўқ, фақат сумкаси турибди. Кўпчилик йўловчилар бундан даҳшатга тушишибди, бир аёл бўлса, кулгидан ўзини тўхтатолмай, қотиб-қотиб қулармиш...

Агар отам билан галлюцинация содир бўлган бўлса, унинг миясида ҳам аниқ шундай ҳолат рўй берган, яъни

“чирок” зумга ўчиб, вазият тўсатдан ўзгарган бўларди. Ақл бовар қилмайди! Шундай ғалати воқеалар доимий равишда содир бўлиб турадиган мия муқаррар тарзда “тревога” ҳолатига тушиб қолган бўлса керак.

Орадан бир неча ҳафта ўтгач, Эмилнинг турмуш ўртоғи бўлмиш Ҳедвиг холам билан суҳбатни магнитофонга ёзиб олдим. Холаваччам Мариянинг Катарина исмли қизи бор эди. У юкумли грипп (тумов) билан қаттиқ оғриб, шол бўлиб қолади, бечора фақат кўзларинигина қимирлата оларди, холос. Тузалиб кетгач, бошидан ўтказган оғир дард билан боғлиқ даҳшатли тушларини коғозга туширади. Шу воқеа баҳона бўлиб, Ҳедвиг холам билан отам ҳақида суҳбатлашиб қолдик. Холамнинг ҳикоя қилишича, отам бир куни Стефан исмли амакиваччам билан бирга сайрга чиққан, ўзаро суҳбат чоғида ҳаёти ҳамиша дуруст кечганлигини айтган экан. Шунини эсларкан, Ҳедвиг холам бунақа фикрни ниҳоятда кам одамдан эшитганини таъкидлади. Ҳарбий асирликдан озод бўлиб, уйга қайтгач, Август менга кўрсатган фотосуратни қачонки кўз олдимга келтирсам, бу фикр янада ойдинлашади, деди у.

Ўша сурат отамнинг ҳамёни билан бирга йўқолиб кетганидан афсусландим. Шунда Ҳедвиг холам:

– Э, шошма, Арно, бизда ўша суратнинг нусхаси бор. Билмадим, бизга қандай келиб қолган, аммо нусхаси бор. – деб қолди.

– Аниқми? Мен суратни тасвирлаб бердим.

– Ҳа, аниқ. Истасанг, қидириб топаман, эртагаёқ опкелишинг мумкин.

Эртасига суратни опкелдим ва нусхадан нусха кўчирдим. Асл нусха ўзимда қолди; у қалбимга яқин ашёлардан бирига айланган.

Орқасидаги белгидан билдимки, Эмил суратдан ўзи ва отам анча ёшга бориб қолган пайтда – 1995 йилга келиб, нусха олган экан. 1995 йил – икир-чикир ва сир-синоатлардан иборат бутун кўнгилсизликлар худди мана шу даврда бошланган эди.

Биласанми, мен ҳам қариб, ёш бола бўлиб қолдим. Сен эса ҳали сакраб юрган шумтакасан.

Шундай бўлса, бордир.

Ҳа, анча қариб қолдим.

Бироқ қариган чоғда ҳам кўп нарса ўрганса бўлади.

Йўқ, мен ўрганадиган деярли ҳеч нарса қолмади ҳисоб. Ва тез орада – тез орада – тез орада кириб-чиқиб юришни ҳам бас қилсам, жуда хурсанд бўлардим. Яхшиси, озгина ғимирлаб турсам бўлди, ортиқ ҳеч нима керакмас.

Хоҳлаганингча ҳеч нима қилмаслигинг мумкин.

Кошкийди. Агар билсанг, доим бир нималарни йиғиб, тегиб юраман. Аммо яқинда бас қилмоқчиман.

Томтарнов қувуридан кулқиллаб сув оқади, унинг лоқайд, сохта мафтункор шовқини тиним билмайди. Ота, ёмғир ёғяпти, дедим. У дераза томонга қараб, сўз қотди:

– Эҳ, ёшлик чоғларим қандоқ гўзал замонлар эди, биласанми, ёшлигимда ташқаридаги жойлар ҳам гўзал бўларди. Ҳозир эса бирам маънос, бирам ғамгин...

Унинг вақт туйғуси ҳали буткул йўқолмаган, *соат-дек “чиқиллаб” юриши жойида эмасди, холос.* Қизиқ, у ўз қобилият, лаёқатларининг сусайганини билар, бу мавзуда ўзи ҳам тез-тез гап очар, аммо кундалик нарсаларга келганда, ожизлик қилиб қолиши таажжубланарли ҳол эди. У оч қолганини ёки чанқаганини ҳам билмас, ҳатто ейиш-ичишдек оддий ишни эплаши қийин бўлиб қолганди. Бир куни олдида турган ликобчадаги нонни нима қилишни билмай, мендан маслаҳат сўраб қолди.

– Нима қилардинг, тишлаб ейсан, – дедим унга.

Шундан кейин ҳам нима қиларини билмай, маҳзун жавоб қайтарди:

– Ҳа, кошкийди билсам. Шунақа ношуд, нотавон бўлиб қолдим-да.

Ношуд, нотавонман деган гапларни гоҳида ҳар икки соатда такрорлар, бироқ ҳеч қандай ҳафа бўлмасдан, ҳеч қандай норози бўлмасдан, худди муҳим бир гапни таъкидламоқчи бўлгандай, самимий бир тарзда айтарди. “Айтадиган гапи йўқ одамман. Энди ҳеч нима қилиб бўлмайди”.

Булар худди Франц Кафка ёки Томас Бернхард (австриялик адиб (1931—1989) – *тарж.*) қаҳрамонлари айтган гапларга ўхшаб кетарди. Демак, Алцхаймер билан оғриган бемор ва бир ёзувчи ўзаро учрашиб қолибди-да, ўйладим мен. Томас Бернхарднинг “*Аёз*” асари қаҳрамони шундай дейди: *Бироқ мен буткул яроқсизман, ҳеч нарсага ярамайман.* Бошқа бир жойда эса: *Менга ҳамма нарса тушунарсиз.*

– Мен бу нарсаларнинг биттасини тушунмайман! – дерди отам ҳар доим, ўзига дахлдор механизмларнинг очиқ-ойдин, равшан эмаслигидан нолиб. Ва албатта қўшиб қўярди:

– Энди ҳеч нарса эмасман.

Отам кўпинча ўз ҳолатига ўзи батафсил баҳо берар, ўзи ҳақида нақадар вазминлик ва етуклик билан маълумотлар келтириб, шунақанги теран фикр-мулоҳазалар юритардики, буни кўриб оғзим ланг очилиб қоларди.

– Мен бир бечора одамман, – дерди у. – Ҳа, ҳа, шунақа бўлган. Даставвал бақувват эдим. Энди эса қаридим – ёш ўтиши билан муайян ишончлилик – йўқ, ишончлилик эмас – *ишончсизлик* бошланаркан, бу сўз ёмон – муаммолар олиб келади.

У қўлларини дам қовуштириб, дам ёйиб, *тамом* ишорасини билдирди. Сўнг барча тортмаларни бир бошидан очиб, ёпиб кўра бошлади. Нима излаяпсан? деб сўрагандим, аниқ бир нима дея олмади.

– Ҳеч нарса. Етказиш ёки ишлаб чиқиш учун ҳеч нима қолмабди. Ҳа, ҳа. – Сўнг қўшиб қўйди:

– Бир нима кўрдимку-я, аммо бундан хурсандман. Бироқ бунинг барчасига руҳан тайёр эмасман-да.

– Ўз руҳиятингга қандай баҳо берган бўлардинг, да-да?

– Кучсиз. Энди фақат бошқаларнинг ёрдами билангина бир нима қилиш мумкин. Менга-ку, деярли ҳеч нима бўлмаган. Ҳа, шунақа, бироқ буни ўзгартиролмайман. Кўп ишларим чаппасига қараб кетди, кўп – лекин кўпи яхши бўлиши ҳам мумкин эди. Бироқ бунга ачинмайман. Гарчи сўнгги пайтларда кўп нарсага эришолмаган бўлсам-да, нолимайман. Дастлаб ишларим анча дуруст эди, кейин негадир бирданига ёмонлашиб кетди. Муваффақиятсизликларга ҳам учрадим.

– Қанақа муваффақиятсизлик?

– Ҳа, қўлимдаги нарсалар бузилиб, ҳеч нимага ярамай қолди. Бунинг учун бировни айбламайман, ўзи ишларим шунчаки юришмай қолди-да. Ўзим ҳам энди ярамай қолдим. Охирги – нима десамикин – ойлار ўзи гуллаб-яшнайдиган давр бўлмади. Майли, шунисига ҳам шукур.

– Гуллаб-яшнаган давринг қачон бўлган?

– Ҳозир аниқ эсимда йўқ. Яхши кунларим кўп бўлган, бундан хурсандман. Бироқ, бироқ, бироқ энди у даврлар ўтиб кетди. Ҳа, бир нималарим жойида эмас, ўзим биланман. Бироқ энди бунинг кераги йўқ.

У бирдан эшик олдида борди-да: “Жаноб Глэсс!” деди. Беш сония ўтар-ўтмас, пича хиргойи қилди, сўнг плита устидаги идишларга кўз югуртирди-да, шийпончага қараб кетди. Қайтиб келгач, ундан сўрадим:

– Хўш? Қандай янгиликлар бор?

– Менда янгилик нима қилади, менда ҳеч қандай янгилик йўқ. Янгилик сенда бўлади ва бундан хурсандман. Биласанми, сал мазам йўқроқ, қувват ҳам йўқ, бир нима қилишгаям ожизман. Шунақа бўлиб қолди.

У яна бир оз хиргойи қилди, сўнг:

– Яқин орада ётиб қолсам ҳам керак.

– Нима?

– Ҳеч нима. – Биласанми, муҳим ишларим ҳам деярли қолмади ҳисоб. Ҳис-туйғу эса бор. Ибботлай олмасам-да, аммо ҳис-туйғуларим бор, фақат ҳеч қандай муҳим ишла-

рим қолмади, холос. Ҳа, шундай. – Энди қолган ишларни бошқалар бажаришлари керак.

– Бу ҳақда ҳеч қандай ташвиш қилма. Мана мен турибман.

У кулди, сўнг қўлимни ушлаб, деди:

– Раҳмат, катта раҳмат. Мен бир бечора нотавон одамман. Мен ҳам бир пайтлар худди сендақа эдим – аҳволимни кўриб туриб, йўқ демадинг, раҳмат сенга.

– Дада, ҳамма ишлар бўлди, ҳамма ишлар битди. Энди қуёш ботадиган пайт ҳам келди.

– А шунақами? Ишончинг комилми?

– Мен буни биламан.

– Буни айтганинг учун раҳмат. Афсуски, ўзимнинг унча ақлим етмай турувди.

Шундан сўнг, у ёнимга ўтирди, қўлларини стол устига ковуштириб, бошини қуйи солди.

Чамаси, уни ҳамон “битмай” қолган ишлар безовта қиларди. Бир куни кечқурун Людмила (у кейинги пайтда отамга қараб турарди) уни ўрнига ётқизмоқчи бўлаётгани, у эса кўнмаётгани устидан чиқдим. Нима гап десам, айтдики, ишлари битмай “чала” қолганмиш, яна кимдир уни кутиб турганмиш. Бугунга бас, энди ҳамма ётиб ухлайди, дедим. Шунда у ташвишланиб сўради:

– Одамлар-чи, уларга ким жавоб беради?

Унинг қўлини олиб, аста қисдим.

– Одамларга мана мен жавоб бераман, энди уйларига кетишлари мумкин.

Ундаги иккиланиш ўрнини табассум эгаллади. Менга кўз қисиб қўяркан:

– Сен менинг энг яхши дўстимсан, – деди.

* * *

У билан бўладиган кундалик муомаламиз вақт ўтган сайин бамисоли уйдирмалардан иборат сохта ҳаётга ўхшаб борарди. Бир-биримиз учун бирдан-бир, ягона арзийдиган маъво қолган, у ҳам бўлса, отам идрок эта оладиган олам эди. Биз энди унинг қарашларига мос келадиган ва уни бах-

тиёр айлайдиган нарсаларни, воқеа, ҳодисаларни кўпроқ тилга оладиган, узук-юлуқ хотиралар, бемаъни хомхаёллар ва ёрдамчи конструкция(машина, механизм, иншоот ва ҳоказо)ларга мослашиб, ҳисоблашадиган бўлдик, чунки булар унинг ақл-идроки учун англаб бўлмайдиган нарсалар ҳамда галлюцинацияларга қарши курашда ишончли курул эди. Шу аснода ҳақиқатнинг риёкорлиги гоҳо энг ёмон ҳолатга айланишининг шоҳиди бўлдик. У ишни олға силжитмас ва ҳеч кимга ҳеч қандай фойдаси ҳам тегмасди. Деменция билан оғриган беморга, у қаердалигидан қатъи назар, азалий қондаларга мувофиқ равишда мантикий тўғри жавоб бериш унга ўзиники бўлмаган оламни мажбурлаб қабул қилдиришга уриниш деган гап эди.

Зотан, биз шундай йўлни танладикки, у куруқ, зерикарли воқеликдан олиб кетиб, айланма йўллар орқали ҳақиқатга элтарди. Агар отам уйга кетмоқчи бўлса, унга қани, кўрайлик-чи, сен учун бирон нима қила олармикинман ёки сенга албатта ёрдам бераман, дердим. Борди-ю онаси ҳақида сўраб қолса, гўё у ҳалиям яшаб юргандай муомала қилиб, уни онаси барча воқеалардан хабардор эканига ишонтирардим, шунда унинг кўзлари қувончдан порлаб, бошини сарак-сарак қиларди. Юз-кўзларидаги шодлик ва бош ирғаш ҳақиқатга қайтиш эди.

Бироқ объектив ҳақиқат кўпинча завоқ топарди, мен бунга ачинмасдим, чунки у бир пулга қиммат эди. Айни чоғда гапларим башарти ёлғон-яшиқ, уйдирмалардан иборат бўлган тақдирда ҳам ҳеч куйинмас, аксинча қувониб кетардим, негаки биз учун биргина мезон мавжуд эди: отам ўзини қанча хотиржам ҳис қилса, шунча яхши эди.

У билан бўладиган кундалиқ муомалада кўп нарса техника масаласига бориб тақаларди. Бизларга қўйилган талаблар фавқулодда мураккаб эди. Мия заифлашиши отам учун қанчалик қайғули бўлса, унинг яқинлари учун мана шу барча телба-тескариликлар олдида ақлни чархлаш шунчалик муҳим эди. Отам билан бўладиган суҳбатлар унинг руҳан тозариши учун бамисоли бадантарбия вазифасини ўтарди. Улар кенг қамровли зийраклик, сезгир-

лик ва фантазияни талаб қиларди, чунки биргина бамаъни сўз ёки тўғри имо-ишора билан нотинчликка маълум муддат барҳам бериш мумкин эди. Феликс Ҳартлауб (немис ёзувчиси (1913–1945) – *тарж.*) бошқа бир муносабат билан шундай деганди: *Аслида бунга фақат давлат дорбозигина чидай олиши мумкин.*

Отам билан бўладиган кундалик муомала борасидаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашаркан. Даниела уни ўринга ётқизиш ёки ўрнидан турғазишда саволлар бериш фойдадан холи эмаслигини уқтиради. Масалан:

- Чарчадингми?
- Ҳа.
- Жойингга ётишни хоҳлайсанми?
- Ҳа.

Савол шундай бўлиши керакки, токи бизнинг истагимиз унинг ўзига ҳам маъқул бўлсин ва унинг ўз оғзидан чиқсин. Шу тарика унинг бетартиб оламини бир озгина бўлса-да, тартибга келтириш мумкин бўлади. Буйруқлар эса, аксинча, яхши натижа бермайди. Агар унга:

- Август, энди бориб ётишинг керак, – дейилса, у:
- Нега? – деб сўрайди.

Бир куни Даниела дазмол қилиш билан банд экан, отам феъли айниб, уйга кетаман, деб туриб олибди. Шунда Даниела ўзини кўрқиб кетган қилиб кўрсатиб, унга дебди:

– Август, мен бу ерда бир ўзим ёлғиз қолмайман! Сенсиз нима қиламан? Агар сен кетсанг, унда мен ҳам кетаман. Фақат шошмай тур, аввал дазмолимни тугатволай.

У майли дея рози бўлган, Даниела эса унга раҳмат айтган.

Айтишича, Даниела унга ҳар доим, ҳатто ўзи илтифот кўрсатган пайтларда ҳам миннатдорчилик билдираркан. У бундан рағбатланиб, мамнун бўларкан, бу эса ўз навбатида муайян тобеликни юзага келтиради. Шунинг учунми, бутун кун бўйи Даниелани кидириб, унинг кетидан чопиб юраркан. Унга хавфсизлик, хотиржамлик керак бўлган. шундагина у ўзини яхши ҳис қилган. Хароб бўлмаслик учун ишончли қўлга муҳтож эканини сезган,

буни ўзи ҳам жуда яхши билган. Бир куни у Даниелага шундай дебди:

– Мен ўзим қурган мана шу уйда яшайман. Ҳозир оиламдан бу ерда ҳеч ким йўқ. Менга қараб турадиган аёллар билан ёлғиз ўзим қолганман.

Кунларнинг бирида у мендан:

– Уйда биздан бошқа яна ким бор? – деб сўраб қолди. Мен унга:

– Ҳозир ёлғиз ўзимиз, бошқа ҳеч ким йўқ, – деб жавоб бергандим, ташвишга тушиб қолди:

– Бу ёмон, менга қараб турадиган одам керак, йўкса довдираб қоламан.

Ундан бундай *соғлом фикр* чиқади деб ўйламаганимданми, гаплари мени ларзага солди. Дарров кўнглини кўтардим:

– Сира ғам ема, мана мен борман.

Унинг чиройи очилиб, деди:

– Бунга вақт топа олганингдан хурсандман.

Бошқа бир куни:

– Мен учун ҳали ҳеч ким бир нима қилгани йўқ. Эҳтимол сен...

– Ҳа, баъзан, – дейишимни биламан, бирдан жаҳли чиқиб кетди:

– Сен ҳам мен учун ҳали бирон-бир иш қилганинг йўқ!

Назоратчи аёллар орасида биргина Даниела у билан яхши чиқишарди. Иккови бир-бирига шунақанги мос тушардики, кўрган одам ҳайратдан ёқа ушларди. Бир куни Даниела унга эрининг фотосуратларини кўрсатиб тургани устига келиб қолдим. Отам уни танийман, деди. Қанақасига, ахир у Словакияда яшайди-ку, ажабланди Даниела. Шунда у томдан тараша тушгандек:

– Гапларингга ишонгим келмайди, лекин сен менга ёқасан.

– Эрим Форарльбергада ҳеч қачон бўлмаган, бунинг устига биронта ҳам немисча сўз билмайди. Биронта ҳам! – таъкидлади аёл.

Отам эса:

– Сен менга ёқадиган аёлсан. Бошқа айтадиган гапим йўқ.

Даниеланинг айтишича, отамга қараш унга ҳеч қандай малол келмас экан. Бунинг учун аввало, сабр-қаноат керак, деди у. Агар у ўрнидан туришни хоҳламайдими, майли, бирпас кутиб туради. Соқол олмоқчи эмасми, ҳечқиси йўқ, ярим соат ўтгач, йўқ дегани ҳам эсидан чиқиб кетади. Хуллас, кутиш учун унинг ихтиёрида йигирма тўрт соат вақт бор эди.

Бошқа баъзи бир аёллар эса отам билан яхши чиқиша олмасдилар. У агар бирон-бир ишни қилишдан бош тортса, дарров асабийлашишарди. Асабийликни сал сездими, унга қанча ғамхўрлик қилишмасин, ҳеч қандай инобатга олмас, қадрига ҳам етмасди. Шунақанги ёқимсиз ҳолатлар кўпайган сайин икки ўртада ўзаро ноқулайликлар, норозиликлар кучайиб борган. Гарчи биз, оиладагилар бунақа вазиятларда аралашиб, уни хийла қўллаб-қувватлаб турганимизга қарамай, баъзида шундай кунлар ҳам бўлардики, кечга бориб ҳамма жиннихонага “тайёр” бўлиб қоларди. Ўзим ҳам гоҳо гадойтопмас бир ёқларга қочиб кетишни хаёл қилардим. Ҳатто бир сафар кийим жавони ёнидан ўтаётиб, ҳолдан тойганимдан ўтириб қолаёзганман. Кечалари уйқусизликдан кўзларим юмилиб, эртанги кун қандай бўлиши ҳақида ўйларканман, лотинча ибора ёдимга тушарди: *nex est perpetua*, яъни *туннинг адоғи йўқ*.

Гоҳо одамда қандайдир ишонч ҳам пайдо бўлар, бироқ зўр самаралар ўртасидаги танаффуслар қисқариб, қаршилик кўрсатишдан ҳеч қандай наф бўлмасди. Кутилмаган, ногаҳоний воқеа, ҳодисалар шароитида кескинликка қисман эса-да чидаб бўлмас, бундай ҳарёклама изтиробни кўриб туришнинг ўзи кўрқинчли эди. Отамиз билан унга қарайдиган назоратчи аёлларнинг айримлари ўртасидаги чигал муносабатлар касалликни баттар кучайтирарди. Уларнинг сабр косаси тез тўлди, бу эса отам кайфиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Бошқача қилиб айтганда, қуйи спираль “ишга тушиб кетди”. Хуллас, унинг кўнглини олишнинг ортиқ иложи бўлмай қолди. “Мени

бу ерда қанчалик азоблашаётганини билсанг эди”, дерди у менга. Лекин бундай оҳанг билан куннинг колган қисми ўзгариб ҳам қолмасди. У чидай оладиган биргина нарса, бу – мусиқа эди. Тушликда бериладиган таом сифатидан ҳам кўнгли тўлмасди.

– Бунақа овқатни еяолмайман, – дерди у.

Кунлардан бир кун тамаддидан сўнг шийпончага борибди-да, Вернернинг каттакон кактуси ўсиб турган тувак ичига сия бошлабди. Бир нима чулдираётганини эшитиб, чопиб чиқсам, шунақа гап. Бунақа қилиш мумкин эмас, уят бўлади десам:

– Менга мумкин, – деди. – Бу мени қийнаганликлари учун жазо. Аслида улар бундан ҳам кўра оғирроқ жазога мустаҳиқ эдилар.

Энг ёмони, кейинги пайтда у тунда уйғониб кетиб, болаларини қидирадиган бўлиб қолганди. Бу нарса эсанкиратадиган ва тушуниб бўлмайдиган даражада мунтазамлик касб этгани дард устига чипқон бўлди. У бундай вазиятларда чуқур тушқунликка берилиб, аянчли бир қиёфага тушиб қоларди. Гуё урушда бомбалар ёғилган уйлар орасида тентираб, ҳаёт нишонасини қидириб юргандек бўларди. Баъзида унга болалар тонгга яқин келиб қолади дейишса, у бир оз тинчланарди. Гоҳида эса ярим кечада қидира-қидира чарчаб, мадори қуриб, ухлаб қоларди. Кундузи “қидирув” яна давом этарди...Тўрт нафар болам жойида йўқ, каравот остига ҳам яширинмаган, ваннахонада ҳам эмас, кийим-жавонлар ортидан қиқир-қиқир ҳам эшитилмайди, улар қаерларда қолишганикин?... Отам болаларини “тополмай”, ўзини ниҳоятда бахтсиз ҳис қиларди.

– Уларни олиб кетишган, ҳа, шундан бери дараги йўқ. Уларни узоқ изладим, қидирувда ёрдам беришармикин деб, кўп жойлар билан боғландим. Энди эса, болаларимни ахир бир кун кўрарман, деган умидим ҳам пучга чиқиб турибди...

Шунда мен унга, улар хавфсиз жойда, мана қараб тур, ҳали ҳаммаси қайтиб келади, уйланишади, фарзандлари ҳам бўлади, дедим. У эса:

– Гапларинг рост бўлиши мумкин. Лекин негадир ишонгим келмаяпти.

У бир нима эсига тушгандай, қошларини чимириб, кўрсаткич бармоғи билан кийимжавонга ишора қилади, болаларимни ана шу томонга олиб кетишган, дея тахмин юритади.

– Улар қаерларда юришганийкин-а? – Улар йўқ – улар кетган – улар йўқ – улар кетган...

Власта билан муомаласи чиқишиб турувди, кутилмаганда унинг онаси касал бўлиб қолди. Онаси телефонда, мен бу ерда касал бўлиб ётсам-у, сен Австрияда бегона одамларга қараб юрсанг, яхшимас, дебди.

Анна жуда ақлли аёл эди. У бутун куч-ғайратини ишга солди, бироқ нимагадир отам билан тил топиша олмади. Гўё ўртага сеҳр-жоду аралашгандек эди. Бирга сайр қилиб юрган чоғларида учраган одамлар отамдан бу ким деб сўрашса, ким бўларди, доим асабимга тегадиган товукмия хотин, деркан. Энг ёмони, бир кун у Аннага бўйнингни узаман, дегандек имо-ишора қилибди. Бечора аёл, ғаладондан пичоқни олиб, ташланиб қолмасин тагин деб, кўрқиб кетибди. Буни эшитиб, саросимага тушдим, бироқ унга билдирмадим, юрагингга яқин олма, дея далда бердим. У бир касал одам, эҳтиёт бўлган яхши, дедим унга, башарти, худо кўрсатмасин, жини кўзиб қолгудек бўлса, кўркма, у унчалик кучли эмас, бунинг устига, тез югура олмайди ҳам.

Қандай тинчлантирувчи гаплар-а!

Аслида бунчалик асабийлашишининг сабаби нима эди: назоратчи аёл билан чиқиша олмай, уйда ҳаловат тополмагач, Даниела билан ойим масъулиятни зиммаларига олишган. Икки ёки уч кундан сўнг, отам қўйдек ювош тортиб, вазмин, мулойим, хушфёъл, бир сўз билан айтганда, турган-битгани самимият бўлиб қолган. Ундан яна ғалати, ғаройиб гапларни эшита бошлаганмиз.

– Хўш, энди мамнунмисан, Август?

– Мен ҳамиша мамнунман. Ҳатто гўдаклик пайтимда ҳам мамнун бўлганман.

Билмадим, буёғи қандай бўларкин.

Ғам ема, ҳаммаси яхши бўлади.

Мени унутмассизлар. Адолатсизлик бўлмас.

Бунга йўл қўймаймиз.

Менга қара, бу айтишгагина осон!

Худди шундай, биз сени ҳеч қачон унутмаймиз.

Алцхаймер касали, мана, ўн йилдан ошдики, отамни ҳамон қийнаб келади. Невролог томонидан олинган мия сураглари тасвирида касалланишнинг бутун даражаси ўз аксини топган эди. Шунга карамасдан, отам деярли ҳар куни қисқа фурсатга бўлса-да, ўз дардидан “ташқарига” чиқиб, у ёки бу тарзда сўрарди:

– Бошимга нима бўлган ўзи? – пешонасига бармоғи билан уриб-уриб қўярди у. – Бу ерда бир нима жойидамасга ўхшайди. Қани, менга айт-чи, буни қандай қилиб тузат-сак бўлади?

У менга мадад сўрагандай бўлиб қарайди. Сўнг:

– Ёрдам Брегенцдан келади, – деган мавҳум жавобимни эшитиб, ҳафсаласи пир бўлади.

Франц Кафка айнан отам туғилган куни, фақат таваллудидан роппа-роса ўн йил олдин, яъни 1916 йил 6 июлда ўз кундалигига худди шундай деб ёзиб қўйган экан. Гарчи отам ўз боғидан туриб, Брегенцни яққол кўра олса ҳам, ўзини худди Кафка қахрамонидек ҳис қилишига тўғри келди. Кафка шундай давом этади: *Бемор зўриқиб, кўзларини қисди, шифокор қўшиб қўйди: Брегенц Форарльбергда. – Бу узоқ, – деди бемор.*

Ёрдам бериш мушкуллиги жихатидан олганда, Брегенц отам учун ҳам олис эди. Ақли, эс-хуши жойида бўлган пайтларда у соғлом миани қўмсаб тўлғанарди – бироқ бу билан аҳвол ўзгариб қолмасди. Ҳаттоки ўз бошига мушт туширганда ҳам. Худди болалик давримда экрани

липиллайвергач, дадам телевизорни муштлагани каби, ҳеч қандай таъсири билинмасди.

2009 йил баҳорининг совуқ кунларидан бирида Даниела дадамни сайрга олиб чиқмоқчи бўлди. У эғнида куртка, оёғида кўчага кийиладиган пойафзал, шай турарди. Даниела унга шляпани кийгазаркан, деди:

- Мана бу сенинг шляпанг.
- Бу яхши, маъкул. Лекин миям-чи, у каёқда қолди?
- Миянг шляпанг остида, – дедим мен ошхонадан туриб.

Отам шляпани қўлига олиб, ичига қаради:

– Ие, бу мўъжиза-ку, – деди ва ҳардамхаёллик билан ўйланиб қолди, сўнг шляпани яна кийди-да, ийманибгина сўради:

- Ҳақиқатан ҳам шляпа остидами?..
- Ҳа, худди ўша ерда, ўз жойида, – дедим мен.

У ҳайратидан қошларини чимириб, Даниела ортидан гарангсиб эшик томон юрди.

Бунақа сюрреал лаҳзалар кўпайгандан кўпайиб борарди. Бу ҳақда ҳикоя қиладиган бўлсам, улар бир оз кулгили ва ғалати эшитилади. Лекин диққат билан тингланса, комизм (кулгилик) билан бирга хавотир ҳамда тушқунликни ҳам пайқаш мумкин бўлади. – Кўпинча комизм ортиқчадек туюлади.

Нима яхши-ю нима ёмон, унча тушунавермаганиданми, отамга кўп нарсаси маълум келарди. Масалан, дори-дармонларнинг бемазалигидан ҳам аччиғи чиқарди. Билмасдики, дори-дармонсиз аҳволи баттар ёмонлашарди.

– Менга бунақа нарсаларни рўпара қилаверма! – бақирарди у менга.

– Сенинг фойдангни кўзлаямиз, холос.

– Ҳамманг шундай дейсан! – қўполлик билан гап қайтарарди у. – Фақат ўйлама, сендай фавқулудда шахсга ёпишиб олмоқчимасман. Биламан, ифлос ўйинларингни.

Албатта, унинг ўрнида хасталик “тилга кираётгани” менга аён эди. Аммо шундай бўлса ҳам, бекордан бекорга гап эшитсанг, одамга алам қиларкан. – Айниқса, отамни

унча яхши билмайдиган, унинг олдида бир нима қилишга унчалик мажбур бўлмаган, қолаверса, бу соҳа (хасталик) дан беҳабар бўлган кишиларга нисбатан бундай муомала ниҳоятда оғир ботиши мумкин эди.

– Йўқол кўзимдан! Агар мени ўз ҳолимга қўймасанг, милтиқ опкелиб отаман, кетингдан ажраб коласан!

Бу гапни у менга айтди. Болалигимда бошқаларга акам билан кучайганим эсимга тушиб, кулиб қўяқолдим. Лекин назоратчи аёллардан бири бўлмаса бошқаси бундай сўзлар замиридаги оддий, жўн хабарни – отам бегона одамлар олаmidан кўра ёлғиз қолишни маъқул кўраётганини англай олиши амримаҳол эди.

Даниела қарийб уч йилдан бери бизларникида эди. У бу ер ўзига ёқиб қолгани, бошқа бунақа жойни тополмаслигини онт ичиб айтарди. Отам унинг учун касал, айни чоғда зиёли ва ҳазилкаш одам ҳам эди. Мияси гоҳ-гоҳ “найранг” қилиб турса-да, барибир унинг ҳақиқатда ҳам беозор, бировга зиёни тегмайдиган бечора бир инсон эканини яхши биларди.

Даниела ҳар уч ҳафтада алмашилиб ишлар, шунда Словакияга – уйига бирров бориб келарди. Бахтга қарши, ўтган икки йил ичида унинг ҳамкасабаларидан ҳеч қайси бири отам билан унга ўхшаб яхши муносабат ўрната олмади. Улар қисқа муддат ишлаб кетишди, албатта, уларни ҳам тушунса бўларди, чунки отам кўп ҳолларда эрталабдан то кечгача бир нимани бажаришдан бош тортиб, инжиқлик қилишдан зерикмасди. Ўзига бегона бўлган, уни саросимага соладиган одамларни қайтариб юборишга мойил эди. Унга қарайдиган аёлларнинг аксарият кўпчилиги у билан худди ёш боладек беписанд оҳангда муомала қилар, бунинг устига, ниҳоятда кўп гапирарди. Отам калласи катта, чехраси жонли, кўзлари маъноли боқар, шунинг учун бошқаларда яхши таассурот уйғотар, шу боис бўлса керак, назоратчи аёллар ҳам ундан чўчиб туришарди. Башарти юраги қисилиб турган бўлса, уларни олдига солиб қувишдан ҳам тоймасди. Бунақа пайтларда отам ўзи ажойиб одам, деган куруқ гапдан фойда йўқлиги, мабо-

до кайфияти ёмон бўлса, кўзига кўринмай турунлар, дея маслаҳат беришдан ҳам ҳеч бир натижа чиқмаслиги аниқ.

Бу айтишга осон эди. Назоратчи аёллар маълумотли муо- тахассислар эмасди, бунинг устига, деменция билан муо- мала қилиш учун зарур бўлган туғма, табиий қобилиятлар ҳар кимда ҳам учрайвермайди. Отамнинг энг кенжа наби- раси Эва бунга ёрқин мисол бўла олади. У Алцхаймер би- лан оғриган буvasига шундай бир табиий муомала қила би- лардики, натижада бемор соғлом одамдай фикр-мулоҳаза юрита бошларди.

Даниела тўғрисида ҳам худди шундай хулоса қилиш мумкин. У касал билан аввалбошданок яхши чиқишган, у билан бутунлай эркин муомалада бўлган. Ҳатто мен- га дадам уни яхши кўриб қолгандек туюларди, шунинг учун Даниела унинг олдида бўлган пайтларда бир оз ха- вотир бўлиб турардим. Даниела шунга эриша олганди- ки, у (дадам) ўзини керакли одам деб ҳис қиларди. Да- ниела унга харид қилинган нарсалар солинган саватни кўтариб юриш учун бериб қўяр, велосипедини орқадан итариб юришига монелик қилмас, у эса, гарчи ўзи тўрт нафар болаларининг ҳаттоки исмини айтолмаса ҳам, Да- ниелага немисчани ўргатар, унга талаффуз ва граммати- кадан соатлаб “сабоқ” берарди. Бунча унга қайишмасанг? деб сўрашса, у менинг ёнимда бўлса бўлди, деб жавоб қайтарарди.

2009 йилнинг март ойида отам қариялар уйига кўчиб ўтишига тўғри келиб қолди. Бунни эшитган Нитра (Сло- вакия)лик оқ-сарик сочли кап-катта аёл хўнграб йиғлаб юборди. Анна эса қўлини ювиб, қўлтиққа артган, унинг қайтиб келиши ҳар қандай эҳтимолдан йироқ эди. Отам билан муомаласи чиқишмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, энди қатикни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолганди.

Ўз оила аъзосини қариялар уйига беришга қарор қилиш урф-одат, анъаналарга кўра, ноинсофлик сана- ларди. Бундай қарор ўз-ўзидан икки ўртага ишончсизлик уруғини сепиши табиий. Айни чоғда эса анъаналар би- лан ҳисоблашмасликнинг ҳам иложи йўқ. Қишлоқдаги

кариялар уйида малакали ходимлар ишлар, шароитлар яхши эди. Ҳар қандай муаммолар ўзаро муҳокама қилиниб, ижобий ҳал этиларди. Отамни у ерда касал бўлган пайтидан бери ёки хасталик бошлангандан буён эмас, балки саксон йилдан бери исми-шарифи Август Гайгер бўлган, болалик ва ёшлик даврларидан иборат узоқ умр кўрган бутун бир шахс сифатида яхши билишарди.

Оиламиз аъзолари ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, уйда у ердагидек парваришни ташкил этишнинг уддасидан чиқишолмади. Мағлубиятни тан олишни ҳам ютуқ деб атаса бўларкан. Оиланинг бошқа аъзолари аравани бирдай тортолмай, ярим йўлда қолиб кетгач, нима ҳам бўларди. Ҳар кимнинг ўз муаммоси бўлса, бемор отанинг аҳволини томоша қилиб туришдан ўзга чора йўқ эди. Кечаю кундуз отам ҳақида ўйланавериб, адойи-тамом бўлдик. Доим шу савол: Энди нима бўлади? Пичоқ суякка бориб қадалган эди. Бу ҳам етмагандек, отам уйда ўзини уйдагидек ҳис қилмай қўйган эди.

Унинг уйдаги охирги куни олдинги кунлардаги сингари бошланди. Янги дори-дармонга ўтказилгандан бери ундаги домангирликдан асар ҳам қолмаган. У душга тушиб чикди, артинди ва ўтириб, шошилмай нонушта қилди. Ҳаво имик, қуёш чарақлаб турарди. Анна кетиб қолгач, ойим келган, у ҳозир отамни йўлга ҳозирлаш билан банд – унинг қўйлақларига, ҳатто дастрўмолчасига ҳам исми-шарифи битилган ёрликчани тикаётганди. Отам уй олдида қўшнилар билан “ха-па” дейишиб турарди.

Тушликка *Kaesknoepfle*¹ тамадди қилгач, хонасига кириб, бир оз мизғиб олди. Соат учга томон ўрнидан туриб, чой ичди ва саквояж (сафар жомадони)ни машинага олиб боришга қўмаклашди. Сўнг ойим уни машинасида қариялар уйига олиб кетди.

¹ *Kaesknoepfle* – Форарльбергда пишлоқ ишлаб чиқариш ўз тарихига эга. У ерда пишлоқ анъанавий миллий таом сифатида ҳам суйиб тановул қилинади. Пишлоқнинг ҳар хил турлари эритилиб, қўшиб тайёрланадиган таом „*Kaesknoepfle*“ деб аталади.

Кираверишда, эшик олдида ўтирган собиқ жамоа маслаҳатчиси уни кўриб, ўрнидан туради ва эшикни очади. Отам эса уни танимай, шунчаки саломлашади. Ичкарида, кушетка устида кичкинагина аёл ўтирган экан, отам унга “баракалла!” деб, қўлини кўтарибди. Аёлнинг олдида бориб, қўлидан ушлабди-да, икков онам кетидан дам олиш хонасига кириб борибди. У ерда уларни қариялар уйи раҳбари кутиб олибди, отамга ўз хонасини ҳамда у ердаги буви-си билан бобосининг осиглиқ суратларини кўрсатибди. Бу одамларни қаердадир кўргандайман, аммо танимайман, дебди у. Раҳбар аёл унга ўз одатлари юзасидан ва дори-дармонлар хусусида бир неча саволлар берибди. Сўнгра отам билан бирга боққа чиқишибди. Отам дарахтлар соясида бошқа қариялар билан гаплашиб ўтирибди, афтидан, ўзини яхши ҳис қилаётган экан. Бир оздан сўнг, ойим у билан хайрлашибди. Отам унга қўл силкиб қолибди.

* * *

Орадан бир неча кун ўтгач, уни кўргани бордим. Хонасига кирганимда, ўзи ёлғиз хиргойи қилиб ўтирарди. Пича кутиб турдим, сўнг ёнига ўтирдим. Аввал у ёқ-бу ёқдан гаплашдик, кейин қўл қисишиб “ким кучли” ўйнадик. У зўр бериб, бор кучи билан тиришар, сўлгин чехрасида бахтиёрлик нукси акс этиб, қувончдан илжаяр, бироқ саломатлиги қувончига соя ташлаб турарди. Илож қанча.

Унга дедим:

– Вой-бў, чаккимассан-ку.

У яна илжаяркан, деди:

– Керак бўлса, унча-мунчасини қорга пийпалаб кўярдим, бироқ энди у кучлар йўқ. Аммо *майдакаш*, *мижгов* эмасман, шуни сенга бир кўрсатиб кўяй дедим-да, бўлмаса чиранишни менга ким кўйибди.

Сал ўтмай, сўзида давом этди:

– Барибир ўзимизни ўзимиз ҳимоя қилишдан бошқа чорамиз йўқ. Акс ҳолда, бечора бўлиб қоламиз.

Отам учун Алцхаймер албатта, ютуқ эмасди, лекин болалари ва неваралари учун маълум даражада сабоқ

бўлгани аниқ. Ота-онанинг вазифаси ҳам болаларга бирон нима ўргатиш-ку, ахир.

Қарилик умрнинг сўнгги босқичи сифатида доим ўзгариб турадиган ва ҳар доим ўрганиб, тадқиқ этиб турилиши лозим бўлган маданий шакл-шамойилдир. Демак, ота ўз болаларига ҳеч нима ўргатолмаган тақдирда, қарилик ва касалликдан бошқа нимаям қоларди. Лоақал шу ҳам яхши шарт-шароитлар остида кечган оталик ва болаликни англатарди, чунки одамзод фақат ҳаёт бўлсагина, ўлимдан ўч олмоғи мумкин бўлади.

Александра ҳикоя қилишича, бобоси мени қийнашяпти деб ёзгиргач, онаси кўргани шифохонага бориб, уни бу фикридан қайтаришга уринибди. Бир маҳал ҳамшира келиб, кислород бериладиган ичакни алмаштирмоқчи бўлибди.

– Жаноб Берлингер, ҳозир бурнингизга манови ичакни тўқаман, бир оз қитигингиз келиши мумкин, – дебди.

Шунда бобо келинига қарабди, бошини сарак-сарак қилиб:

– Ана бўлмаса – энди мени қитиқлаш қолувди! – дермиш.

Марианна холанинг бувиси ҳам деменция касал бўлиб, доим шундай деркан:

– Бошим худди кувининг ўзи, кавлагани кавлаган, аммо ёғ чиққанини сира билмадим.

Марианна хола етти боланинг энг каттаси экан. Бувиси кечалари алаҳсираб, ғалати гапларни жавраб қолғунига қадар, у билан бирга ётаркан. Бувиси бора-бора диний васвасага йўлиқибди. Бир куни уни кўргани пастор (протес-тантизм мазҳабидаги руҳоний – тарж.) келибди, эшикдан кириши билан кампир унга қараб қичқарибди:

– Бузуқ пастор уйимга кирмасин! Йўқол, иблис!

Катаринанинг бобоси ҳам ақли заифлик касалига дучор бўлган эди. Катта ўғли бир куни велосипедда хабар олгани келган экан, қария сездирмай велосипедга яқинлашибди-да, уни шартта миниб қочиб қолибди.

Лиана Алиқаймерга йўлиққан онаси ҳақида ҳикоя қилади.

Онаси унга қараб, дам-бадам сўраркан:

– Нима, мен ўлиб қолдимми?

Бир куни онаси Лианага шундай дебди:

– Агар ўлиб-пўлиб қолсам, менга айтиб қўйиш эсингдан чиқмасин, ҳўпми?

Лиана ҳам онасини чиппа-чин ишонтирибди:

– Ҳўп, ойи, агар ўлиб қолсанг, албатта айтиб қўяман.

Волфгангнинг бузиси қариб, мункилаб қолганидан қувватлантирувчи дори – Buerlecithin ичиб юрарди. Совиткичда Buerlecithin ёнида бир шиша Doornkaat (спиртли ичимлик тури – тарж.) ҳам тургучи эди. Совиткич олди-га бориб-келаверганидан ўрганиб қолган эмасми, бир куни кампир билибми-билмайми, Doornkaat шишасини очиб, ундан яхшигина бир қултум ичибди, сўнг:

– Бугун таъми қандайдир ғалати, – дебди-да, гапининг тасдиғи учун яна бир қултум урибди.

Норбертнинг бир дўсти бўлиб, унинг онаси ҳам Алиқаймердан азоб чекар, ўз ўғлини ҳам анчадан буён танимай қолган экан. Лекин онасига суратини кўрсатса: “бу менинг ўғлим!” дер, янги тушган фотосуратини кўрсатса ҳам: “бу менинг ўғлим!” деркан-у, аммо олдида турган ўз ўғлини танимаскан.

Вилхелмнинг айтилишича, дўстининг ҳам анча йиллардан буён эс-ҳўши жойида эмаскан. Кечалари уйқусираб саҳар соат учда ёзув столи томон эмаклаб бораркан-да, сўнг ҳеч нарсани билмай қоларкан. Кундузлари эса пасьянс – фол қарталарини юмалоқлаб, сигара ўрнида чекмоқчи бўлиб ўтираркан.

Урсула отамнинг онасига тенгқур бўлган катта амачиси Август Фишер ҳақида ҳикоя қилади. Уни умрининг охирги йилларида Урсула 20х-20х қариялар уйидан якшанба кунлари Оберфельдга олиб келган экан.

Бир кун у йўлга чиқиш олдидан сўрабди:

– Мен яна лагерга қайтишим керакми?

Ана шу киши мен ёш бола пайтимда ниҳоятда кўркем йигит эди.

Оберфельдгассенинг шундоқ олд тарафида, черков томонда бир вақтлар эски қудуқ бўларди. Қудуқ ёнида эскириб, чириб кетган ёғоч охур бўлиб, унга булоқ суви тинмай оқиб ётарди. Уйланмай бўйдоқ ўтган катта амаки қишда ҳам, ёзда ҳам ҳар тонг ана шу охурга ётиб чўмилар, бундай муолажа соғлиқ учун фойдали эканига астойдил ишонарди. Ҳақиқатан ҳам у бувим ўтиб кетгандан кейин ҳам яшаб, 1898 йилда туғилган волфуртлик тенгдошлари орасида энг узоқ умр кўрди. Биз болалар боғчага ёки мактабга бораётиб, унинг Инпахвалд ўрмонидан оқиб келадиган яхдек чашма сувида қишин-ёзин маза қилиб чўмилаётганини кўриб қойил қолардик.

Кристианнинг бир кампир қўшниси бор эди. Унинг ҳовли чирогини ёқиш учун электр токни улайдиган асбоб (включател)ни тополмай қийналган пайтларда ташқарига чиқиб, ҳассаси билан чироқни уриб-уриб қўядиган одади бор экан.

Хасталик отамдан панжаларини яна тортиб олди. Унда аввалги ойлардаги каби танглик, кескинлик ёки исканжага тушиш аломатлари сезилмас, кун сайин ўзини яхши ҳис қилаётгани кўриниб турарди. У қандайдир ҳазил-ҳузулга мойил, кимларнидир лақиллатадиган, суҳбатдоши билан очилиб гурунглашадиган, диққат-эътиборли, меҳрибон ва самимий бўлиб қолганди.

Унинг руҳий кечинмалари тез ва бирданига пайдо бўлар, дори-дармонни кўп ичганидан мияси воқеликни ғира-шира англайдиган одамга ҳам ўхшамас эди. Вазиятга

ижобий ёндашар, ҳазил-хузул қилар, керак бўлса, яхшигина маслаҳатлар ҳам берарди.

Вернерга:

– Мендан фақат ўрганишинг мумкин, – деган экан.

Сезги, идрок этишнинг бузилишлари, галлюцинациялар онда-сонда бўлса-да, ҳамон содир бўлиб турарди.

– Кичкина одамчаларни сен ҳам кўрдингми? – сўрайди у Катаринадан.

– Ҳа, улар ҳозиргина муюлишга қараб бурилиб кетишди.

Борди-ю, галлюцинациялар кучлироқ бўлса, Эвани олиб келишарди. У бобоси олдига чопиб бориб, у билан ачомлашиши билан ҳаммаёқ яна изига тушарди-қоларди. Бунга барчамиз ҳайрон бўлиб, қулиб қўярдик. холос.

Отам кейинги пайтда лаёқатсизлигидан нолиб, ўзини *Dodl* – ахмоқ деб атар, бироқ ора-сира:

– Ҳеч нима кўлидан келмайдиган қип-қизил тентак эмасман лекин, – деб ҳам қўярди.

Камчилик, ожизликлари секин-аста билинган сайин, ўтган кунлар тез-тез ёдига тушар, ўтмишда “эслашга арзийдиган қувончли” дамларни ҳам бошидан кечирганидан ўзича фахрланарди.

– Илгарилари, бирон-бир эзгу иш қилсам, ўзим ҳам хурсанд бўлиб кетардим. Аслида бунақа ишларни қилишга ишқибоз эмасдим, аммо бунинг муҳим эканлигини билардим ва бу нарсаларни ҳеч ким менчалик яхши тушунмасди. Қаерда бўлмасин, ишни тез-тез, илдам-жилдам битирардим. Ҳамиша яхши чиқавермаса ҳам, ҳар ҳолда ёқимли иш бўларди. Сен билан мен ҳам ҳар доим яхши чиқишганмиз.

– Ҳа, мен сен билан жуда яхши чиқишганман.

– Куласан-да. Лекин ҳақиқатан ҳам сен билан биз яхши чиқишганмиз. Агар биримиз бўлмаганимизда, бизни итдек отиб ташлашарди. Булар газитдан ўқиволиб, қилинадиган ишлар эмасди, газитдан фақат ярим нарсаларнигина билиб олиш мумкин эди, ҳаммасини эмас. Шунга ҳам мағрур эдим, биласанми, бу нарсалар шундай эдики, ундан жу-

да озчилик бўлса ҳам, катта фойда олиши мумкин эди. Бизларни-ку, кўявер! Булар фикр билан бўладиган ишлар эди, буни билардим ва бу менга қувонч бағишларди. Шунақа ишларни қилганман ва – ҳамиша ўнгидан келган! Мураккаб ишларни тўғри йўналишга буришми – мен бунга уста эдим. Бутун майда-чуйда, икир-чикирлари билан тўғрилаб кўярдим. Ўзинг биласан, бунақа пайтларда кайфиятим қанақа яхши бўлишини, қолганини эса кўявер. Барча ишларни астойдил бажарганимни ўзларинг ҳам сезгансизлар, фикрларим яхши бўлганини ҳам, нимаиди? – Биламан, энди деярли ҳеч нима қолмади ҳисоб. Энди деярли ҳеч нима қолмади. Майда-чуйда нарсалар бор ҳалиям – лекин улар *нолга* тенг. – Аммо илгариги ишлар, хилма-хил нарсалар, улар яхшийди. Билмадим, буларнинг барчасини ким амалга оширган, ким қилган. Бунда сенинг ҳиссанг бор, деб ўйлайман. Эмилнинг ҳам. Бунисини бўлишим билан – кейингиси тайёр турарди. – Ўйлаб кўрсам, қанақанги иш эди-я бу! Агар юришиб кетса, э худо, мендан зўр одам йўқ эди!

У илжайди, қўлларини мушт қилиб, кўкрагига яқин опкелди.

– Биласанми, албатта, ўзимни овсар деб ўйламаганман, чунки билардим, агар ғайрат қилсам, унча-мунча иш қўлимдан келишини. – Бир пайтлар биттаси келиб, мени мақтаган, тўғри иш қияпсан деб. Ҳа, биттаси келиб, мени мақтаган. Ўзим қилган ишимдан фахрланганман. Шунчалик зиёли эканман: *Тўхта! Ахир бу омад-ку!* деганман.

Бошқа сафар у шундай деганди:

– Биз эришган бахт-омадлар наинки тасодиф, балки ҳамиша ва ҳар доим ҳақиқий омад бўлган. Бироқ барча бахт-омадлар ҳам ҳақиқий омад бўлавермайди. Бизлар, – дейди у ўнг бош бармоғини кўрсаткич ва ўртанча бармоқлари учига тегизиб, – бошқаларга қараганда омадлироқ бўлган эканмиз. Шунинг учун нолиб, ёзғиришга ҳақимиз йўқ.

Ўзимга келсак, сира нолимасдим, чунки келажакка яна ишонч билан боқа олардим. Барча кескинликлар гўё йўқ бўлиб кетгандек. Оилавий, шахсий ва касбий муносабат-

лар жиҳатидан ўзим ҳам ҳали кўникиб улгурмаган очиқ-ойдинлик, равшанлик ва тин олиш, танаффус бошланган, аҳволимиз яна ижобий томонга ўзгараётган эди.

Бунгача бўлган кунлар, айниқса Волфуртда бўлган пайтларим кўпинча умидсизликлар билан ўтганди. Тунги ўй-хаёлларнинг ғамгин гирдобиди тўлғаниб, тонгга якин тинка-мадорим курир, тушга бориб эса итдек чарчаб қолардим. Волфуртдан анча олисда, Венада бўлатуриб, уй хакида ўйлашга ҳам юрагим бетламасди. Энди эса аксинча, кундалик ҳаёт илгаригидек яна ўз изига тушган, аянчали киш ва баҳорнинг ўрнини тўлдириш фурсати келганидан шодланиб, ёз кунларини туғилиб ўсган кадрдон уйимизда ўтказмоқчи эдим.

Бешинчи романимни ёзиб тугаллаб, енгил тин олганимдан, ўзимни эмин-эркин ҳис қилардим. Буни келган кунимок олча дарахтининг энг юқори айри шохига ўрмалаб чикиб кетганимдан ҳам билса бўларди. У ерга анчадан буён – томоша кўрсатаман деб учта қовурғамни синдириб олганимдан бери якин йўламай қўйгандим. Ҳаёт қувончини туйиш, эркинлик, озодлик қандай ажойиб. Эрта тонгда уйғониб, бошланаётган кун лаззатидан баҳра олиш имконига эга бўлмоқ – буни элементар ўзгариш деса бўлади.

Олдинги йилларда Волфуртда бўлган чоғларимда бунчалик серҳаракат бўлолмагандим. Ҳар доим қандайдир кўнгилсиз воқеалар содир бўлиши мумкинлигиданми, ўзимни уйга ипсиз боғлангандай ҳис қилардим. Қийинчилик ва кутилмаган тасодифларга тўла кунлар кетидан кунлар ўтиб борарди, шу сабабли кишлоқда кам кўринардим. Энди эса ихтиёримда наинки вақт, балки вужудимда куч-ғайрат ҳам етарли эди. Мен оиламиз аъзоларини ва отамнинг собиқ касбдошларини ёзмоқчи бўлган янги китобим муҳокамасига таклиф қилдим. Сухбатлар кўпроқ кечқурунлари бўлди. Кундузи эса отамни бирикки марта кўриб келардим.

Дастлабки кунданок, у оғир, вазмин, босиқ ва эътиборли бўлиб қолганди. Мендан ҳол-аҳвол сўраб, режаларим

юзасидан саволлар берди. Ўзи умуман олганда мамнун кўринар, бироқ сездирмай суриб қолиш учун қулай фурсат пойлаётган экан.

У худди онт ичаётгандек деди:

– Ҳадемай бу ерда менинг қорамни ҳам кўрмайсан.

У ястаниб суяниб олди-да, ўзича қулиб қўйди.

Ниҳоятда озиб кетганидан эғнидаги кўйлак шалви-раб турар. ёқасиям анча кенг бўлиб қолганди. Ўзи эса ил-гаригидек абжир, эпчил. Хаёли сира бўлинмасдан, икка-ла бармоғи билан кўйлагининг энг юкори тугмасини ечиб-қадаётганида фавқулудда гўзаллик кўрдим. Менга отам бир бутун шахс, бутун бир инсон сифатида ёқарди. Кўриниши, кайфияти яхши, ўйладим ўзимча ва шу топда бир ибора хаёлимга келди: *Ҳар неки гўзал чоғида поёнига етгани маъқул*. Агар шу кетиши бўлса, уни ҳам қачонлардир *Томас Ҳарди* (1840–1928) инглиз ёзувчиси – *тарж.*)нинг бир романида ўқиганимга ўхшаш қисмат кутса не ажаб, кўнглимдан ўтказдим мен. Ушбу асарда кекса бир киши ҳаёти қаламга олинган. У ўлимга гўё тўғри чизиклар гиперболаси янглиғ яқинлашиб боради. Унга томон йўналишни аста-секин шу тарзда ўзгартирадики, ниҳоятда яқин қолганда ҳам икков бир-бирига дуч келадими-йўқми, буёғи номаълум эди.

Отам ҳам аслида яна бир озгина яшашни истарди. Бу жиҳатдан унинг тутган йўли ўзига аниқ-равшан эди.

Сешанба куни эди, пешиндан кейин қариялар уйининг дам олиш хонасига бордим. Отам бир шериги билан гаплашиб ўтирарди. Билишимча, бир неча кун олдин улар ўртасида қуйидагича савол-жавоб бўлиб ўтган экан:

– Хўш, сен кимсан? – сўрабди отам шеригидан.

– Мен Ферде (Фердинанд)ман, – жавоб берибди у.

Бунга жавобан отам илжайиб, шундай дебди:

– Мен бўлсам, сени Пфердле (тойчоқ) деб ўйлабман.

Шу тариқа иккови узок суҳбатлашибди. Уларнинг гурунги, гарчи касаллик сабабли юзага келган камчилик, нуқсонлар боис бир оз чекланган эса-да, бир-бири учун қизиқарли бўлганини эшитиб, гапнинг рости, ҳам хурсанд бўлдим, ҳам ҳайрон қолдим.

Ферде юкорига чикиб, Петрус хузурида бўлганини, у ер яп-янги хоналардан иборат бўлган жуда гўзал жой эканини айтган эди, отам:

– Бунинг менга қизиғи йўқ, мен яхшиси бир оз сайр қилмоқчиман, зора гаплашадиган одам учраб колса, – деди.

Ферде: Албатта, юкорида бунинг иложи йўқ.

Улар шу зайлда гаплашиб турган эди, иккита хотин бири кўйиб, бири ҳамширани ёрдамга чақира бошлади. Отам уларга эътибор ҳам бермади, унинг кувноқ юз ифодасида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Унинг бутун диққат-эътибори Ферде билан менга қаратилган эди. Ферде (уни бу ерда Шопенхауэр деб ҳам аташарди) аёлларга ўгирилиб, аччиқ танбеҳлар бера бошлагандан кейингина, унинг диққати бўлинди.

– Ёрдам! Ёрдам беринглар!

– Жим бўлсанг-чи!

– Уйга кетмоқчиман!

– Унда, такси чақир!

– Менга дўхтир керак!

– Унинг иш вақти тугади!

– Қадрли жаноб доктор!

– У уйида, севгилисининг ёнида!

– Менга ёрдам керак!

– Сенга энди ҳеч ким ёрдам беролмайди!

Аёл уялиб: Вой, буни билмаган эканман.

Хайрон қолган жойим шуки, иккала аёл ҳам, гарчи Волфурт ва шу атрофдан бўлса-да, немис адабий тилида гапиришди, бу билан балки вазиятнинг жиддийлигига урғу бермоқчи бўлишган, чамаси. Отам ҳам Ферде билан кўпинча немис адабий тилида, бироқ бутунлай хотиржам оҳангда гаплашар, афтидан, мазмун жиддийлигига эътибор қаратмоқчи бўларди.

Отамнинг орқа томонида, стол атрофида яна икки аёл бақир-чақирга парво ҳам қилмай, гезета ўқиб ўтиришарди. Мен учун эса кимдир ёрдам сўраб илтижо қилаётгани, бунга жавобан Ферденинг луқма ташлаётганини шунчаки

эшитиб ўтириш нокулай эди. Афтидан, ҳамширалар, шунингдек, бошқалар ҳам буни соатдаги какку қушнинг овози, деб ўйлашган бўлсалар керак, начора, камина ҳам шундай тасаввур қилиб қўяқолдим.

Бошқа бир куни отам қўшиқ хиргойи қилаётган эди, газета ўқиб ўтирган аёллардан бири истар-истамас гап ташлади:

– Алё, эй? Жим бўлсайди!

Шунда отам Фердега қараб:

– Ана кўрдингми, замонлар ўзгаради, бироқ узоқ давом этмайди.

Бу гапни у иккиланмай, дадил айтди, бироқ сўз оҳанги афсус билан “пешонам шу экан” деган туйғу орасида муаллақ эди.

Ферде:

– Биласанми, мен ҳамма тоғлар устида юра оламан. О, кани энди яна бир бор Альпга чиқсам. Ана ундан кейин Рикатшвенде¹ қайдасан деб, тушиб кетаверардим.

Отам:

– Мен эса сен билан бормасдим.

– Нега энди?

– Чунки мен ҳеч кимман.

– Йўқ, сен ҳалиям ўшасан.

Отам илжайди:

– Ишонмайман.

Ферде: Сен фақат хоҳлашинг керак, холос.

Отам: Менда хоҳиш унчаликмас. Аммо умид бор. – Биласанми, ҳаётда мен кўп юрганман.

Ферде бир нима деди, илғамай қолдим. Отамда шубҳа пайдо бўлди шекилли, деди:

– Яхши, маълумот учун қабул қилдим. – Хўш, энди нима қиламиз? Тасбеҳ ўгириб, дуо ўқиб ўтираверамизми?

Ферде: Йўқ!

¹ Рикатшвенде (Rickatschwende) – Дорнбирн (Форарльберг)да жойлашган саломатлик маркази

Отам: Чузилиб кетади, фойдасиям йўқ. Ўзи тасбех ўгиришни биласанми?

– Билсам керак.

– Хўш, қанақа бўлади? Қани, кўрсат-чи.

Отам бош чайқаб, мавзуни ўзгартиради.

Ферде қараса, ундан бир иш чиқмайдиганга ўхшайди.

– Ҳа, кейин улар сени кутига солиб, асфаласофилинга равона қилишади.

Отам:

– Яхшиси, яна бир озгина ғозга ўхшаб *гагиллаб* юргим бор. Биласанми, бундан бошқа йўл ҳам қолмади. Лекин у ёқ-бу ёқ дегандай, қўлимдан келади, ҳали ўзинг кўрасан, билиб ҳам оласан.

Ферде яна юқорига чиқиб, Петрус олдида бўлганини, у ёқ-бу ёқни томоша қилганини, бироқ Петрус унга, яъни Фердега рўйхатда йўқсан, деганини гапириб берди. “Юқорида уларники яп-янги хоналар, бир чиқиб кўрсанг бўларди”.

Отам яна:

– Айтдим-ку, буларнинг менга кизиги йўқ деб. Ундан кўра, бир оз юриб, у ёқ-бу ёқни айланмоқчиман.

Ферде: Ҳаётинг адо бўлди-ку.

– Сен-чи, сен? Ўзинг шунақа қилиб юраверасанми?

Ферде кулимсираб: Яна бир-икки йил бўлса, йўқ демасдим.

– Ҳа, кўриниб турибди, ҳали куч-қувватинг бор.

Отам хаворанг, енгил гул солинган фланелька¹ кўйлагининг юқори тугмасини ечди, ёқасини кенгрок очиб кўйди-да, кулимсиб деди:

– Ҳаво етишмаса, бўғилиб кетаман.

Ўша стол атрофида озғингина бир киши аравачада оёқларини худди юраётгандек аста ҳаракатлантириб ўтирар, айнаи чоғда юзи ва гавдаси қимир этмасди. Отам унга қараб, хайрон бўлди:

¹ Фланелька – фланель (ип ёки жундан тўқилган енгил икки томони патли сазлама)дан тикилган матросча кўйлак.

– Бу ишинг унчалик ҳам фойда бермаса керагов.

Ферде:

– У кун бўйи тиним билмайди. Ўзиям бир кунда бутун
Австрияни айланиб чикса керак.

Отам сонларини ушлаб:

– Менинг эса қуйи қисмларим титраб-қақшайди. Қуйи
қисмлар мен учун жуда муҳим.

Ферде: Яхши, қуйи қисмларинг ҳалиям ишларкан.

Отам: Шундай.

Ферде: Ҳозир неча ёшдасан, Август?

Отам: Билишинг шартми?

Ферде: Албатта.

Отамга ёрдамлашвордим. Яқинда саксон учга киради,
дедим. У самимий миннатдорчилик билдирди:

– Ҳимматинг учун раҳмат. Қойил қилдинг.

Ферде: Биз эса ҳали йигирмадан ҳам ошмадик.

Отам: Онам ҳам ҳали тетик. Бироқ ...

Шу чоқ кушеткада ётган хотин бирдан қичқириб юбор-
ди:

– Жон ҳамшира! Ҳамширажон! Жон ҳамшира! Келинг,
ёрдам беринг!

Ферде: Ҳамшираям бугун унча табаррук бўлмай қолди!

Бошқа аёл: Шундай чарчадим! Шундай чарчадим-ки!

Ферде: Ундай бўлса, бориб ухла! Хонангга бор-да, ухла!

Кушеткадаги хотин:

– Э, худойим, мен нима қилдим! Ўзинг мадад бер, ху-
дожон!

Ферде: Ўзинг раҳм айла!

Отам хайрон ва хурсанд бўлиб: Ростданми?

Аёл: Нимага? Нима учун?

Ферде: Бўлмасам-чи!

Отам: Агар улар сени ишлатса борми, ибодат қилиб,
дуога қўл очардинг. Кўринишдан ҳалиям кучлига
ўхшайсан, йўқ демасанг керак?

Ферде: Йўқ дейиш йўқ.

Отам эътироф этиб: Сен ҳалиям жуда бақувват ва ке-
лишган йигитсан.

Ферде кулади: Мен келишган эканман!

Айтишича, у эрталаб “тез ёрдам” уловида Фельдкирхга – шифохонага борган экан. Йўлда феъли айниб шофёрга: Қани, рулни бўшат, мен ҳам бир ҳайдай. деганмиш.

Энди икковлон сездирмай қочиб кетиш ҳақида гап бошлади. Кейин эса Ферде яна бояги дийдиёсини давом эттирди: юқорига – Петрус олдига чиқса, сен рўйхатда йўқсан, дебди ва ҳоказо. “Аммо-лекин у ер менга ёкиб қолди”.

Отам: Ҳа, юқорида вазият ҳақиқатан ҳам яхшига ўхшайди. Аммо мен барибир Волфуртда қоламан.

Овқат таркатила бошлагач, улар билан хайрлашдим.

– Ҳа, уйга борақол, – деди отам. – Сенга маслаҳатим: доим уйда бўл ва ҳеч қаёққа чиқмагин!

Қариялар уйига биринчи марта борган пайтимда негадир яшаб ўтган, ҳозир яшаётган ва келгусида яшаши лозим бўлган одамларга бир зум ачиниб, раҳмим келганди. Аммо вақт ўтиши билан мен ана шу терс вазиятга кўникдим ва ниҳоят, бундай ҳаёт тарзини ортик ғалати деб ҳисобламай қўйдим. Умуман олганда, касалликнинг доимий қайталаши сабабли бу ерда сокин, бир текис ишчанлик ҳукм сурарди. Бу ердагиларнинг дўриллаган овозда жавраб, вайсашлари, бир-бирини чақиришлари дастлаб менга эриш туюлган бўлса-да, дилкашликларига гувоҳ бўлгач, самимий ва ёқимли эшитила бошлади.

Ака-укам ва синглим қариялар уйининг дам олиш хонасидаги шароитга чидай олмас, отамни имкони борича тез-тез ташқарига олиб чиқишарди. Синглимдан ўз ташрифлари ҳақида гапириб беришни сўрасам, у қўл силтарди. Унингча, бу ҳақда ҳикоя қилиш менинг стратегиям (санъатим) бўлса, унинг стратегияси у ерда нимаики кўрган бўлса, ундан дарров халос бўлиш экан. Унга у ернинг қизиғи йўқ, эшикдан чиқиши билан беш дақиқа ичида унутиб юборар, қанча тез унутса, шунча хурсанд бўларкан. Агар у менинг бу ҳақда ёзган нарсамни ўқиса, ҳаммаси яхши, ҳатто жилмайиши ҳам мумкин, бироқ вазият аслида даҳшат экан.

Укам айтишича, у ерга боришга оёғи тортмадими, тамом-вассалом, боролмайди. Бу билан у ёлғизланиб қолмайди, чунки отамизни Оберфельдга мунтазам олиб келиб турардик.

Шунақа, одамлар ҳам ҳар хил бўлишаркан. Отам таъбири билан айтганда: *Худонинг бандалари турфа хил*, беш қўл барабар эмас. Менга қариялар уйидаги муҳит маъқул эди, ходимлар ҳам мулойим ва меҳрибон, аёллар-ку, шу атрофдан, ҳаммаси бир-бирини сансирайди. Кўпчиликнинг кайфияти яхши, ҳаётидан мамнун. Гарчи улар ташқи оламга унча “мос келмаса” ҳам, менга ҳарқалай тўғри келади, деб ўйлардим.

Ёз фаслининг охириларида қариялар уйига сўнгги марта борганимда отамнинг кайфияти унча яхши эмасди. Келиб чиқиши асли филиппинлик бўлган санитар аёл мени куйидаги сўзлар билан кутиб олди:

– Э ана, бахтимизга Арнонинг ўзи ҳам кепқолди. Август анчадан бери уйга кетаман деб кўнмаяпти.

Мен уни бокқа олиб чиқдим. Айтишича, ўз аҳволидан жуда ташвишга тушиб қолганмиш, ҳеч нарса “ўнгидан” келмаётганмиш. Уйга бораман деб қанчалик ҳаракат қилмасин, бир қадам ҳам олға босаолмаётганмиш. У бошини куйи солди ва худонинг зорини қилиб нолидики, бу балки шу билан боғлиқмикин, яъни ўтган ҳафта охирида Оберфельдга икки марта борган ва ундан бир кун олдин ака-сингиллари билан туғилиб ўсган кадрдон уйида бирга бўлганди. Робертнинг аёли Марианна хола айтиб берувди, ўшанда зўр гурунги бўлган экан, ҳамма хурсанд, Август ҳам Паулнинг ҳикояларини диққат билан қизиқиб тинглаган экан.

Ҳозир отам мени Паул деб ўйлаб, уйга боришига ёрдам бера оламанми-йўқми, мендан қайта-қайта сўрарди. Битта гапни ҳадеб такрорлайверар, дард уни буткул лоқайд қилиб қўйган эди. Мен бир озгина ўтирайлик, сўнг йўлга тушамиз, деб уни тинчлантирдим. У хавотирланиб, ҳақиқатан ҳам уйга борамизми, деб яна сўради. Ҳа, борамиз, ҳозир Ҳелга келсин, дедим. У хурсанд бўлганидан раҳмат ай-

тиб, юзимни кўлининг орқа тарафи билан икки ёки уч марта, кўлининг ички томони – кафти билан бир марта силаб кўйди. Идишчада хўжағат (малина) опкелгандим, унга доналаб егиздим. Сўнг хонасига бориб, мусиқа тингладик. У қачон кетамиз деб, сабри чидамас, аммо “укаси” ёнида эканлигидан ўзида йўқ хурсанд эди. Бир оз вақт ўтгач, уйга кетиш хаёли ёдидан кўтарилди шекилли, тинчланиб қолди. Ухлаш вақти ҳам бўлганди, нарсаларимни йиғиштирдимда, сездирмай “куён” бўлдим. У билан хайрлашишга ҳам ботинолмадим. Индамай кетарканман, кўнглим бузилиб кетди. Йўлакдан ўтаётиб, бир оркамга қайтмоқчи бўлдим, аммо ўзимга ўзим: қочавер, болалар, дедим.

Бу – сенинг устахонанг. Ёдингга тушдими?

Ҳа, бу ерда жуда кўп нарсалар ҳали яна керак бўлади, деган мақсадда сақлаб қўйилган. Ҳаммаёқ эски нарсаларга тўла. Ўзинг-чи, бу ерда нима қиляпсан, ишляяпсанми?

Баъзан отвёртка(винт бурайдиган асбоб) ёки эгов керак бўлиб қолади. Сенинг асбобларинг билан ишлаш менга ёқади.

Менга эса йўқ. Ақл, онг, идрок деган нарсалардан қандайдир маҳрум бўлиб қолгандайман. Ҳаммаси жойида бўлганда-ку, хурсанд бўлардим.

Мен сендан хурсандман.

Ундай бўлса яхши. Энди ўзимни ёлғиз ёки умидсиз ҳис қилмайман. Мен кўп нарсани кўрдим. Кўп нарсаларга эга бўлдим ва кўп нарсага эришдим. Энди фақат озгина лаёқат етишмай турибди, майли, ҳечқиси йўқ.

Менимча, сен ўзингга етарлича баҳо бермаяпсан. Мен эса сенга юқори баҳо бераман. Эҳтимол, оддий маънодаги лаёқат камайса камайгандир, аммо-лекин ҳали кўп нарса мавжуд.

Ҳа, ҳа, илгарилари бир нималар қилганман, улар ўз гоёларим асосидаги нарсалар эди, энди эса кучсизман. Ҳечқиси йўқ. Агар хафа ёки умидсиз бўлсам, сизлардан ёрдам сўраган бўлардим. Аммо мен бутунлай мамнунман. Камина кўп нарсага эга бўлдим. Лекин бугун менга – анча бўлди – ортиқ ҳеч нарса керакмас. Анчадан бери ҳаракатларим ва уқувим пасайиб бораёпти. Ёшлик чоғларимда кўп нарсаларга қодир эдим. Энди эса, тўғриси айтсам, ҳеч нарса қўлдан келмай қолди. – Йўқ-йўқ. Ҳаммаси шунчаки беҳуда. Аммо кўп нарсалар қўлимдан келмай қолган бўлса ҳам, бутунлай бахтсиз эмасман. Бари шунчаки ўтиб кетди. Агар бошқаларнинг омади келса, бунга хурсанд бўламан. Аммо энди куч-қувватим қолмади.

Бу уй ўз вазифасини бажариб бўлди. Унда болалар дунёга келди, ўсди-улғайди ва вояга етди. Отам аллақачон қариялар уйига кўчиб кетган бўлса-да, у ҳамон чидаб турарди. Бу ердаги ҳамма нарса эскирган, урфдан қолган, хуллас, бизга ортиқча ташвишдан бошқа нарса эмасди. Отам бу уйни ўзи мустақил, ўз кучи ва ақли билан бунёд этган. Етмишинчи йиллардан буён доим кўшимча бир нималарни қуриш билан овора бўлган. Нима десамикин? Бунақанги уйларни билвосита *автопортретлар* деб ата-са ҳам бўлаверади.

Уй ташқаридан қараганда омонат ва ногирон одамдай таассурот қолдиради. Отам кўшимча қурилишлар қилган пайтда, вақт ўтгандан кейингина ёрдам сўраган. Неча ўн йиллар мобайнида у ишхонада ўзи мустақил ишлай олиши учун қандай билим зарур бўлса, ҳаммасини эгаллашга эришган. Уйдаги юмушларда ҳам унчалик катта муваффақиятга эришмаган бўлса-да, ҳарҳолда худди шундай омилкор бўлишга интиланган. Баъзида натижа кўнгилдагидек чиқмаган пайтлар ҳам бўлган. Бунинг устига, отам бора-бора ҳар қандай исрофгарчиликка тўғридан-тўғри патологик нафрат билан қарашга одатланган. Беҳуда сарф қилиш, маблағ совуриш энди болаларга қолганди.

Отамнинг саксон уч йиллик тўйи ҳафта охирига тўғри келди. Барча оила аъзолари йиғилгани боис онам жума куни уй олдига катта контейнер опкелтирди. Уйни эски-туски, лаш-лушлардан тозалашга киришдик.

Иш осон ва тез борарди. Омборхоналар, боғ ва гараж ортиқча қақир-куқирлардан бўшаб борган сайин ўзимизни тобора енгил ҳис қилардик. Ишга ғайрат билан киришганимизга яраша контейнернинг мос келмагани чатоқ бўлди, уч марта бориб келмасимизданок, тўлиб қолди. Ҳали уй юкорисигаям етиб бормагандик, ертўлада ҳам бир нимага яраб қолар деб саклаб қўйилган, бироқ вақт ўтиши билан бутунлай нокерак матоҳга айланган майда-чуйда нарсалар уюлиб ётарди. Об-ҳаво ёмон бўлади, деган маълумотга кўра, бир қўшнимиздан брезент сўраб олувдик, у бизни огоҳлантирганди – уйини тозалашганда улар иккита контейнер олишган экан.

Август ойининг охирида уйимиз олдида иккинчи контейнер турарди. Бу орада синглим ўзи брезент сотиб олди, чунки яна ёмғир ёғади, дейишганди. Шунинг учун ишнинг катта қисмини жума куниёқ бажариб бўлдик, онам билан Катарина бизга ёрдамлашди – энди навбат чордоққа етиб келганди. Уй нисбатан баланд, бўйи фронтон (иморат пештоғи) остидаги деразалар билан қўшиб ҳисоблаганда, кўча сатҳидан салкам саккиз метр келарди. Бир вақтлар Петерники бўлган хона деразасидан неча ўнлаб йиллар мобайнида чордоқда қолиб кетган нимаики нарса бўлса, деярли ҳаммасини пастга – боққа қараб улоқтирдик. Тахталар, гипскартон плиталар, эски кийимлар солинган картон кутилар, болалар учун мўлжалланган эски қаватма-қават каравотлар, эшик тахталари, комод (кийим-кечак турадиган жавон)лар, эски гиламлар, чамадонлар, дарча қопқоқлари, эски партўшаклар ва матраслар, бир-бирига урилиб, ёрилиб кетган мебеллар – ҳамма-ҳаммаси энди боғ ичида худди маст одамлардай думалаб, айқаш-уйқаш бўлиб ётарди. Улар орасида стол (тахта) устида ўйналадиган *ҳаёт уйини* ҳам бор эди. Энди унинг ҳам кераги йўқ, ровий ҳикояси ўз поёнига етганди.

Шанбадан якшанбага қадар ёмғир ёғиб чиқди. Якшанба куни пешиндан кейин қуёш чиқиб кетди ва биз ишни давом эттирдик. Онам бориб отамни опкелди, уйда кувноқ кайфийат ҳукм сураб, отам ҳам ўзи билан ўзи овора эди. Айвондан ўтиб бораётиб, ногоҳ унинг елкасига қўлимни қўйгандим, у менга кув назар ташлаб, деди:

– Аҳа, сен ишёқмасга энди мен тиргак бўлдимми...

– Мега эса бу ёқади, рост, чин сўзим.

Орадан ҳаял ўтмай, бизнинг ишлаётганимизни кўриб, деди:

– Агар мен сизларга чинданам керак бўлсам, айтар-сизлар, ёрдам бераман. Лекин *чинданам* деган сўзга урғу беряпман! Демак, мен айтдим-қўйдим, буёғи сизларга ҳавола. Қаранглар, дангасалик қилманглар.

Туш пайти у Ҳелга билан менга уй олдидаги боғ деворини қанчалик моҳирона курганини айтиб, умуман, у пухта ўйлаб чиқилган режа асосида бунёд этилганини таъкидлаганди. У бугун нимагадир *қувноқ кайфийатда*, гапга ҳам жуда чечан эди, мактовларимизни эшитиб, роса маза қилаётганди.

– Ҳа, сендан кўп нарсаларни ўргансак бўларкан!

Ҳақиқатан ҳам ундан “кўп нарсани”: бир куни керак бўлиб қолар деб, ҳаёлга келган нимарсаларни сақлаб қўявериш ножоиз эканини билиб олдик. – Қариялар уйдаги хонасига қараганда катта фарқ бор эди. У ерда у торгина жойда яшар, бирон нима йиғиб, тўплашнинг ҳам имкони йўқ эди. Умуман одамзодга то ўлимига қадар ўзи нима-нима керак бўлади? Уйни тозалаётганимизда бу ҳақда кўп ўйладим. Чунки уйда отамнинг ҳаётида чуқур из қолдирган бир ҳовучгина нарса бор эди, холос ва буни биз сўзсиз асраб қолишни истардик. Қолганлари эса шунчаки оддий ашқол-дашқол эди.

Якшанба куни қош қорайиб қолганда ҳам тўрттала фарзанд ҳамон ертўлада куймаланардик. Петер, Ҳелга ва Вернер устахонада, мен эса омборхонада эдим. У ердан қаҳва дони янчадиган эски қўлтегирмон, шницель тайёрлашда фойдаланиладиган ёғоч тўқмоқча, эски абажур (лампа

копқок)лар, ота-онамнинг биринчи кир ювиш машинаси-дан қолган барабан, винодан бўшаган картонкутилар ҳамда тикиш асбоб-ускуналарини топиб олдим. Ис-чангнинг кўплигидан, ҳаммаёқни моғор (пўпанак) босиб кетганидан тез-тез чучкирдим. Шипга тақаб қурилган, бево-сита кўча юзи билан баравар торгина чўзинчоқ деразани очиб юбордим. Ўн-ўн уч ёшлик пайтимизда Петер икка-ламиз сувга шўнғиш спорт тури билан шуғулланувчи ёш табиатшунослар билан бирга таътилдан қайтганимизда, кечаси уловдан эшик олдида тушиб қолиб, уйга шу дера-задан ошиб тушгандик. Афтидан, каравоти дам олувчи-ларга ижарага берилган бўлса керак, ўшанда Ҳелга ме-нинг ўрнимда ётган экан. Ундан Милянинг эри Алвин амакининг вафот этиб, дафн қилинганини эшитиб, қотиб қолганман. Ҳозир ўша олис воқеаларни эслаб, уларнинг мудроқ акс-садоларини тинглагандай бўлдим.

Ҳелга бир маҳал устахонадан дала сичқонларини тутадиган иккита копқон топиб келиб, улар керак бўладими-йўқми (йўқ, Волфуртда дала сичқонлари деярли қолмаган, уларни табиий муҳофаза остига олиш мумкин) деб сўраб қолди. Шунда бир вақтлар Паул амакимдан отамнинг энг зўр истеъдоди нимаиди, деб сўраганим, у эса лўнда қилиб: “Сичқон тутиш!” дея жавоб бергани эсимга тушиб кетди.

1939 йилнинг кўкламида қишлоқ жамоаси тутилган ҳар бир дала сичқони учун бир неча пфеннинг (майда, чақа) пул тўлаган. Август билан Паул даладан сичқон тутиб, ҳар бири биттадан – NSU ва Viktoria маркали велосипед сот-волишган. Август ишбоши, Паул эса унга ёрдам берган. Ўшанда наинки ўзларининг, балки қўшнининг ерини ҳам айланиб чиқишган.

Жамоа бундан ташқари ҳар бир кило тилла қўнғиз учун грош (сарик чақа) тўларди. Йозеф билан Роберт брезент олволиб, Брегенц анҳори бўйидаги кўплаб сербарг дарахтларни таёқ билан силкитганча Оберфельд чеккаси-га қадар бориб келишган ва бир кунда қирқ кило тилла қўнғиз тўплашган – шу тариқа оз-моз пул ишлаб олиш-ган.

Супургини олиб, чанглари эшик ташкарисига супуриб ташладим. Кечкурун соат тўққиз яримда ниҳоят, ишни тугатдик. Контейнернинг устини ёпмадик – осмонда юлдузлар чарақларди. Пастга – айвондаги хонамга тушдим, у ерга чигал шарт-шароитлар важдан ўн уч ёшимда кўчиб ўтган эдим. Уй жимжит эди. Онам юқоридаги хоналарнинг бирида, Катарина эса шанба кuni тунги поезд билан Венага жўнаб кетган эди. Ўтириб, бўлиб ўтган воқеаларни ноутбукка ёза бошладим. Шунда Вернернинг устахонани тозалаётганда айтган гапи бехосдан эсимга келиб қолди. У девордаги токчадан қандайдир қоғозлар топиб олган эди.

Эринмай устахонага тушдим. Уюм бўлиб ётган турли хил ҳужжатлар орасида битта папка қўлимга илинди, унга ўн уч дона варақ тикилган эди. Ушбу қоғозлар қатига йигирма тўрт ёшли отамнинг уруш ҳақидаги хотиралари муҳрланган бўлиб, папкага неча ўн йиллардан бери қўл тегизилмаган, мен ҳатто унинг борлигини ҳам билмаган эдим.

Қоронғи, ғира-шира йўлакдан гандираклаб, ошхонага қайтиб келдим, ўтириб, қоғозларни ўқишга тушдим. Дастлабки саҳифаларда ўн саккиз ёшли ўспириннинг бир йиллик умрини беҳуда совурган уруш ҳақида тезгина ҳикоя қилинган бўлса, кейинги бетлар жанг майдонидан сўнг кечган воқеаларга бағишланган эди. Ҳарбий шифохонада ўтган оғир кунлар ва уйга қайтиш машаққатлари батафсил ёритилган, отамнинг бир бурда нон сўраш илинжида Форарльберг шевасида гапирадиган одамларни қидиргани ҳақидаги ҳикоя қалбларни ларзага соларди. Мени тафсилотлар бир томондан, яққол-равшанлиги билан тонг қолдирган бўлса, бошқа тарафдан эса менда шунча ҳаракат қилганим билан отам ва унинг ҳаёти ҳақида, келиб чиқиши, мағлубиятлари, ҳадик-хавотир ва истаклари тўғрисида жуда оз биларканман, деган афсуснамо ҳиссиёт уйғотди.

Урушда тушган ўлжаларни юклаб юрган пайтида азбаройи оч қолганидан айниган суякни ғажиб қўйиб, ичкетар

бўлиб қолганини, қисқа вақт ичида нақ қирк килога озиб кетганини, ҳамёнидаги шаффоф қоғоз остида асраб келаётган фотосурати ҳақида ора-сира эслатиб ўтганини яхши билардим. Суратга тушишдан олдин мархумлар ва жон бераётганлар орасида тўрт ҳафта бўлгани мен учун янгилик эди. Братислава яқинидаги ўша омборхонада касаллар учун чуқурлиги эллик сантиметр бўлган ёғоч сўрилар ўрнатилган. Кўп ҳолларда торгина тахта устига 2 тадан касал зўрлаб жойлаштирилган, улар бир-бирига тикилиб, ёнбош ётишга мажбур бўлишган. Юқумли касалликлар ва тузалмас оғир яра-жароҳатлар сабабли вазият ниҳоятда таҳликали бўлиб, тақдирга тан беришдан ўзга чора йўқ эди.

Кечалари кундузга қараганда анча салқин бўлиб қолганди. Рус ҳамширалари, мен уларни гоаят ёқимсиз хотира билан эслайман, ҳар икки кишига биттадан адёл беришган, шу сабабли баъзида тўни билан совқотиб чиқардим. Ахийри анча тузалиб қолган бир шеригимдан менга битта свитер топиб беришини илтимос қилишга мажбур бўлдим. Эртасигаёқ тонгда у мен сўраган нарсани опкелиб, қўлимга тутқазди. Айтишича, кечаси бир маҳбус қазо қилган экан, унинг эгидан русларга билдирмай ечиб олибди.

Менинг каравотим ўлим лагери деб ном олган жаҳаннамнинг нақ рўпарасида эди. Касали кучайганлиги сабабли айрим беморлар шифокорлар томонидан рўйхатдан ўчирилиб, ўша лагерга жўнатиладди. Бечоралар ўзлари ҳожатхонага бора олмас, ҳеч нарса емай-ичмай қўйган, ётган жойлари кўпинча қонга бўялар, ҳожатга чиқмоқчи бўлишса, заиф ва тушкун овоз билан санитарларни чақирардилар... Уларга мадад берадиган, ҳолидан хабар оладиган ҳеч бир кимса йўқ эди... Кўпчилигининг эс-ҳуши жойида, бироқ тери билан сўякнинг ўзи қолган. Деярли кўнига камида бир ёки бир неча киши ҳаётдан кўз юмар, буларни кўриб туришининг ўзи даҳшат эди.

Бу марҳумлар зулмат қаърида ҳали узоқ йиллар давомида шивирлаб ётишса ажабмас. Шивирлайдиган марҳумлар... Агар қайси бири гўзалроқ, ўлимми ё тириклик, деб овозга қўйилганда эди, кўпсонли марҳумлар албатта ўлим учун овоз берган, уни ёқлаган бўлардилар.

2 кун ётдим, сўнг иситмам йўқолди. Яна ишга чиқишим, чунончи, ўликларни кўмишим керак эди. Ўтган кун давомида ўлган ўнта маҳбус ялонғоч қилиб ечинтирилгандан сўнг, аравага ортилиб, устига эски-туски чойшаблар ташланди.

Саккиз нафар ҳарбий асирлар худди юк ҳайвонлари сингари ўликлар ортилган аравани Прессбург кўчалари бўйлаб ахлатхона томон судраб кетишди. Ўликлар у ерда аввалдан ковлаб қўйилган чуқурларга улоқтирилгач, мен энди уларни кўмишдек ёқимсиз ишни бажаришим керак эди. Бу ерга қанча асирлар кўмиб ташландийкин, буни ҳеч ким аниқ айтолмайди. Ҳарҳолда бу ерда қабрлар кўп эди, уларни “қабрлар” деб аташ жоиз бўлса агар.

Отам келиб чиққан дунёда бунақанги ёлғизлик, ожизлик, ночорлик, қаровсизлик деган гаплар йўқ эди, унда одамлар ўз уйида, оиласи бағрида ва руҳонийлар гувоҳлигида бандаликни бажо келтирардилар. Гўрковлар эса ўлганларни номма-ном билишарди. Балки шунинг учун ҳам отам кўп йиллардан буён марҳумларни хотирлаш кунида *Қора Хоч* (1919 йилда ташкил топган Австрия Қора Хоч жамияти уруш ва сиёсий таъқиб қурбонлари, қочоқлар ва аскарларнинг мазорларини муҳофаза қилиш ҳамда ободонлаштириш билан шуғулланади – *тарж.*) учун маблағ тўплашга мунтазам ўз хиссасини қўшиб келгандир, эҳтимол. Одатда у ҳеч қачон ветеранлар билан учрашмас, биз, болаларга ҳам ҳеч қандай тафсилотларни ҳикоя қилиб ўтирмасди. У буни ўз-ўзи ва марҳумлар билангина ўртоқлашарди, холос. Улар унинг тушларида, ўй-хаёлларида яшар ва унсиз кийин-қистовлари билан унинг қарорларига таъсир кўрсатиб туришарди; бу марҳумларнинг “иш” услуби эди.

“Ҳа, уйга борақол. Сенга маслаҳатим: доим уйда бўл ва ҳеч қаёққа чиқмагин!”

Якшанбадан душанбага ўтар кечаси Ой хонам яқинидаги сўнгги қорақарағай узра илинган кўйи хонамни ёритиб турарди. Туннинг иккинчи ярмида тонгга яқин кучли шамол эсгандай бўлди. Хонам эшиги олдида – пастда шамол қайдандир учириб келган газета варақларининг шитир-шитиридан уйғониб кетдим. Эрталаб барвақт иккинчи контейнер йўқ бўлиб қолганини ҳеч ким сезмабди. У олиб кетилганда биз ҳали ухлаб ётган эканмиз. Кўз очиб юмгунча майдон бўм-бўш бўлиб қолибди.

Кейинги кунлар ичида онам икковимиз ўзимиз билан макулатура, металл (темир-терсак) ва эски кийимларни олиб кетавердик. Гараж ҳам аста-секин бўшаб борарди. Изтопарларнинг эски-туски сотиладиган бозори учун ажратиб қўйилган озгина ўтин қолганди, холос. Онам жўнаб кетди, уйда яна ёлғиз ўзим қолдим. Отам энди бу хоналарга ҳеч қачон қайтиб келмаса керак. Якшанба кунлари ёки оилавий байрамларга келганда ҳам энди ошхонада ўтиради. Худди кенг рақс майдониغا ўхшаб, бўм-бўш бўлиб қолган ётоқхонаси ҳам энди унинг оламига мансуб эмас эди.

Кўпинча уй ичида айланиб юрардим. Гўё кимдир бу ерда ўзини бемалол ва хавфсиз ҳис қилиши учун шароит яратишга зўр куч-ғайрат сарфлагандек эди. Энди эса ҳеч ким йўқ эди, одам ҳам, уй ҳам, дунё ҳам. Қачонлардир бу ҳақда *Мағлуб жангдан сўнгги манзара* деб номланган китоб ёзсаммикин, дея ўйлаб қолдим.

Сентябр бошланиб, учинчи ўримга тушилди. Отамнинг иккинчи укаси Эрих боғ ичидаги ўтларни чалғи билан ўришга киришди. Куз фаслининг дастлабки очик, илиқ кунларини яхши кўраман. Бу пайтда қип-қизил олмалар, сап-сарик ноклар ажиб манзара касб этади. Ўти ўриб олинган кенг далалар бўйлаб шамол бетиним эсади, дарахтлар худди фрегат (ҳарбий соқчи кема)лардай ғичирлаб, қасиркусир қилади, кўшни боғ тарафлардан ўйинқароқ болалар-

нинг шўх-шодон овозлари эшитилади. Дарахтлар ва уларнинг япроқлари тўкилиб улгурган йирик шохлари ботаётган куёш нурида аниқ ва тиниқ кўзга ташланади.

Ёзув столим оша мевазор боғларга, қўшнилари тарафга назар ташлайман. Эрих амаким билан Валтрауд холам деярли ҳар куни далада ишлашади. Бир куни қўшни уйдан олти ёшлар атрофидаги турк болачанинг чопиб чиқиб, аравага хашак ортаётган Эрих амаки ёнида айланиб юрганига кўзим тушди. Боланинг қўлида олма, Эрих амакини „Ора“ (бобо) деб чақиради, бу менинг назаримда, янги маданий ўзликнинг шаклланиши эди, чунки отам ва аксингилларининг болалиги ўтган анъанавий жамият таназзулга юз тутганди. Тузилмавий ўзгариш деб аталадиган воқелик Волфурт ўрнида *турар-жой ва саноат ташкилотини* вужудга келтирди. Кимки энди баланд ўсадиган мевали дарахт ўтқазса, ташкилот унга дотация (ёрдам пули) тўлайди. Мақсад – бу ерларда поёнига етаётган маданият кишлокнинг у ер-бу ерида бўлса-да, ўзидан оз-моз из қолдирса бўлди.

Олмани ғажиркан, бола энди дала бўйлаб у ёқ-бу ёққа юради ва узоқдан эшитилган болалар овозига ўзича жавоб беради: “Какку! Какку!”

Сўнг ўтган йили қурилган янги иморатлар томон йўл олди. Ана, қизчасининг қўлидан ушлаб олган ёш бир йигит кичик боғ ичидан ўтиб, янги уйнинг айвони эшигидан кириб кетди. Отам қариялар уйига борган пайтда бир аёлдан хона қабул қилиб олганди, бу йигит ўша аёлнинг невараси эди. Бола яна Эрих олдига қайтиб келди. Эрих хашак ортилган арава билан уй томон кетгач, боғ хувиллаб қолди, ўриб олинган ер – анғизда унда-мунда поя, чўп-чўкиртларгина қолган, улар оч яшил тусда яркираб кўзга ташланарди.

Фридрихсхафен тарафдан цеппелин (каттик қобикли дирижабль – *тарж.*) учиб келиб, Оберфельд чеккасида бир неча марта айланди – ёзда ҳаво яхши бўлса қунига шунақа айланиб парвоз қиларди. Қарчиғайга ўхшаган йиртқич қуш – канюк Унтерфельд (Альпбах(Тирол)да

жойлашган дам олиш уйи – *тарж.*) узра учиб бораётганди, иккита қарга унга қўққисдан ҳужум қилиб, елкаси ва қанотларини тумшуклари билан чўқий бошладилар. Каниюк уларга парво ҳам қилмай, шошилмасдан учишда давом этди ва Брегенц анҳори томон шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди.

Шу топда нимагадир болалик хотираларим эсга тушиб кетди. Ўн беш-йигирма чоғли одамнинг ҳаво айнаиб турган бир пайтда зўр бериб, ўт-хашакни ёмғирдан сақлаб қолганликлари кўз олдимда намоён бўлди. Паншаха билан аравага пичан ортаётган эркакларнинг бақир-чақирлари остида биз, болалар хашакни араванинг дам у бурчига, дам бу бурчига ёйиб, текислаб жойлаштиардик, шиппакчан хотин-қизлар эса арава ғилдираклари ётқизиб кетган ўт-пояларни тўғрилаб боришарди. Трактор аравани силкиниб тортиб боради, бу ёқда момақалдирок гумбурлаб шоширади. Биз, болалар пичан ортилган арава устида юзтубан ётиб олганмиз, дарахтларнинг новдалари тегмасин деб. Шохларга яккам-дуккам хашаклар илиниб қолади. Пичан тимдалаган яланг оёқларимизга катта-катта ёмғир томчилари урила бошлайди. Арава ортидан чопиб бораётган болаларнинг шўх-шодон чинкириклари кулоқка чалинади. Кимдир велосипедда олдинроқ бориб, шийпон дарвозасини очиб қўйган бўлади ва арава бақир-чақир остида хашак-пашаги билан панага олиб кирилади. Сўнг ёмғир кучайиб, шариллаб ёға бошлайди. Шийпоннинг дим хавосидан нафасимиз бўғилади.

Кейин уйга бориб, душда ювинамиз. Бобом билан бувимиз олдида ўтириб, шарбат ичамиз, кетидан музқаймоқ еймиз. Кечки таомдан сўнг, кўзларимиз юмилиб, уйқу босади, телевизор кўриш қаёқда дейсиз. Тирналган болдирларимизни дағал чойшаб сийпалаб, маза қиламиз ва дарров ухлаб қоламиз.

Тепаликдаги пичан ўрими чоғлари ҳам ҳамон эсимда. Улар кўпинча беш киши бўлишарди – Эмил, Август, Паул, Роберт ва Эрих. Етмишинчи йиллар охири ва сак-

сонинчи йилларнинг бошларида улар ҳар йили уч марта ўримга чиқишар, ҳар бири ўзи билан чалғи ўроқ ва қайроктош олиб келарди. Паул билан отам настурция (қизил-сарғиш гулли бирйиллик ўсимлик – *тарж.*) сингари чўп-чўкиртақларга қоқилиб, шикаст емаслик учун эски футбол ботинкаларини кийволишарди. Қия тепалик бўйлаб беш ака-ука қатор турволиб, баравар ўриб боришарди. Вернер икковимиз учун ажратилган болалар хонасининг деразалари тепаликка караган бўлиб, ёзда кечалари очик турарди. Шу боис саҳар соат бешдаёқ қайроктошларнинг илк шовқинидан уйғониб кетардик. Баъзида қайроктошлар бир маромда “шт-шт”, “шт-шт” овоз чиқарар, ҳаял ўтмай чалғиларнинг шудрингга чўмилган ўт-ўланлардан кўтарилаётган пар, буғлар орасида бир текисдаги “шип-шип”, “шип-шип” садолари эшитиларди. Бу тахминан бир ярим соатча давом этар, биз бу орада яна ухлаб қоладик. Сўнг отам ва ака-укалари чалғиларини елкаларига осиб, уйга кириб келардилар. Душга тушиб, ювиниб олишгач, бири ипотека банкига, бошқаси жамоа идорасига, яна бирови ўрмонга қараб йўл олса, униси электр ҳисоблагичларнинг қанча ёзганини қайд этгани, буниси эса Миллий банкка ишга отланарди.

“Одамзоднинг кунлари бамисоли ўт, гийҳ.”

Орасида бир жуфт орхис (доривор ўсимлик) ҳам бўларкан.

Отамни кўргани борганимда уни яна кўл қисишиб, куч синашишга кўндирдим. Аввалига у нотўғри ҳаракат килабошлади. Тушунтиргандим, тез илғаб олди ва мен унга икки марта ютқазиб қўйдим. Бундан у мамнун эди, лекин қозонган ғалабасидан ҳам кўра ҳозир қилган ишимиздан кўпроқ хурсанд бўлди, унингча бу беъманилик эди. У жилмайиб шундай деди:

– Биздақаларнинг бу ерда кераги йўқ.

Қарилик ҳақида нима дейсан?

Ҳа, энди ёш бола эмаслигимни, кексайиб бораётганимни ёки қартайиб қолганимни эсга солади-да. Барибир эмасми.

Ўлимдан қўрқасанми?

Гарчи буни билмаслик уят бўлса ҳам, мен бу ҳақда бир нима деяолмайман.

Вакт пешин бўлган, чоракта кам тўрт эди. Велосипед дўконида шинага бир оз дам бериб, сўнг қариялар уйига жўнадим. Отамни дам олиш хонасидан тополмадим. У ўз хонасида, каравотда ётар, кўзлари катта очик эди.

Гапирсам, индамади. Эшитмади шекилли, деб ўйлаб яна мурожаат қилдим, ҳеч қандай сезиш йўқ, кўзлари қотиб қолибди. Нафас оляптимикан ишқилиб? Қарасам, кўкрак кафаси кўтарилиб, тушаяпти. Хайрият-е. Каттик гапирсам ҳам эшитмаганига миясига қон-пон куюлдимикан ё шунга ўхшаш бир нима бўлдимикан деб ўйлаб, ўзимнинг пульс(томир уриш)им ҳам кўтарилиб кетди. Бироқ ўнинчи ё ўн биринчи бор гапирганимдами, у бир чўчиб тушди-да, менга руҳсиз, паришон бир ҳолда, тўсатдан пайдо бўлганимга ҳайрон бўлгандай каради. Ундан ҳаяжон билан ҳол-аҳвол сўрадим. У эса елка қисиб:

— Яхши бўлсам керак, — деди.

Ҳар бир қисса ўлимга олиб борадиган бош репетиция (тайёргарлик)дир, деган гап бор, чунки ҳар қандай қиссанинг ҳам интиҳоси бўлиши керак. Ҳамонки, ровийлик йўқолиш, ғойиб бўлишга бағишланган экан, аини чоғда йўқолган, ғойиб бўлган нарсаларни қайтариши ҳам бор гап.

Let us sit upon the ground and tell sad stories of the death of kings.¹

¹ Let us ... — Қани, ўтирволиб, қироллар ўлими тўғрисидаги ғамгин ва даҳшатли ҳикоялардан сўйлашайлик (ингл.).

Шундан сўнг, стулга ўтириб, деразадан Лаутерах кўчасини кузатдим. Ундан онда-сонда машина ўтиб турарди. Отамга кўчага чиқиб, тоза ҳавода айланиб келайлик десам, унамади.

– Мен билан бирга кўчага чиқмайсанми, дада? Хўп десанг, бир озгина сайр қилиб келардик.

– Сайр? Қаерга? – сўради у.

– Бокқа-да.

– Қизиги йўқ.

– Волфуртга борсак-чи, дада?

У менга қараб, бош силкиди, бу қалбига қулоқ солишидан далолат эди.

– Бу албатта бошқа гап.

У ўрнидан туриб, мен билан эшик томон юрди. Унга жон кирганидан хурсанд бўлиб, қўлтиғидан олдим.

Одамзод насл-насабидан қанча узоқлашса, шунча узоқ умр кўргандай туюлади. Отам ҳақида шу нуқтаи назардан гапирадиган бўлсак, унинг ҳаётини урушгача қисқа, сўнг қисқа муддат узоқ, ундан кейин жуда узоқ вақт қисқа ва ниҳоят, деменция даврида яна узоқ кечган, дейиш мумкин.

Дадамнинг қариялар уйидаги шерикларидан бири мендан *Бўри ва етти улоқча* болалар қотиллиги ҳақидаги эртак эмасмикин, деб сўраб қолди. Мен унга, балки шундай-дир, ўйлаб кўраман, дея жавоб бердим. Отам уни илгари ҳеч қачон кўрмагандай, унга узоқ қараб қолди.

Шерикларини у “истак ва имкониятлари тўғри келмайдиган шўринг курғур бечоралар” деб атарди, баъзида ўзиниям истисно қилмаган ҳолда “дангасалар” деб ҳам кўярди, афтидан, ўзига ўхшаганлар орасида ўзини яхши ҳис қиларди, чоғи.

– Бу ерда *валакисаланг такасалтанглар* кўп, барини чақириб, тўплаб олганман.

Бошқа бир гал бирдамлик оҳангида шундай деганди:

– Бизнинг турган-битганимиз ямоқ (яримжон демокчи – тарж.).

“Мен Худонинг бир беозор бандасиман, катта гапир-майман ва ҳеч кимга (нарасага) ёмонлигим йўқ”.

Отамни адабиётдаги бирор персонаж билан муқояса қилмоқчи бўлсам, “*Анна Каренина*”даги асосий эркак образ Левин ёдимга тушади. Бунинг боиси, Лев Толстой ёзганидек, гап Левиннинг чалғи билан ўт ўришида эмас. Гап бошқа ёқда. Иккаловини боғлайдиган асосий нуқта, энг аввало – *нарсаларни яхшилаш истагидир*. Отам қариялар уйига қарашли боғни айланиб юаркан, шундай дерди:

– Бу ерда бир нималарни яхшиласа бўларкан. Буни очик кўз билан кўриб айтяпман. Ғалати, нега бунақа қилишдийкин. Бундан бирон фойда кўрмоқчи бўлишганими, тушунолмадим.

Кўпинча у кенгқамровли режалар билан машғул бўларди:

– Менда ғоя демаган тўлиб ётибди, фақат уларни чиқариш бир оз қийин бўляпти-да.

Унинг эзилган, уринган, тиззалари шалвираб қолган шимлари эсимга тушади. У гаражни қуёш соябони остида сувоқ қилган. Ўшанда кўшнилари ҳам шу соябон остида ухлашганди.

У кўпинча дастрўмолининг тўрт учини тугиб, қуёш нуридан сакланиш учун бошига дурра каби ташлаб оларди.

– Булар нима ўзи?

– Булар – дарахтлар, дада.

У қошларини чимириб:

– Сира дарахтга ўхшамайди-я.

Боғда бирга ўриндикда ўтирган эдик. У менинг эски бир ўкувчилар дафтарига алланималарни ёзаётганимни кизиксиниб кузатаркан, сурилиб кетмасин учун дафтарни маҳкам ушлаб турарди. Сўнг:

- Бу қоғозларинг билан тирикчилигинг қалай бўлган?
- Ҳар доим яхши бўлган, – дедим мен.
- Меники ҳам, – деди у.

Ғалати ҳолат. Унга нимаики бермайин, ушлаб туролмайди.

Менга у нима берса, маҳкам ушлаб туравераман.

Бундай дамлар узоқ давом этади ва кўп нарсаларга эътибор беришга вақтим етарли бўлади. Дикқат-эътиборимдан ҳеч нима четда қолмайди, мен хушёр ва сезгирман, барча нарсаларни, гўё атрофимда тўсатдан кучли ёғду таралгандек, аниқ-равшан англай оламан.

Отам ёзув-чизувларимни кузатиб:

– Жим ўтириб, дарсингни қилгин, ўғлим! – демоқчи бўлади гўё.

Ўртамизда нимадир борки, ўша нарса мени дунёга қалб кўзи билан қарашга даъват этган бўлса ажабмас. Бу демак, Алцхаймер хасталиги “алоқаларни узади” деган гапларнинг мутлақо тескарисидир. Баъзан алоқалар ўрнатилади ҳам.

Биз кутган, умид қилган нарсалар барбод бўлган пайтдагина ҳақиқий яшаган бўламиз.

Ўлимга яқинлашиб борган сари ўзига хос тарзда тигизлашиб борадиган бахт биз кутмаган жойда пайдо бўлади.

Уни генерал де Голл каби ушлаб қолиш керак.

Ундан қандай ўлишни хоҳлайсиз, деб сўрашганда:

– Тириклайин! – деб жавоб берган экан.

Берти холамни кўргани борганимда роппа-роса ўн тўққиз ёшда эдим. Берти хола Паулнинг биринчи хотини бўлиб, неваралари билан хайр-лашмоқчи, аниқроғи,

видолашмоқчи бўлганди. Ўшанда бир руҳоний унга соғайиб кетинг, деб энди уйдан чиқаётган экан. Хола бу гапдан ҳафсаласи пир бўлиб, ранжиди. Туридан гури яқин одамга соғайиб кетинг, дейилмайди-да, ахир бу кулгилик, деди у. Уч бола (шундан икки нафари ўспирин)нинг онаси бўлган мана шу аёл ўлим олдида ҳақиқатдан кўз юммасликни талаб қилаётганди. Мана шу қисқагина лаҳза ичида содир бўлган воқеа менда унутилмас таассурот қолдирган.

Баъзан бир лаҳзада шунчалик кўп нарсани ўрганиш мумкинки, уни бутун бир йил ичида ҳаттоки мактабда ҳам ўрганиш мушкулдир.

Бу гап ётсам ҳам, турсам ҳам сира хаёлимдан кетмай қолди.

Отамнинг чўқинтирган уч нафар болалари: Жо, Мария ва Ирми ўз жонларига қасд қилиши билан боғлиқ қайғули воқеалар ҳам худди шу даврга тўғри келади. Ақл бовар қилмайдиган, англаб бўлмайдиган тасодифийлик ортига яширинган бу бахтсиз ҳодиса барчани бениҳоя эзиб юборди.

Отамга шу ҳақда сўз очгандим, эслаёлмади.

– Йўқ, бу тўғрида ҳеч нарса билмайман, – деди у.

Аммо шунга яраша марҳум онаси ҳамон “тирик” эди:

– Уйга боришим керак, онам мени кутиб ўтирибди!

Такдир-қисмат минглаб йиллар давомида элементар тушунча бўлиб келганлиги сир эмас. Бугунги кунда эса, такдир ҳақида гапириш деярли рад этилган, ҳамма нарсани батафсил тушунтириб бериш керак. Бироқ баъзан биз тушунтириб беролмайдиган ва тўхтатиб ҳам қололмайдиган бир нималар содир бўлади. Бу нарсаларга биров тасодифан дучор бўлса, бошқа биров тасодифан дучор бўлмай қолади. Хўш, бунга сабаб нима? Ушбу савол ҳамон жумбоқлигича қолиб келмоқда.

Яшаб ўтган умримизни кўмсаймиз, ўтган яқин инсонларимизни соғинамиз.

Қачондир отам ҳам сўнгги нафас олиб, бу фоний дунёни тарк этади. Бундан ўзимча тутатиб кетаман – шунча тиришиш, югур-югурнинг нима кераги бор эди? Сўнг яна, Жюльен Грин саксон ёшида кундалигига ёзиб қўйган қайдларида заррача бўлса ҳам ҳақиқат бормикин, дея ўйлаб қоламан: қариган чоғида унда лаёқат йўқотиш-у ўлимдан қўрқиш деган гап бўлмаган, ўлим тўғрисидаги тасаввури ҳам оддийгина бўлган: гўё Тангри тахта(доска)даги ёзувни ўчириб, ўз номини ёзиб қўяркан, холос.

Отам каминага қарши ўлароқ ўта диндор одам бўлган. Лекин Ж. Гриннинг тахтага ўз номини ёзиб қўядиган мана шу Ўзга ҳақидаги гапи дунёвий маънода менга ҳам маъкул кўринади. Зеро, биз фойдаланган жойлар бошқалар томонидан ҳам фойдаланилади. Бизлар юрган кўчалардан қачонлардир бошқалар ҳам юради. Отам уй қурган жойда вақти келиб, бошқа одамлар ҳам яшайди. Мен айтган ҳикояларни яна кимдир қайта сўйлайди. Бу дунё қанчалик бемаъни ва ғамгин бўлмасин, менга бу шунчалик тўғри бўлиб кўринади.

Газеталарда ёзилишича, (шарқда учрайдиган) қора суварак Бикини атолл (Маршалл ороллари архипелагида жойлашган халқа тарзидаги маржон ороли – *тарж.*)даги атом бомбаси синовларида ҳам тирик қолган экан. Улар ҳаттоки қиёмат-қойим қўпганда ҳам омон қолармиш. Ана кўрдингизми, улар ҳам мендан кейин қоларкан. Каминаку, ўзимдан кейин вино билан қизларнинг қолишига рози эдим. Бироқ мен ўтгандан кейин, келиб-келиб қандайдир суварак ҳаёт нашидасини суриб юрса, одамга алам қиларкан.

Бир куни ертўладаги омборхонадан бир шиша вино олаётгандим, шипга тақаб қурилган дераза очиқ эди, Даниела билан девор устида ўтирган отамнинг гапи қулоғимга чалиниб қолди:

– Бир кун вақти-соати келиб қолар...

Агар одамлар умрбоқий бўлишганда эди, камроқ фикр юритган бўлардилар. Башарти одамлар камроқ фикр юритганларида, ҳаёт бунчалик гўзал бўлмас эди.

Агар ҳаёт бемаъни, тутуриксиз ва ўлим муқаррар бўлмаганда эди, на *Сехрли флейта* ва на *Ромео ва Жульетта* битилган бўларди. Нега энди ҳар доим кимдир бир нима қилишга мажбур бўлганин-а?

Ҳаёт менга шу қадар жозибали бўлиб кўринаётгани, бу – ўлим туфайлидир. У дунёни янада равшанроқ кўришимга ёрдам беради. Бироқ шундай бўлса ҳам, уни ёқтирмайман, чунки у дилларга ғулғула солади, жуда кўп гўзал нарсаларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлади, мен бунга ниҳоятда ачинаман. Яна шуниси ҳам борки, ўлим муқаррарлигини билиб туриб ёзғириш менинг назаримда худди тунда – ўз-ўзидан отадиган ҳаёт тонгини деб ақиллашга ўхшаб кетади.

Қанчалик қаршилиқ кўрсатмайлик, вақт барибир ўтиб кетаверади.

Адашмасам, *Шанхайлик леди* фильмида шундай бир кичкинагина диалог бор:

- Мен ўлишни хоҳламайман.
- Мен ҳам. Мабодо агар мажбур бўлса, энг охирида.

Одамлар ҳаётни қанчалик севишмасин, агар яшаш даражаси қониқарли бўлмаса, унда бирданига *эвтаназия* (оғриқсизлантирадиган дори-дармонлар воситасида ўлишни енгиллаштириш – *тарж.*) мавзусига ўтилади. Бунинг ўрнига юзага келган янгича вазият билан ҳисоблашиш, одам ўзидаги ноқобиллик, лаёқатсизликка барҳам бериш ҳақида ўйлаш мақбул бўлмасмикин? Савол туғилади: Одам ўзини-ўзи ожизлик, ночорликдан сақлагани маъкулми ёки касал бўлгач, хасталикдан?

Яшаяпмизми, демак, гуноҳқормиз! – Мудом!

Отам илгари мен пайқамаган юмшоклик, мулойимлик билан баъзан кафтини, кўпинча қўлининг орқа тарафини юзимга теккизган пайтларда негадир ғалати бўлиб кетаман. Ана шундай лаҳзаларда у билан ўзимнинг бир жон бир тан эканлигимни англаб етаман.

Ва буни ҳамиша эслаб юраман. Ҳамиша ва ҳар доим! Ёки бунга қодир бўлган пайтимга қадар.

Қўлимни унинг елкасидан ўтказиб, дейман:

– Хўш, кекса *Haudegen* (ҳеч нарсадан қайтмайдиган, кўркмас, ботир жангчи, аскар – *тарж.*), қалай энди?

– Менми? – сўрайди у ҳайрон бўлиб.

– Нима, сен кекса *Haudegen* эмасмисан?

– Гап шундаки, буни қандай тушунишга боғлиқ. – Биласанми, *Haudegen* кучли бўлади...

Шундай деб, менга пича разм солиб тургач, давом этди:

– Масалан, сен кўп нарсаларни хоҳлагансан, кўпгина нимарсаларни эса, ўлдирса ҳам хоҳламасдинг, шундайми?

– Тўғри, баъзи бир нарсаларни жуда ҳам истаганман, – дедим мен.

– Сен саргузаштларга ишқибоз бўлгансан. Мен эса йўқ.

– Сен ўзи нимани яхши кўрадинг?

– Уйга қайтишни...

Бошқа бир сафар, унинг қўлини қисиб қўйгандим, ҳайрон бўлди:

– Нимага бундай қиялсан?

– Ўзим шунчаки, – дедим мен.

У менга қаради, унинг нигоҳида қизиқувчанлик билан ғижиниш омихта эди, сўнг деди:

– Албатта, қўлимни хоҳлаганингча ушлашинг мумкин. Бироқ мен бунинг сабабини билишни истардим.

– Сабаби, сени яхши кўраман, – дедим мен.

Бу изоҳдан уялгандек бўлди, сўнг гўё ўз-ўзига баҳо бераётгандай ва ўз ожизлигини тан олаётгандай деди:

– Шунчаки айтаётган бўлсанг керак-да...

– Албатта сени яхши кўраман! – дедим ўнғайсизланиб, сўзларим негадир ўзимга ҳам аллақандай ишончсиз ва шубҳаомуз эшитилди.

Отам бошини қуйи солди ва шу билан мавзуга якун ясалди.

Агар ўз-ўзимдан: отам қандай одам эди? дея сўрайдиган бўлсам, гоҳида у қолипга осонгина мос келар, гоҳо яна қолипни бузиб, бутун ҳаёти давомида менга ва бошқаларга ҳам намоён бўлган турли киёфаларга кира оларди.

Бу – қувноқ, шодон бўлиш, кулги-хурсандчилик ва одамлар билан тезда дўстлаша олиш қобилияти эди.

Урушдан уйга қайтиш чоғида унга одамларда ўзига хайрихоҳлик уйғота олиш истеъдоди ниҳоятда қўл келган. Оғир дамларда ёрдам қўлини чўзган инсонларнинг исм-шарифларини уруш ҳақидаги хотираларида меҳр билан аниқ қилиб ёзиб қўйган. Санкт Валентин деган жойда Дунай дарёсидан паром билан ўтишда Иннкрайс(Рид)лик Алфонс Майр деган бир киши унга пул тўлаб юборган. Урфарда кеннелбахлик Эвалд Фишер ва Гидо Орсингер деган яхши одамлар катта думалок бўлка нон беришган. Дорнбирнлик Зигфрийд Носко дезинсекция (битларни ўлдириш – тарж.) гувоҳномасини қалбакилаштириб, унинг Қизил Хоч улови ўриндиғи остига яширинишига имкон берган. Америкаликларга рақс ўргатган брегенцлик мусиқа муаллими Франц Грубер ўзининг икки порция таомини у билан бирга баҳам кўрган.

Кимки факат ота ғоясига учадиган бўлса, панд ейиши ҳам мумкин. Ҳеч қайси бир ота болаларининг ўзи ҳақидаги тасаввурларига мос келишнинг уддасидан чиқолмас экан.

Агар у қайтиб келса – худди кегли (типпа-тик териб қўйиладиган бутилка (шиша) шаклидаги чиллакларни

шар билан уриб йиқитиш – тарж.) ўйинидан нақ йигирма йилдан сўнг қайтган Рип ван Винкл каби – хасталик ҳақида менга нималарни ҳам айтиб бера оларди. Биз-ку, энди бир-биримиз билан очикроқ, дилкашроқ ва ақллироқ суҳбат кура олардик.

Унинг болалари, бу борган сайин тобора яққолроқ намоён бўлиб бораётир, воқеалар ичидан муайян бир тарзда покланиб чиқиб келмоқда эдилар. Бу эса чуқур из қолдириши барчага маълум.

Анча йиллар айрилиқ ва мустақилликдан сўнг, онам ниҳоят, яна оиламиз бағрига қайтди. Отамнинг бир умрлик оилавий турмуш ҳақидаги самимий орзу-тилагии бир оз кечикиб бўлса-да, амалга ошди.

Бир неча кун аввал у уйда, ошхонадаги стул устида жимгина ўтирарди – онам унинг сочларини олаётган эди.

Оилавий муносабатлар тарихида пардоз берилиб, боплаб ёзилган таржимаи ҳоллар учраб туради – улар худди бурама пўкак очкичларга ўхшаб кетади.

Отам кўпинча эс-хушидан айрилган бечора инсон киёфасида намоён бўлади. Агар менга кўзлари кулиб караса, бундай ҳолат бахтимга тез-тез бўлиб турибди, демак биламанки, у келганимдан хурсанд. Кўпинча у ҳеч нимани билмайдигандай ва тушунмайдигандай кўринади.

Бир куни у кўлим муздайлигини сезиб, менга ачингандек бўлувди, ташқарида ёмғир ёғаётганини айтдим. У кўлимни кўллари орасига олиб, деди:

– Сизлар бориб ишларингни қилаверинглар, унгача мен манови кўлни иситиб тураман.

Сўнгра биз кушетка устига ўтирдик. У:

– Мен катта боламан ва мужмал нарсаларни ёқтирмайман.

Радиокарнайда Моцарт янгради. Отам ўтган-кетганга “Баракалла!” деб, ортидан қараб қолар, агар у орқасига кулиб қараса, отам буни Катарина билан менга ўзича шарҳлаб берарди:

– Худди бомбадай таъсир қилади-я.

Бу қария ўзининг соғинч ҳис-туйғуларини, дарду ҳасратларини жаннат кўшигига ҳам алмашмасди: сайрга чиқса, кимнидир учратса, у билан бир оз ҳангама килса бўлди эди.

Арзимас қулайликлар – кулаётган чехралар – дайди мушуклар – ўткир ҳазил-мутойибалар, тамом-вассалом. Қариялар уйидан бундан ортиқ нарса кутиб бўлмайди. Менга ҳаммасидан ҳам бу ерда яшаётган одамларнинг ишлаб чиқариш жамиятидан озод эканликлари ёқади.

Бирон-бир имкониятнинг етишмовчилиги баъзан бирор нарсадан халос бўлишга олиб келади. Мен буни Сибирдаги посёлкаларнинг биридан бир неча километр олисда жойлашган кичкинагина темирўл бекатида ўтирволиб, писта чақиб кутиш каби тасаввур қиламан. Қачондир поезд келиши аниқ. Қачондир бир нима бўлиши ҳам аниқ. Албатта.

Отам қаҳвадан бир қултум ичиб, чашкани ликобча устига қўйди-да, уларга қараб деди:

- Булар бир-бирига қариндошми дейман?
- Ҳа, улар бир-бирига тегишли, – дедим мен. У эса:
- Рангига қараб мен ҳам шундай деб ўйлагандим.

Газета хабарига кўра, қора қўйларнинг сони ер юзида харорат кўтарилиб бораётгани сабабли тобора камайиб кетаётганмиш.

Яхши кунлар ўтиб кетди, деган ҳадик-хавотирларим кўпинча ўзини оқламас, башоратларим ҳам камдан-кам тўғри чиқарди. *Сен бола каттиқ адашяпсан*, дерди отам,

Ўзига хос мулоҳазали тарзда. Шу боис энди келажакка аввалгидек хавотир билан боқишни бас қилиб, ортиқ ташвишланмай қўйдим. Вазминлик билан кутиш.

Ушбу китобни ёзишга шошилмадим, олти йил кутдим. Айни чоғда қани энди, падари бузрукворим тириклигида ёзақолсам, деб орзу ҳам қилардим. Чунки бу ҳақда унинг ўлиmidан сўнг ҳикоя қилишни истамасдим, мен тирик инсон ҳақида ёзишни хоҳлардим, зеро, ҳар бир киши сингари отам очик қоладиган тақдирга муносиб, уни шундай тақдир эгаси деб ҳисоблардим.

Мазкур сатрларни ёзаётганимда ўзим ҳам унинг ярим ёшига яқин етиб қолгандим. Шу ерга етиб келгунча, орадан кўп вақт ўтди. Бизларни ҳозиргидек одам бўлишимизга сабабчи бўлган асосий, ҳал қилувчи нарсаларни тушуниб етгунимизга қадар, мана, кўп вақт ўтди.

— Илгари мен бақувват йигит эдим, — деганди отам Катарина билан менга. — Сизларга ўхшаган улоқча эмас!

Айтишади-ку: Кимда-ким сабр билан кута олса, албатта қирол бўлади.

Т а м о м

Таржимон ҳақида



Мирзаали Акбаров 1955 йилда Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида туғилган. 1977 йилда Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирги Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети)нинг олмон филологияси

факультетини битирган. Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

Яратган таржима асарлари орасида Халқаро Нобель мукофоти соҳиби Ҳерманн Хессе қаламига мансуб «*Чул бўриси*» романи ва Йоханн Вольфганг Гётенинг «*Ҳикматлар хазинаси*» («Шарқ» НМАК 2006,2008) ҳамда Клаус Зеехафернинг «*Йоханн Вольфганг Гёте*» номли китоби («Янги аср авлоди», 2011) муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, Вольфганг Борхерт, Герхард Бранстнер, Фридрих Кристиан Делиус, Томас Манн ва Стефан Цвайг каби олмон ҳамда олмонзабон шоир ва ёзувчиларнинг кўплаб ҳикоя, эссе, новеллаларини аслиятдан ўзбек тилига таржима қилган. Шоир Баҳром Рўзимуҳаммад билан ҳамкорликда берлинлик ижодкор Марица Бодрожич шеърларини ўзбекчаштирган. Адабий таржимон сифатида Австрия, Германия ва Швейцария сингари Европа мамлакатларида кўп марта ижодий сафарларда бўлган. Германиядаги Халқаро Ҳерманн Хессе жамиятининг аъзоси.

Arno GEIGER
DER ALTE KÖNIG
IN SEINEM EXIL

Арно ГАЙГЕР
ҚУВҒИНДАГИ
КЕКСА ҚИРОЛ

Қисса

«ФАЙЛАСУФЛАР» нашриёти
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тел.: 236-55-79; факс: 239-88-61.

Таржимон: *М. Акбаров*
Муҳаррир: *М. Турсунова*
Мусаххих: *М. Турдиева*
Дизайнер ва саҳифаловчи: *Э. Муратов*

Нашриёт лицензияси: АИ №255, 16.11.2012.

Босишга рухсат этилди 12.05.2015 й. Офсет усулида чоп этилди. Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. «Times New Roman» гарнитураси. Босма табағи 4,0. Нашр табағи 4,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 29.

YOSH KUCH PRESS MATBUOTI МЧЖда чоп этилди.
Тошкент, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси 1 А-уй.